

1948/8

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

1958.11

154

8

1958.11



1948
ТОШКЕНТ

27



1948/8

ЮШ АРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕНИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

8

943.
84

АВГУСТ

★

ТОШКЕНТ

1948





Андрей Александрович ЖДАНОВ
(1896—1948)



БУТУН ИТТИФОҚ КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети партияга ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига ғоят чуқур қайғи блан билдирадиларки, партиямизнинг ва Совет давлатининг отоқли арбоби, ВКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюросининг а'зоси, ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Советининг депутати, генерал-полковник ўртоқ Андрей Александрович Жданов оғир касалликдан кейин 31 августда кундуз куни соат 3 дан 55 минут ўтганида вафот этди.

Ленин — Сталин партиясининг содиқ фарзанди, ўзининг бутун ҳаётини коммунизмнинг улуг ишига хизмат қилиш учун бағишлаган ўртоқ А. А. Ждановнинг вафоти партия ва бутун совет халқи учун энг оғир мусибатдир.

Партия отоқли марксист назариётчи, Ленин — Сталин улуг ғояларининг энг исте'одли пропагандисти, партия ва Совет давлатининг буюк ташкилотчиларидан бири бўлган ўртоқ Ждановдан ажралди.

Улуг Сталиннинг содиқ шогирди ва сафдоши ўртоқ Жданов Совет Ватанининг бахт-саодатига бағишлаган жўшқин фаолияти блан, Ленин — Сталин партиясининг ишига фидокорона садоқати блан партиянинг ва Ватанимиздаги барча меҳнаткашларнинг самимий ва оташин муҳаббатига сазовор бўлди.

Ўзининг бутун жўшқин ғайратини коммунизм қуриш ишига бағишлаган ўртоқ Андрей Александрович Ждановнинг ҳаёти улуг Совет Ватанимизнинг меҳнаткашлари учун намуна бўлиб қолади.

**БУТУН ИТТИФОҚ КОММУНИСТ
(большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

**ССР ИТТИФОҚИ
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ.**

АНДРЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ ЖДАНОВ

Коммунистлар партияси ва Совет давлатининг отоқли ташкилотчилари ҳамда арбобларидан бири, ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси, ВКП(б) Марказий Комитетининг Секретари, СССР Олий Советининг депутати, генерал-полковник ўртоқ **Андрей Александрович Жданов** оғир касалликдан кейин 31 августда вафот этди.

Андрей Александрович Жданов 1896 йил 26(14)февральда Мариуполь шаҳрида халқ мактаблари инспектори оиласида туғилган. **А. А. Жданов** ўн олти ёшар ўспиринлик чоғида (1912 йилда) ўз отаси Тверьга кўчганидан кейин революцион ҳаракатда қатнаша бошлайди, Тверь шаҳрида (ҳозирги Калинин шаҳри) ўқучи ёшларнинг социал-демократик тўғаракларида иштирок қилади.

А. А. Жданов 1915 йилда большевиклар партияси сафига киради. У, Тверь шаҳридаги ишчилар районида партия ишларида фаол қатнашади. Ўртоқ **Жданов** тез орада партия ходими бўлади. Биринчи жаҳон уруши даврида армия сафига сафарбар қилинган ўртоқ **Жданов** аскарлар ўртасида большевикча пропаганда олиб боради, Ўролда Улуғ Октябрь социалистик революциясига тайёргарлик кўриш ва бу революцияни ўтказишда қатнашади. Ўртоқ **Жданов** граждан уруши йилларида Қизил Армия қисмларида сиёсий оқартиш ишлари блан шуғулланади, Ўролда ва Тверьда партия ҳамда совет ишларини олиб боради. Ўртоқ **Жданов** 1922 йилдан бошлаб Тверь губерна ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлайди. Ўртоқ **Жданов** 1924—1934 йилларда Горький ўлкасида партиянинг раҳбарлик ишларида: ВКП(б) Горький губерна комитетининг секретари, Горький ўлка комитетининг секретари бўлади.

А. А. Жданов ВКП(б)нинг XIV съездида ВКП(б) Марказий Комитети а'золигига кандидат, XVI съездда ВКП(б) Марказий Комитетининг а'зоси қилиб сайланади, XVII съезддан кейин эса ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари, ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'золигига кандидат қилиб сайланади.

Ўртоқ **Жданов** энг муҳим партия ва давлат ишларини бажаради. У мафкура ва марксизм-ленинизм назарияси масалаларига кўп

э'тибор қилади. Унинг Совет ёзучилари Союзининг биринчи қурултоида сўзлаган нутқи совет адабиётининг тараққиётида энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

1934 йил декабрь ойида, я'ни С. М. Киров ёвузларча ўлдирилганидан кейин, партия ўртоқ А. А. Ждановни Ленинград партия ташкилотига ишлаш учун юборади. Ўртоқ Жданов 1934 йилдан тортиб 1944 йил охиригача Ленинград партия ташкилотига етакчилик қилади.

А. А. Жданов партиянинг хоҳиш — иродасини бажариб, ўзига хос большевикча ихтирос блан Ленинград партия ташкилотин руҳлантириб, тродкийчи-зиновьевчи мунофиқлар ва хонларни тор-мор келтириш ҳамда илдизи блан қуришига сафарбар қилади. Ленинград большевикларини ВКП(б) Марказий Комитети теварагига ва ўртоқ Сталин теварагига янада маҳкам жиплаштиради.

XVIII съезд арафасида ВКП(б) Марказий Комитети ўртоқ А. А. Ждановга партиянинг агитация-пропаганда ишларига раҳбарлик қилишни топширади. Ўртоқ А. А. Жданов партиянинг XVIII съездида ҳам партия қурилиши масалалари тўғрисида доклад қилади. А. А. Жданов партиянинг ҳарбир топширигини сидқидил блан бажариб келди. Партиянинг XVIII съезидан кейин ўртоқ Жданов ВКП(б) Марказий Комитетининг Сийсий бюросига а'зо қилиб сайланади.

Улуғ Ватан уруши йилларида партия ва ҳукумат ўртоқ А. А. Ждановга Ленинград мудрофаасини уюштиришни топширади. Ўртоқ Жданов етакчилигидаги Ленинград большевиклари ВКП(б) Марказий Комитети ва ўртоқ Сталиннинг берган йўл-йўриқларини амалга ошириб, Ленин шаҳрини қаҳрамонона мудрофаа қилишнинг юраги бўлдилар. Ўртоқ Ждановнинг Ленинград фронтида қилган ишлари учун унга даставвал генерал-лейтенант унвони, сўнгра эса генерал-полковник унвони берилади.

Ўртоқ Жданов партиявий ва ҳарбий йўл блан қилган жуда катта хизматлари учун икки марта Ленин ордени блан, Қизил Байроқ ордени, 1-нчи даража Суворов ордени, 1-нчи даража Кутузов ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотланди.

Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонилиб, партия ва халқ тинч қурилиш ишларига киришган чоқда мафкуравий иш масалалари партия ва мамлакатнинг ҳаётида катта ўрин олди. Отоқли марксист назариётчи ва Ленин — Сталин улуғ ғояларининг энг исте'додли пропагандисти бўлган ўртоқ Жданов адабиёт, сан'ат, фалсафа масалалари юзасидан, халқаро аҳвол масалалари юзасидан бирнеча марта мазмунли доклад қилади.

А. А. Жданов халқаро ишчилар ҳаракатининг раҳбар арбобларининг биринчи сафларида бўлди. Унинг нутқлари барча мамлакатларнинг меҳнаткашларига жуда яхши ма'лум.

Улуғ Сталиннинг содиқ шогирди ва сафдоши ўртоқ Жданов коммунизм иши учун жўшқин ғайрат блан қурашди, ўзининг куч ва сихатини ҳечқачон аямади. Унинг жўшқин ҳаёти ва фа-

олияти партияга ва халққа фидокорона хизмат қилиш намунаси-
дир. У Ленин — Сталиннинг улуғ ишига фидокорона садоқати
блан, партиянинг бош йўлидан четга чиқишларга асло йўл қўй-
майдиган чуқур принципиаллиги блан партиянинг ва барча меҳ-
наткашларнинг самимий ва оташин муҳаббатига сазовор бўлди.
Қадрдон дўстимиз ва жанговар ўртоғимиз, алвидо'!

А. АНДРЕЕВ

Н. БУЛГАНИН

Н. ВОЗНЕСЕНСКИЙ

К. ВОРОШИЛОВ

Л. КАГАНОВИЧ

А. КОСИГИН

А. КУЗНЕЦОВ

Г. МАЛЕНКОВ

А. МИКОЯН

В. МОЛОТОВ

П. ПОНОМАРЕНКО

Г. ПОЛОВ

И. СТАЛИН

М. СУСЛОВ

Н. ХРУЩЁВ

Н. ШВЕРНИК

М. ШКИРЯТОВ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиуми улуғ Сталиннинг содиқ шогирди ва жанговар сафдоши, ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг а'зоси, ВКП(б) Марказий Комитетининг Секретари, ССР Иттифоқи Олий Советининг депутаты, генерал-полковник **Андрей Александрович Жданов**нинг бевақт вафот этганлиги тўғрисида Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси номидан ва республиканинг барча меҳнаткашлари номидан чуқур қайғи билдирадилар.

Совет Иттифоқи коммунистлар партияси, бутун совет халқи ва халқаро ишчилар ҳаракати оғир мусибатга учради. Биз, Ленин — Сталин улуғ гоёларининг тантанаси учун отоқли курашчи, коммунист (большевик)лар партияси ва Совет давлатининг отоқли ташкилотчиси, социалистик ватаннинг оташин ватавпарвари, бутун дун'ё меҳнаткашларининг самимий дўсти **Андрей Александрович Жданов**дан ажралдик.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртоқ **Жданов**нинг севикли ватанимизнинг сиёсий ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги буюк хизматлари учун, меҳнаткашларнинг манфаатларига садоқат ва фидокорлик блан хизмат қилганлиги учун бутун совет халқи блан биргаликда ундан бениҳоя миннатордирлар.

Совет кишилари ва бутун тараққийпарвар инсоният Ленинграднинг немис-фашист жаллодлардан қаҳрамонона ҳимоя қилинганлигини абадий унутмайди ва доим ҳурмат блан тилга олади. Улуғ Сталиннинг содиқ сафдоши **Андрей Александрович Жданов** Ленинград мудофаасининг юраги бўлган эди.

Партияимизнинг мафкуравий ишларини уюштиришда **Андрей Александрович Жданов**нинг хизматлари бениҳоя каттадир. Ўртоқ **Жданов** адабиёт, сан'ат, фалсафа ва халқаро аҳвол масала-

лари юзасидан сўзлаган мазмунли нутқларида йирик марксист назариятчи ва Ленин — Сталин улуғ ғояларининг энг исте'додли пропагандисти эканлигини кўрсатди.

Ўзининг бутун ҳаётини меҳнаткашларнинг бахти учун, мамлакатимиз халқларининг ленинча-сталинча дустлиги учун курашга бағишлаган ўртоқ Ждановнинг порлоқ образи Ўзбекистон большевикларини ва республикамизнинг барча меҳнаткашларини Совет Иттифоқини янада яшнатиш ва коммунизмнинг тўла ғалабаси учун фидокорона меҳнат қилишга доим ялҳомлантиради.

ЎЗБЕКИСТОН К(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

КАТТА ЖУДОЛИК

Ленин—Сталиннинг шонли партиясига, кўп миллионли совет халқига, бутун жаҳон меҳнаткашларига оғир ва чуқур мотам юз берди. Коммунизмнинг оташин курашчиси, большевиклар партияси ва Совет давлатининг энг забардаст ташкилотчиларидан бири бўлган Андрей Александрович Жданов илалабад биздан видо'лашиб, у ажойиб ва сермазмун ҳаётидан ажради.

А. А. Жданов сиймосида социализм дун'ёси улуғ Сталиннинг содиқ шогирдини, Ленин—Сталин мактабида парвариш топган улкан бир давлат ва партия арбобини, бақувват марксист назариётчини, коммунизм идеяларининг исте'одли пропагандистини йўқотди.

А. А. Жданов ўзининг жўшқин ва ҳартомонлама фаолиятида идеология ҳам марксча-ленинча назарияга бағоят жиддий бир э'тибор блан қараб ҳарбир ишга, ҳарбир соҳага большевистик партиявийлик руҳини сингдиришга қобил эди.

А. А. Жданов ўзи шахсан жонли намуналарда, маркс-ленин назариясини турмушга, конкрет жанговар масалаларга татбиқ қилиб, мафкура, маданият, фалсафа, сан'ат, адабиёт, музика соҳаларида Ватанвизмининг ўсиш йўлларини, ижодкор кадрларимизнинг вазифаларини очиқ ва чуқур та'бирларда белгилаб берган эди.

Советлар Иттифоқининг адабиётчилари — шоирлари, адиблари, драматурглари, танқидчилари ўртоқ Ждановнинг тўғри ва одиллона йўл-йўриқларини ўз ижодларига дастуриламал қилиб олган эдилар. Андрей Александрович Совет адабиётининг ва совет ёзучиларининг ша'н ва шарафини баланд кўтариб, улуғ замонамизга ва улуғ халқимизга муносиб ўлмас асарлар яратиб беришни адабиёт fronti олдига бош вазифа қилиб қўйиб, барча ижодий кучларни шу йўлда сафарбар қилиш бобида ташкилотчи бўлди.

А. А. Ждановнинг зўр ифтихор блан, ёзучиларнинг I қурултойида айтган қуйидаги сўзлари бутун совет адабиётининг инқишоф тарихида жуда муҳим роль ўйнаган эди: „Бизнинг адабиёт — деган эди ўртоқ Жданов — барча халқлар ва мамлакатларнинг адабиётларидан кўра ёшроқдир. Шу блан бирга у энг гоёвий, энг пешқадам ва энг инқилобий адабиётдир“.

Ўртоқ Жданов бизнинг ёзучиларимизни эски ва зулим дунёсининг чырик кайфиятларига қарши курашга чақириб, социалистик реализм методининг моҳиятини тушунтириб берди, совет ёзучиларини шу қудратли усул блан қуроллантирди. Ўртоқ Жданов бизга талқин қилар эдики, „Бадий тасвирдаги ҳаққоният ва тарихий конкретлик, меҳнаткашларни гоёвий жиҳатдан қайта тузиш ва тарбиялаш вазифаларига мос тушмоғи керак“.

Айниқса сўнгги йилларда, ўртоқ Ждановнинг сан'ат ва адабиёт бобидаги чиқишлари умуман совет маданиятининг тараққиёти учун зўр омил бўлиб қолдилар. „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида Андрей Александровичнинг сўзлаган нутқи адабий практикамининг ва назариямининг асосий йўлларини белгилаб берди. Адабиётнинг улуғ ижтимоий родини қайд қилиб ўртоқ Жданов дер эдики, „Ленинизм, бизнинг адабиётимизнинг ижтимоий-ўзгартучанлик аҳамиятини э'тироф қилади“.

Марксизм-ленинизм назариясига таяниб ўртоқ Жданов томонидан ўртага сурилган бу вазифалар, сўнгги йилларда ёзучиларимизнинг ижодий ютуқларига илҳомбахш бир туртки бўлди.

Буюк ватанпарвар А. А. Жданов, совет маданиятининг ша'ни ва обрусини кўтаришга, ажнабий сан'ат ва адабиётнинг чыркилигини фож қилишга чақириб туриб, тарихда янги бир адабиёт бўлган Совет адабиётининг шарафига сазовор асарлар яратишни талаб қилиб келди.

Куп миллатли Совет адабиётининг барча сан'аткорлари ва адабий кадрлари А. А. Ждановнинг сезгир, доно, равшан ва одилона талабларини ҳам маслаҳатларини ғамхўр бир муаллимнинг дарсларидай қабул қилиб, ўз ижодий тажрибаларига сингдиришга уриниб келдилар.

Ўзбек Совет ёзучилари Андрей Александровичнинг оташин ва сермазmun асарларидан яхши баҳраманд бўлиб, ўз шарафли бурчларини бажаришда ундан олган илҳомлари учун абадий миннатдордирлар.

Андрей Александрович Жданов учун сан'ат ва адабиёт мармарларидан қўйиладиган энг мужассам ҳайкал, у биздан талаб ва орзу қилган ва улуғ давримизга муносиб сермундарижа ва олий сифатли асарларни яратишдан иборатдир.

ОЙБЕК
ҒАФУР ҒУЛОМ
ШАЙХЗОДА
АБДУЛЛА ҚАҲҲОР
М. И. ШЕВЕРДИН
УЙҒУН
ЯШИН

ОЙДИН
МИЛЬЧАКОВ
С. СОМОВА
Ж. ШАРИФИЙ
Н. САФАРОВ
З. ФАТХУЛЛИН

ШАЙХЗОДА

СЎНГГИ ЙЎЛ

(А. А. Жданов учун марсия)

Чимрилган қош узра очиқ пешона —
Кўп ажиб фикрнинг бекик хонаси,
Зеҳннинг азмидан кўзда нишона,
Лабида қотгандир иш таронаси.
У ётар тобутда... Индамай, хомуш,
Мангулик очибди уни деб оғуш.
У ётар тобутда... Аммо юзида —
Ўлмаслик муҳрининг нақшлари бор,
Гуё бирдан туриб, у ўз сўзида
Ҳозир жўшадиган боқишлари бор.
Яширмоқ не лозим? Йиғладик букун,
Унга йиғламаган юраклар тошдир.
Бетховен маршининг ғамгин куйида
Кўзда ялтираган бу шаффоф ёшдир.
У сўнги манзилга, абад уйига
Бу Ватан елкаси элтар тобутин.
Муаззам Кремль деворларига
Кузатар фарзандин она-юрт бутун.
Яширмоқ не лозим? Йиғладик букун,
Унга йиғламаган юраклар тошдир.
Эй дўстим, сен унга ихлосинг учун —
Ижод майдонида ҳимматинг ошир!
Кремль қўйнида унинг хокидан,
Ғоядай покиза хоки-покидан
Унгуси бахтларнинг қирмизи гули,
Шу учун у сиймо элга севгили,
Шу учун жаранглар унинг каломи.
Шу учун яшайди унинг мард номи:
Болалар исмида,
Зафар жисмида,
Уйларнинг расмида,
Юртнинг базмида,
Коммуна даврининг кошонасида,
Ғолиб насларнинг пешонасида.

2 сентябрь, 1948 йил

МИРТЕМИР

МУНГ...

(А. А. Жданов хотираси)

Аччиғ йиғи ва оғир мунг — чексиз қайғу тошқини,
Куй оқади мотамсаро, диллар мисли титроқ барг.
Нақадар зил ва омонсиз бевақт ажал чақини,
Тансиқ, жўшқин, азамат умр наҳот бўлди жувонмарг!

Мусибатда олис-яқин, мусибатда бутун эл,
Сочлари оқ большевиклар эгар мағрур бошларин.
Байроқдорлар, ҳурматиға байроқларни эғиб кел,
Саркардалар боши қуйи, аста артар ёшларин...

Эл тик турар, биллурдек соф қалб учун эл қайғуси,
Қалбки, бардош беролганди балоларнинг селиға.
Қалбки, ўлмас ғояларнинг ғубор қўнмас кўзгуси,
Қалбки, сўнгги дамигача ошиқ, содиқ элиға...

Эй большевик аллома, эй яловбардор, ухла тинч,
Қайғу оғир, лекин элга сурагай мунг нораво.
Эй партиям ботир ўғли, эй фидокор, ухла тинч,
Унутмагай коммунага қарай оққан кенг дун'ё.

Алвадо', эй ўктам жангчи, эй муҳтарам, зўр инсон
Сен тириксан, туғар куннинг зафариди тириксан.
Довонлардан кечар ҳали ёруғ йўлда чўнг жаҳон,
Сен тириксан, юртимнинг шоҳ асарида тириксан!

Сентябрь, 1943 йил

М. БОБОЕВ

**АЛВИДО', ЖОНА ЖОН АНДРЕЙ
АЛЕКСАНДРОВИЧ**

Бир оғир мотамда ёришди саҳар...
Халқ бардош берарди бевақт қазога.

Оғир,
Жуда оғир бу маш'ум хабар,
Қандай сиғди экан фазога!

Ўксиб нафас олар бугун қари, ёш,
Эл улуғ фарзандин йўқотди мангу.
Байроқлар мотамли, кўзлар тўла ёш,
Бугун чолғуларда мотам оҳанги...

Колонна залининг тўрида тобут,
Устида байроқлар эгилган қуйи.
„Алвидо' фарзандим!“ — дер халқ,

бутун юрт, —

Бошида Сталин турар қайғули.

Бемаҳал тўхтаган оташин юрак,
Ғолиб коммунанинг бир байроқдори.
Ленин — Сталинининг йўлидан, сра —
Оғишмай, чўққилар ошган шунқори.

У — халқ бахти учун жангу-жадалда,
Зафар байроғини тиккан баҳодир.
Шонли партиянинг йўлини амалда —
Кўрсатган —

Жданов, —

Коммунист, нодир!

Кеча Ленин шаҳрин ёв қамалидан
Сақлаган саркарда,

Пўлат ирода.

Ленин ғоясидай барқарор, мангу
Қуёшдай музаффар,

Яшар дун'ёда!

Янги ҳаёт кўрган ҳар қончи, ишчи
Уғил меҳри блан севганлар уни,
Ҳар олим, ҳар жангчи, ҳарбир қолхозчи
Оғир ҳис этади мотам-қайғуни...

Менинг қофиямда унинг нафаси,
„Гуп-гуп“ уриб турар — ҳаётдай яқин.
Бастакор торининг оташин саси
Нурли сиймосини эслатар ёрқин.

Улуғ башарият бахтин ўйлаган,
Умрин шунга берган — доно файласуф.
Тафаккур олами барҳаёт экан, —
Инсон юрагида порлар Жданов.

Бу оғир мотамда ёришди саҳар...
Халқ бардош берарди — бевақт қазога.
Оғир,
Жуда оғир бу маш'ум хабар.
Қандай сиғди экан фазога!..

Йўқ, йўқ, у ўлмаган,
Ўлим йўқ унга!
Улуғ Сталинга сафдош.
Зўр инсон —
Байроқдордир — борар коммунизмга.
У яшайди мангу — тургунча жаҳон.

1 сентябрь, 1948 йил.

МИРМУҲСИН, АСҚАД МУХТОР

У МАНГУ БАРҲАЁТ

Тегишидан тинди буюк юрак;
Қадрдон Жданов — жонажон.
Ўлим юлиб олди сафимиздан уни,
Қалбимизни сиқди алам ноғихон...

У эди халқ ўғли, чинакам инсон,
Оташин большевик, саркарда, олим.
Тоза онгимизнинг моҳир наққоши,
Улуғ ғоямизнинг зўр байроқдори,
Ота — Сталиннинг дўсти, сафдоши!

Равнақ топди гўзал сан'атимиз.
Юксалишга,

бахтга,

етаклади у.

Абадий содиқмиз муқаддас ишга,
Бугун тобут узра қасамимиз шу!

Ленинча яшашни ўргатди бизга,
Яшаш андозаси — унинг пок умри.
Қоғозга тўкилди чала мисра'лар,
Мисра'лар — тўкилган кўз ёшимиздир.

Эгилди ҳурмати учун байроқлар,
Бутун башарият оғир ярадор.
Алвидо' демакка кимнинг тили борар,
Йўқ!

У, орамизда!

Жданов мангу бор!

1 сентябрь, 1948 йил.

Ж. ШАРИФИЙ

ХОРАЗМ

Достон

(Муқаддима)

Хоразм, Хоразм, олтин Хоразм,
Эй туғилган юртим, эй қадим диёр!
Шону шуҳратингга боғишлайин назм.
Созимсан, ёзимсан, севга ишқим бор.

На қадар бой эдинг, талади хонлар,
Гавҳар хазинайдинг беклар ҳукмрон.
Омудар'ё каби тошганди қонлар,
Кумуш воҳа вайрон, хонники даврон.

Хевани ўраган қалин қўрғонлар,
Ҳар жойда минора, мачит-мадраса.
Усти бекик кўча, нақшбанд айвонлар,
Букчайган уйлардан чиқарди ғусса.

Қора қумда излар, чаноқ, суяклар,
Қўнғирогин чалиб ўтган карвонлар.
Кулфатда эзилган қанча юраклар,
Элатлар ваҳмада не-не замонлар.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Уч оға-ини

Хоразмнинг чет қишлоғида,
Яшар эди уч оға-ини.
Қашшоқ, ночор, йўқ боғ-роғи-да
Турар жойи худди қуш ини.

Ота-она ҳам ўлиб кетган,
Оз-моз мерос бир танобча ер.
Етимлик ҳам кўп жонга теккан
„Бу яшашдан ўлган яхши“ дер.

Каттасининг оти Авазқул,
Жуссаси зўр, етишган йигит,
Ўртанчаси Бекжонбой, нуқул,
Меҳнат севар, келишган йигит.

Энг кичиги гажир Болтабой,
Шўхлик блан чиқарганди от.
Қўшни ўгли бўлса ҳамки бой,
Ундан қўрқар, дерди: „ёмон зот“.

Ақли расо, ўзи тиришқоқ,
Гар ўқиса бўларди доно.
Нима қилсин бутун бир қишлоқ
Кўрмаганди мактаб-дарсхона.

Кафтдай ерни экиб, ҳосилни
Ололгунча тортиб машаққат.
Йилда келар ҳарбир фаслни,
Оға-ини сўкарлар қат-қат.

Авазқул ҳам ишсевар Бекжон,
Эрта тонгдан оқшомга қадар,
Матжон бойда ишлаб, ютиб қон,
Тинмасдилар, дилда ғам-қадар.

Бири бойнинг ҳайдар қўшини,
Бири қўшар Қуқон арава.
Болта қилар ҳарбир ишини
Ва мол боқиш блан овора.

Қўшни қизи гўзал Жумагул,
Қорамағиз, лўини юзли қиз,
Авазқулни севиб қолган ул,
Ўйлар эди кеча ва кундуз.

„Мен ҳам ғариб деҳқон қизиман,
Суянгани менгина холос,
Онам кўвар, ширин сўзиман,
Ҳеч керакмас, кимхоб, хон атлас“.

Йигит Аваз ошиқ шайдойи,
„Бахтим қуши Жумагул“ деди.
„Севган ёри, юлдузи — ойи...
Боғимдаги ўсган гул“ деди.

Оқшом

Баҳор чоғи Хева ёвони —¹
Пишканикда² лаззатли онлар.
Бир тарафда қумлар довои,
Бир тараф кўл, дам олар жонлар.

Ўрдак, турна, ғозлар галаси
Учиб келар кўлнинг бағрига.
Гулга сероб кўм-кук даласи,
Чақиради: „Келгин ёнимга!“

Баҳор кунн, сокит бир кеча,
Ўлтиради кўл қирғоғида —
Икки ошиқ сўзлашиб анча,
Жумагули ёр қучоғида.

Авазқулнинг титроқ лаблари,
Жумагулнинг дудоқларида.
„Мангу дустлик“ дир талаблари.
Сезиб ўзни бахт боғларида.

— „Камбағалнинг ови юрса ҳам,
Дови юрмас экан Жумагул“.
— „На гап, гурунг, на бўлди оғам?
Айтивг, дилни ёниб бўлди кул“

— „Матжон тўра золим жалотой“³
Сенга бўлган ошиқ беқарор.
Молу-давлат атаб бир талай,
Оламан деб қилибди қарор“.

— „Хабарим бор, парвойим фалак,
Ахир у бой бўлса ўзига,
Менинг учун бўлмасин ҳалок,
Ёринг илмас ҳеч назарига“.
Икки ошиқ, сокит бир кеча,
Ўлтиришар сўзлашиб анча.

Бугдой ўроғи

Кўз илгамас бугдой даласи,
Силкнади олтин бошоқлар.
Учиб келар қушлар галаси,
Зар денгизда ётар қишлоқлар.

¹ Ёвон — қишлоқ.

² Пишканик — қишлоқнинг номи.

³ Жалотой — белери, беаҳлоқ ма'носида.

Бошланганди бугдой уроғи,
Эрта тонгда келган батрақлар.
Далада иш қизиган чоғи
Терга ботган ҳатто яхтақлар.

Шу кенг дала олтинлар қони,
Фақат, фақат Матжон бойниқи.
Қуп давлатнинг йуқ эди сони
Наҳотки бир жалотойниқи.

Тўра келур отин ўйнатиб
Остивадир кўк саман йўрға.
Гердаяди таёқдай қоғиб,
„Ҳорманглар эй...“ деб айтар зўрға.

Отдай ишлар уч оғанини,
Тўра хурсанд, лекин ситамкор,
Тўра қойиб қолди бирини
— „Ҳой, нони қоқ¹, турмагин бекор.

Қўли, кўзинг ўроқда бўлсин!
Дуойибад, эй рўйсие².
Сени тезроқ Полвон пир урсин!
Машоқ қолди, гадо, рўдапо.

— „Ахир, тўрам... ишлаб бетинми...“
— „Сўз қайтарма телба, шум етим,
Севдан ортиқ қологон итим,
Гўштинг бўлур тилим ва тилим
Гўрсан етим, қичитма тилим“.

Қош қорайди, қоронғу кеча
Ҳашарчилар ичмакда гўжа.

Чиғир³ ёнида

Ёз, иссиқ кун, экин қовжирар,
Барглари сарғайиб куйиб,
Ташна бўлиб, томчи сув сўрар,
Қани энди бир ичса тўйиб.

Қани энди сув, сув, сув бўлса,
Матжон бойда сув доим сероб.
— „Ҳеч бўлмаса қаризм⁴ тўлса,
Раҳм қилғай, кўрайчи сўраб“

¹ Нони қоқ — новсиз, гадой.

² Рўйсие — юзи қора, шармисор.

³ Чиғир — чархпалакнинг иккинчи тури. От-туя, эшақ ёрдами билав пастдам оқадиган анҳордан сув чиқарди.

⁴ Қариз — сув турадиган чуқур, чиғирнинг қудуқчаси.

- „Ҳа, қулвачча, ёлвориб қолдинг“.
- „Шўрим қурди, иш хароб, тўрам“.
- „Кеча эса на ғалва солдинг?“
- „Ҳиммат қилинг оға¹ бизга ҳам“.

Минг та'наю, мвнг койишдан сўнг,
 Матжон тўра берди оз-моз сув.
 Авазқули „ишим бўлсин унг“
 Деб чигирга чолиб кетди у.

Чигир, чигир азоб макони,
 Худди дордай уч оғочи бор.
 Ғамда яшар Хева деҳқони
 Қанча ишлаб ҳам тортар озор.

Чигир бўлса от-туянг бўлсин,
 Ғар йўқ эса ҳолинг харобдир,
 От бермаган бой уйи куйсин,
 Кўмачи² зўр, минг хил азобдир.

Сув қаризда, пастда чуқурда,
 Икки кўмач тик ўқи, қосқоқ³,
 Унлаб тигир⁴, экин-чи? — қирда
 Қовжирайди бўлиб ташна, қоқ.

От ўрнида уч оға-ини,
 Айлантитар эски чигирни.
 Ғиқ-ғиқ қилар ёқимсиз уни.
 Сувга босар унлаб тигирни.

Хоразмли ҳарбир деҳқонга,
 Йўлдош эди касофаг чигир,
 Сингиб кетган авлод қонига,
 Чигир блан пишган гўшт, сингир.

Бой деҳқонда чигир ҳисобсиз,
 Туя, ҳўкиз хоҳлаганча бор.
 Ер, мол, бойлик, давлати сонсиз,
 Азоб чекар гариб чоракор.

Ҳар қадамда чигир кўрарсиз,
 Кўзи боғлиқ туя, ё эшак.
 Айлантитар ҳайрон турасиз,
 Кўҳна тарих мероси бешак.

¹ Оға — Хоразмда „Оға“ни „ака“, „афанди“, „хўжайин“ ма'носида ишлатадилар.

² Кўмач — оғочдан қилинган тишли катта гилдирак (шестернак).

³ Қосқоқ — чигирнинг асбоби.

⁴ Тигир — сопол идиш, кўза.

Мана бўлди оқшом, чиқди ой,
Ҳамон чиғир айланар ғиқ-ғиқ,
„Ҳорманг мардлар, ишларинг қалай?“
Дер Жумагул чехраси очик.

Болта жойин олди Жумагул,
Авазқулга кирди кўп қувват.
Ой, уч соя, „ғиқ-ғиқ“ сўнук ун,
Дармон қурир, кетар куч-қудрат.

Шаҳ ҳовуз лабида

Кунгиралар... баланд яморат,
Ўн беш газли пахса деворлар,
Бойникидан берар далолат,
Буни солмиш қуллару норлар.

Тўра ўтиб улли далондан¹
Тўғри ҳовуз лабига борди,
Хотинлари орқа томондан
Югуришар, қовоғин солди.

Хотинлар жим, бири зар чакман,
Бири ипак турма белбоғин²,
Ечиб олар, у эса: „бегман“
Деб гердаяр, қўяр палогин.

Соя салқин, катта шаҳ ҳовуз,
Матжон тўра силарди қорнин,
Чор атрофга айлантирар кўз.
Чўри қизлар келтирар норин.

Ўйнар сувда кумуш тангадай,
Парча-парча барг соялари.
— „Қани пахмоқ Мастура гадой,
Қичишмоқда ал³ оёлари.

Пулим унар чақиринг уни
Тезда учиб ёнима галсин⁴
Суянгани уч оға-ини?
Одобин ер, шиддатим гўрсин“

— „Бегим, тўрам кулгай бахтингиз,
Чақирибсиз келди қулингиз.
Ошиб тошсин давлат-тахтингиз,
Дард кўрмасин манглай, қулингиз“.

¹ Улли далон — усти бекик катта даҳлиз.

² Турма белбоғ — узун ипак белбоғ. Унинг узунлиги 2—3 метр бўлади.

³ Ал — қўл, ал оёси — қўл кафти.

⁴ Галсин — келсин, Хоразмда баъзан „к“ ўрнида „г“, „т“ ўрнида „д“ ишлатилади.

- „Қарзни тўла, утди муддати“¹,
- „Бир пулим йўқ“².
- „Айёрлиқ қилма!“
- „Ахир турам, худо қудрати...“
- „Бас! Мени анойи бйлма!
- Гапим қисқа: ё қарз тўла,
Сен тинч, мен тинч, ё қизингни бер“.
- „У фотиҳа қилинган, тўра...“
- „Шундай дегин! кет, тошингни тер.

Энди тушар бошингга бало
Қақшатаман сени, шум аёл“³
Фақир хотин қилиб нола, оҳ,
Кетди йиғлаб, босди ғам, хаёл.

Қазувда

Қазув... қазув ҳар йилда қазув...
Ҳеч мамлакат буни кўрмаган.
Хоразмга жабр ва қайғу,
Бундан деҳқон қутилолмаган.

Ому¹ суви лойқа — атала,
Экин учун бу гўёки қон.
Сувин ичса ҳарбир қир, дала
Гупиради, киради дармон.

Броқ Ому пастликда оқар,
Ёп² ва соқа³ чиқармоқ даркор,
Ёп қазилди, ҳуш нега боқар
Деҳқон ғамгин? кулмас чоракор?

Яна қазув, ҳар йили қазув,
Биргинами йўқ-йўқ беҳисоб.
Кичик ёп бор, бош ёп, соқо-у.
Ойлаб қазув қанча ғам, азоб.

Баҳор пайти фармон берар хон,
Қимда мингу, қимда бир таноб,
Ўлчов — чок бир! Зўрники замон,
Камбағалининг юраги хуноб.

Капча⁴, белни ушлаб халойиқ,
Олисларга кетар турнадай.
Дерлар: фалак, сен гардининг йиқ
Дилдаги ғам оқар орнадай.⁵

¹ Омудар'ё.

² Ёп — анҳор.

³ Соқа — анҳорнинг боши.

⁴ Капча — кичик бел.

⁵ Орна — кичик ариқ.

Матжон тўра ўз пойи¹ учун,
Авазқулни қазувга солди.
Бекжон бола кўрсатсин кучин
Деб оқсоқол рўйхатга олди.

Бошсоқага Хева кентидан,
Борар ёди уч оға-ини.
Оёқ яланг, туя кетидан,
Халтада нон, кир, ямоқ эгни.

Тап-тақир ёп, тоғ каби рошлар,
Чумолидай одамлар қайнар.
Ишлар мазлум қари ва ёшлар,
Иссиқ ош йўқ, зоғора чайнар.

Худди икки тоғнинг ўртаси,
Кесилгандай тик чуқур анҳор.
Қазувчилар қий-чув саси,
Ҳаркимнинг ҳам ёниқ куйи бор.

Чокни берар мироб, соҳибкор
Бераҳмдир қашшоқ мазлумга.
Барибир у яна да'вогар,
Жаллод каби йўллар ўлимига.

Баланд-баланд тикка қирғоққа
Отмоқ керак пут-путлаб лойни.
Қарамайсан уёқ-буёққа
Фурсат ҳам йўқ ичмоққа чойни.

Рош устида мироблар юрар,
Соҳибкор ҳам ясавулбоши.
Қўлда қамчи, овни ахтарар,
Ким тик турса ёрилар боши.

Авазқули, тезоб Бекжон ҳам
Тинмас, отар капчада пуд лой.
Сув келтирар Болтабой бардам,
Эркак ғоздай юрар Матжон бой.

Шу катта ёп худди зўр зиндон,
Қазучилар гариб маҳбусдай.
Мироб гуё миршаб, олур жон
Соҳибкори жаллод, иблисдай.

Отда келар Исфандиёрхон,
Атрофила тиз чўкар банда.
Ажал келур, талаб қилур қон,
Хон аждарҳо, йиртқич газанда.

¹ Ўз улиши.

Халқ тўқиган ёниқ бир қўшиқ,
Бу хон учун заҳар, ханжар, ўқ:

Исфандиёр хон бўлди,
Ариқ тула қон бўлди.
Золим хоннинг дастидан
Юртимиз вайрон бўлди.

Исфандиёр юрт боши,
Оқди халқнинг кўз ёши.
Қазучини куйдириб
Қонга белаб ёп рошин¹.

Матжон тўра чаққанди хонга,
Аваз блан йигит Бекжонни.
Истаганди солсин зиндонга,
Олай деди Жумагул — ойни.

Маккор тўра мақсадга етди,
Гуноҳсизлар зиндонга кетди.

Хон зиндони

Кўҳна арkning¹ ёнида гумбаз —
Нусхасида ишланган зиндон.
Тўрт томони келар эллик газ,
Ичи гўрдай мудҳиш-зимистон.

Оёқ, бўйин, қўллар кишанда,
Силсила ҳам билакдай йўғон.
Раҳмдан йўқ сра нишонда,
Темир қозиқ маҳкам қоқилган.

На туриш бор, на ухлаш, ётиш,
Қимирламай ўлтирар маҳбус.
Минг изтироб, ҳақорат, эзиш,
Зиндон ичи совуқ, гўё муз.

Бу зиндонга тушган қутилмас,
Кўплар бемор бўлиб ўларди.
Ахир, азоб ортиқ бўлолмас,
Маҳбус кузги баргдай сўларди.

Аллақачон хастадил Бекжон,
Чидолмайин унда берди жон.

Келар эди зиндон олдига
Ғамгин ма'юс, Жумагул, Болта,
Зор-зор йиғлар, эзар қалби-да
Қўлида вон солинган халта.

¹ Кўҳна арк — эски арк.

„Раҳм қилгил олий саркарда!“
Деб илтимос қилар Жумагул;
— „Етим ҳоли дим¹ пароканда
Бир хустори² фақат Авазқул“.

У-чи, кузги булут сингари
Ваҳмаси зўр, қовоғи солиғ.
Парво қилмай кетар илгари,
Ҳиммати ҳам порага боғлиқ.

Жумагуллар келар кун аро,
Борар йўли: Пришканик — зиндон.
Бечоралар ҳалок-овора
Кўҳна арк лол, бу қандай замон?!

Наврӯз ҳайити

Эл байрами келганда Наврӯз,
Куртак отди мева-дарахтлар.
Дала турди ювди қўл ва юз,
Кийди кўйлак, бахмал бархитлар.

Гуллаганди ўрик, шофтоли
Хева халқи қиларди ҳайит.
Безатилган отларнинг ёли,
Қиз-йигитлар айтишарди байт.

Қизлар толдан қилиб чочпопук,
Баҳор каби ясанар эди.
Ёр дардида дил урар дук-дук,
„Олма отиш сайли ҳаз“³ дерди.

Олма отиш сайли кўп қизиқ:
Нор йигитлар қал’а устида.
Том бошида қизлар, кўз ёниқ,
Ҳарким ёрин кўриш қасдида.

Йигитларнинг қўлида олма,
Қизил ва кўк-бўялган тухум.
Кўрса ёрин отарди „Ол! Мали“
Қизлар кулар: „Кўзларингни юм“.

Эпчилроғи ушлар олмани,
Сўнгра қайтиб отар йигитга.
— „Танти йигит мана, кўр мана“
Қийғоч боқиб солар дард-ўтга.

¹ Дим — Хоразмча „жула“ ма’носида ишлатилади.

² Хустори — ишонгани, боқучиси, гамчўғи.

³ Ҳаз — маза, қизиқ, ажойиб ма’носида.

Жумагули қилмади байрам,
Олма отар Аваз ёри йўқ.
Юрагини эзар эди ғам,
Тақдир, ҳижрон отган эди ўқ.

Болта юрар сўлгин, зағфарон,
— „Майли эди дун ёдан кетсам.
Ҳақ йўқ, фақат бойники даврон,
Бекжон оғам олдига етсам“.

Тўра унга ерни сот деди,
— „Сен етимга ер, сув чикора?
Ўйна, ҳазат¹, роҳат ёт“ деди,
Ўйлаб қолди етим бечора.

Жумагулнинг сингли Ойжамол,
Ёш бўлсада кўп ақлли қиз.
Дардга жура, топгай у камол,
Болтабойга ғамхўрди ҳаркез.

— „Болта оғам! Жумагул опам,
Сизга овқат гўжа юборди.
Ҳар нарсани сотиб бўлса ҳам,
Авазжонни қутқазсак“ дерди.

Маслаҳатни бир жойга қўйиб,
Жумагуллар сотди мол, ерни,
Саркардага пора ҳам бериб,
Қутқаздилар Авазжон эрни.

Мўрдак арава²

Нурловойни³ солдиртирди хон,
Ҳашаматли улуғвор сарой.
Ярқирайди товланиб ҳар'ён,
Хон ўйлайди: „Жаннат сумон жой“.

Ичкариси канизлар учун,
(Улар сонин ҳечким билмайди)
Кенг ҳовузда чўмилар ҳаркун,
Хондан бошқа кимса кирмайди.

Хотини кўп Исфандиёрнинг,
Лекин яна олмоқ истайди.
Ҳаётини бузар диёрнинг
Маҳрамини ҳадеб қистайди.

¹ Ҳазат — мазза қил, қўяюн, яйраб-яшна, кул, шодман ма'носида.

² Мўрдак арава — соябон арава.

³ Нурловой — Исфандиёрхоннинг янги арки.

„Ижод“ этди мўрдак арава,
Усти бекик, солинган гилам.
Безатилган, меваю чева,
Сарполар мўл, бор зар, атлас ҳам..

У борарди ёвонма-ёвон,
Чангитиб йўл, чиқариб тўзон.
Халқ уйлар: „Хон бўлганми ҳайвон“,
Манглайи пес¹, бўлгайсан хазон“.

Хон кишиси маккор кампирлар,
Қанча уйни эттилар хароб.
Аравадан тушганда улар,
Халқ сўкарди, дилда изтироб.

Бадном мўрдак Пешканикка ҳам,
Жумагулни кўргали борди.
Матжон хабар қилмиш дам-бадам,
Авазхоннинг юрагин ёрди.

— „Бисмилоҳ“ деб кирди шум кампир,
Шошиб қолди гўзал Жумагул.
— „Бай, бай, пари! Шунча яшаб умр
Кўрмадик биз, жаннатдаги гул“.

— „Чиқон²! қизинг хонга муносиб,
Бўйи етган, гулдай нозанин.
Худо унга кўрибди насиб
Бахти кулар, биз бунга амин“.

Секин сўзлар Мастура хола,
— „Қиз қилинган ёшдан фотиҳа“.
Кампир кўзи ўт, ола-була,
— „Хондан азиз дегин ҳа, ҳа, ҳа!

— Қиз хонники!“ деб кулиб қарар,
Тўйлар бўлсин, халойиқ кўрсин,
Ҳай Мастура! Бўлма беқарор,
„Хонга қайин она деб юрсин“.

Совчи кетди, шу кун кечаси,
Аваз блан қочди Жумагул.
Очилгайди турмуш ғунчаси
Матжон ўйи бўлганди бир пул.

¹ „Манглайи пес“ ёки „манглайи қора“ — бахтинг қора бўлсин, шармисор бўл ма'носида.

² Хоразмда хотинлар бир-бирини „чиқон“ дейишади, „дўстим“, „дугонам“ ма'носида.

Қора қумда

Жумагул ва новқирон Аваз,
Кетар эди бепоён қумда.
Уни кимса қилмагай ҳавас,
Ҳарорат зўр, пишар тухум-да.

Тепаликлар, довон ва довон
Борган сарф битмас кўчма қум.
Ўтли ёлқин гуппиллар ҳамон
Куйдирарди, қиз йиғлар юм-юм.

- „Авазхоним битди мадорим,
Юрмакка йўқ кучим, тоқатим“.
- „Оз-моз чида, азиз дилбарим“.
- „Қийналдимку, синди қанотим“.

Жумагули бўлди бедармон,
Аваз олди уни кўтариб.
Олга борар ҳамон қаҳрамон,
Еллар тошлар уни итариб.

Бориб етти ўтинчи чолнинг,
Кафасига чарчаган Аваз.
Баён қилди ҳолин аҳволин,
Чол дер: Ўғил, қизим бўлсанг бас.

Кувлар ўтди, дили доим ғаш,
Қасос ўти йигитда порлар.
Ота бўлмиш чол унга дилкаш,
Аваз ба'зан ўйланиб қолар.

Йигит кўрди қумда қочоқлар,
Хон, тўрадан нолиган мардлар.
Қарши олди очиб қучоқлар,
Юрагида қайнарди дардлар.

Аста-секин тўплаб уларни,
Бир бош қилди, топди ўқ-яроғ.
Бойлар ҳазар қилган қулларни,
Аваз йиғди, тинмади бир чоғ.

Кечалари қилади юриш,
Золим бойлар уйин босади.
Бекларга ҳам қилади хуруш,
Ба'зиларни дорга осади.

Элатлар дер: „Чиққанмиш ботир,
Унинг оти Авазқул эмиш.
Камбағалга мол бериб ётир,
Бегу-хондан асло қўрқмасмиш“.

Исфандиёр тушди ваҳмага,
Унга қарши йуллади навкар,
Фармон берди, элга-ҳаммага
„Ким Авазга ёрдам берса гар,
Моли талон, боши кесилур
Дусту-ёри тутдай тўкилур“.

Қанча жангу урушдан кейин,
Қўлга тушди баҳодир Аваз,
— „Энди эркин яшашим та'йин“
Дея Матжон олди ҳур нафас.

Кўҳна арк олдида

Кўҳна аркнинг олди кенг майдон,
Бир тарафда хон мадрасаси.
Бир тарафда гумбазли зиндон,
Ўртада дор, қон хандоқчаси.

Жумагул-ла Аваз ботирни,
Олиб келди хандоққа жаллод.
Навкарлар ҳам қўйди шотирни —
Халқ ичидан кўтарилди дод.

Девонбеги ўқиди фармон:
„Хон амрига қилмай итоат,
Ҳазратларга қасд қилган душман,
Элга этиб қанча касофат,
Диёнатсиз, ўғри ва каззоб,
Фуқаромиз Жумагул, Аваз,
Шум аёл ҳам Мастура шу тоб,
Қатл бўлур...“ чиқди йнги-сас.

Аваз деди: „Эшит халойяқ!
— „Биз на гуноҳ қилдик айтинглар,
Кимнинг уйин таладик, ёқдик?!“
Халқ жим, боши эгилган, тинглар.

„Биз фуқаро, лекин қул эмас,
Яшаш учун ҳаққимиз борку.
Жабр-зулм бу қадар бўлмас,
Халқ жаллоди Исфандиёр-ку.

Хон даврида ҳур яшамоқ йўқ,
Ёр, севгига ҳеч етишмоқ йўқ,
Ҳалол ошни тинч ошамоқ йўқ,
Жўшқин қушиқ-куй айтишмоқ йўқ“.

Имо қилди маш'ум хон қўли;
„Ўчир сасин!“ дея жаллодга.
Ўнинг ҳукми эди қон йўли
Бардош бермас кўк ҳам фар'ёдга!

Ўзин маҳкам тутар Жумагул,
— „Мани аввал сўйгил, эй жаллод!“
У талпинар, жим Мастура тул,
Шу тоб Аваз гўё мард Фарҳод,

Мастурани осдилар дорга,
Бўғизланди Аваз, Жумагул.
Халқ дер: ла'нат хонга — ғаддорга!
Қасос блан қайнарди кўнгил.

Беҳуш қолди Ойжамол, Болта,
Кузида ёш, қалбда қон лахта.

Хоразм халқ жумҳурияти

Йигирманчи йил декабрьда,
Хоразмда бўлди ҳуррият.
Бахшиларнинг соз, танбурида,
Жилоланди халқ, жумҳурият.

Оғдардилар хонни тахтидан,
Қочиб кетди мал'ун Жунаид¹.
Халқ севинар хушнуд вақтидан
Элда бўлди улуг бир ҳайит.

Лекин Полез Карди², Назиркўр³
Исахону, Рўзмат Охунлар,
Молу-дун'ё, бойликлари зўр,
Халқни алдар, аврар қузғунлар.

Бири бўлди раис, бош вазир
Бири бўлди банка бошлиғи.
Қон сўришга ҳозир-нозир.
Эл ғам чекар, хазон ёшлиғи.

¹ Хон Жунаид — инқилобдан илгари Хева хониянинг ишончли кишиси, инқилобдан кенин Хоразм босмачиларининг бошлиғи, 1924 йилда Афғонистонга қочиб кетган.

² Полезкарди — Полвоц Нисёнинг қисқартириб айтилгани, уни илгари Полвоц ҳожи ҳам дейишгн, катта бойлардан, жалид бўлган.

³ Назиркўр — Катта совлогар. Полез шолиторнинг ўғли, илгари жалид бўлган. Унинг бир кўзи кўр бўлгани учун халқ Назиркўр деб атаган. Халққа жабр қилган мунофиқ.

Матжон тўра беғам яшайди,
Назиркўрлар тегмайди унга,
Матжон бол еб, палов ошайди,
Гердаяди у кундан-кунга.

Лекин бу ҳол бормади узоқ,
Ёв йўлига солинди тузоқ.

Хоразмнинг большевиклари,
Йиқитдилар Назиркўрларни.
Босганида кулфат юклари
Халқ қозғанди унга гўрларни.

Куйларди соз садаф пардаси,
Беҳад эди халқ тантанаси:

„Март ойининг олтиланчи куннда,
Бойлар ҳукумати бўлди шарманда.
Бойлар ҳукуматин ерга йиқдилар,
Тутиб бир нечасин уйга тиқдилар“.

Матжон тўра „қочган қутилар“
Дея қочди Хон Жунаидга,
Дарҳақиқат қолган тутилар,
Ит ўлими қутирган итга.

Ўсмир Болта, ёш қиз Ойжамол,
Баҳра топди ҳур инқилобдан.
Энди улар бўлмади поймол,
Нурлар эмар эрк офтобидан.

Қучоқ очди фирқа мактаби,
Алифбони ўқир Болтабой,
У янғидан туғилган каби,
Ўзиники сарой Нурловой.

Очилганди элда театр,
„Газет чиқди!“ ҳайрон эди юрт.
Илм сочди анбару атр,
Тақдир қўлда, нурни кўзга сург.

1924 йил хева қамалда

Январь ойна, жон олар совуқ,
Қарсиллайди эшик, ойнаклар.
Жунжайганди катакда товуқ,
Қақшар эди тишу-ияклар.

Ҳеч тинмайин ёқилур гулхап,¹
Уйни босган тутун, жон олов.
Ташқарига чиқмас ҳечбир жоя,
Оч бўри ҳам ётар қилмай ов.

Мактабларда ўқиш тўхтаган,
Қумга бормас ўтинчилар ҳам.
Даҳлиздаги қумгон ҳам қотган,
Тарновдаги сув гўёки шам.²

Шундай дамда бостириб келди,
Хева сари ёв Жунандхон,
(Куч йўқлигин у қайдан билди?)
Дарвозалар бекилди шу он.

Ишончимиз фирқа мактаби,
Фақат борди уч-тўрт юз аскар,
Хевалининг хирадир та'би,
Ўқ-яроғ кам; ёв-минг-минг лашкар.

Қадим Хева, кўҳна бир шаҳар,
Дарвозалар³ ... баланд, тик қўргон.
Қал'аси бут, халқ мард бўлса гар,
Киралмас ёв, бўлажак яксон,

Дарвозанинг орқа томони,
Той-той пахта блаи қопланган.
Ба'зи жойда шаҳар қўргони
Тўпга эга, кам қуролланган.

Қадим қал'а кенг тепасида
(Ба'зан унда арава юрар)
Турар аскар, кунгирасида —
Пулемётчик селдай ўқ узар.

Коммунистлар қўлла барданка,
(Бешотар ҳам жуда оз эди.)
Отардилар ўқ бирданига,
Кўнгиллилар мард-шаввоз эди.

Мен ёш эдим, интернатимиз,
Уруш бўлган жойдан узоқмас,
Ўқ таширдик, аскарларимиз.
„Балли“ дерди, қайрилиб боқмас.

¹ Хорамида тапча йўқ. Уйнинг ичида ўчоқди гулхан ёқилди.

² Хеванинг икки қал'аси бор. Бири „Ишон қал'а“, иккинчиси „Дешанов қал'а“ дейилади. (Я'ни ичкари қўргон, ташқари қўргон) ҳар икки қал'анинг 12 та дарвозаси бор, улар ҳозир ҳам бузилмасдан турибди.

Аста чиқдим қал'а бошига,
Визиллашиб ўтарди ўқлар,
Борар эдим мерган қошига,
У: „Энгаш!“ деб қиларди дўқлар.

Бориб кўрдим Болтабой экан,
— „Ўқ келтирдим, мана олингиз“.
Ўлдирганга бир-бир тош терган
— „Оға, қандай яхши овингиз“.

Кунгиранинг бир тешигидан
Қарагандим қал'а ортига.
Ҳарбир ҳовли уй эшигидан
Қайнаб чиқар миниб отига,
Бизга тамон ёв қилар ҳужум,
Ўрмаларди қал'а устига.
Пашшалардай тўпланган ғужум,
Қўллаб берар ёрдам дўстига.

Шу пайт оғир, ана ҳозироқ
Ўйлайсанки олар қал'ани,
Гар бўшашсак бизлар озроқ,
Бошимизга солар балони.

Йўқ! Асло йўқ. Мана ўн беш кун
Болтабойлар турди мустаҳкам.
Пўлат каби товланди кун-тун
Чидади ўқ, нон бўлсада кам.

Сталиндан келдию мадад,
Тум-тарақай қочди Жуноид.
Ўпишдилар бу эди одат,
Ёрқирарди кутилган умид.

Эл тутди мотам

(22 лар воқиси)

Хоразмнинг ўғил-қизлари,
Меҳнат, ўқиш, дўстликни севар,
Тошкент эди ўй-орзулари
Лопмас: улар ҳар ишга чевар.

Етишганди қанча сан'аткор,
Полвоновлар¹ сеvimли фарзанд.
Одамов² ҳам кучли ижодкор,
Бастакорлар халқ учун дилбанд.

¹ — ² Полвонов, Одамовлар — инқилобдан кейин Хорозмда стишган энг кучли сан'аткорлар эди.

Йигирма уч новқиров йигит,
Ҳарбир гул, ақли доно эр.
Юртнинг фахри, лочини-бургут
„Орзу-ҳавас фақат Тошкент“ дер.

Халқ жўнатиб қолди уларни,
Ўқинг, ўқинг! деди оталар,
Ўпиб „хайр!“ деб ўғилларни.
Қизил гулни қизлар отарлар.

Йигит Болта бизнинг қаҳрамон,
Кетар экан Ойжамолга дер:
— „Келгуси йил гар бўлсак омон,
Боражаксан, кел қўлингни бер“.

Кема кетди „Орол“¹га томон
Улар қўшиқ айтар шодумон.
Кемачилар эшкакни ҳамон
Тортиб борар; қум, тўқай ҳар'ён.

Қун ҳам ботди кема дар'ёда
Ўқдай сузиб борарди олға.
Урар юзга майин шаббода,
Ҳали олис денгиз „Орол“га.

Қора бахмал кийиб келди тун,
Кема тўхтар дам олар йўлчи.
Кемачи дер: „яхши бўлди кун
Дорға“² оға, дамингни олчи“.

Қум бағрида йўлчилар ётар,
„Сиз, бизиллаб“ келди пашша.
Жой солинган қатор ва қатор.
Кеч, дар'ёда тўлқин ҳамиша.

Майин тўлқин кемага урар,
Шап! Шап! Этган сас бир оҳангда.
Она каби сени аллалар
Уйқи ширин бўларди тонгда.

Ширин уйқи, лекин ёв уйғоқ
Келди онқиб, ўрмалаб жосус.
Кўрди қаттиқ ухлар ҳаммаёқ,
Матжон тўра-жосус, сен қон қус.

Хабар қилди хон Жунаидга,
Бирин-кетин келди ёвузлар.
Келди ажал ҳамма йигитга,
Ботган чоқда ёруғ юлдузлар.

¹ Орол денгизи.

² Дорға — кема бошлиғи, капитан.

Жанг борарди лекин куч тенгмас,
Жунаидда эди сотқинлар.
Қурол осган, кайфи баланд-маст
Нияти пуч' қора машумлар.

Маш'ум ёвнинг кўп эди кучи,
Булар эди оддий ўқучи
Бири артист, бири бастакор,
Бири эди моҳир ижодкор.

Тенгсиз жангда Болта қаҳрамон,
Бўғизлади бирини шу дам.
Кенгаш берди дўстлари шу он
Бошлаб кел деб бизларга ёрдам.

Ушладилар йигирма икки,
Азаматни қонхўр босмачи.
Ахтарганди Матжонбой тулки
Болтабойни — ўзи отмоқчи.

Қатор қилиб чизиб барчасин,
Қўлларини маҳкам боғлашди.
Қўзга боғлаб латта парчасин,
Қўзгин каби ёв қаҳ-қаҳлашди.

Қўйни қатор тизгани каби,
Белларидан ўтказиб арқон,
Бўйинларга тўнғак сингари
Тақдилар тош, ёвуз кўзи қон.

Матжон тўра кулар, шод, хурсанд,
Хон Жунаид фармонин сўрар.
Мард йигитлар ўлимин писанд —
Қилмас асло, мағрур, тик турар.

Буйруқ берди ўғри бошлиғи,
„Дар'ёга тез барин иргитинг,
(Чиқмас нола йиғи товуши),
Сув юзига чиққанин отинг!“

Полвонов дер: „ўғри мал'унлар!
Бизлар учун олажаклар ўч.
Ла'нат сизга қонхўр қўзғунлар,
Барбод бўлурсиз эрта ё кеч“.

Ўқ уздилар чўкиб кетгунча
Босмочилар то тонг отгунча,
Жанжал блан мол бўлишдилар
Бир-бирига хўп талашдилар.

Ому суви бўлди лоларанг,
Уфқдан ма'юс чиққанди қуёш.
Чорлоқ қарар Омуга аранг,
Ҳамон кулар „хоин“ бағри тош.

Халқ эшитди бу фожиани,
Ому каби қайнаб кетди эл.
Ота-она, сингил, жияни,
Жангга кетди маҳкам боғлаб бел.

Мардлар учун эл тутди мотам,
Яна юзлаб ёш йигит-қизлар.
Тошкент тамон кетди дам-бадам,
Болтабойлар ўқишни кўзлар.

Иккинчи бўлим

Тошкентда

Туғилмадим Тошкент шаҳрида,
Туқилмаган киндик қоним ҳам.
Чўмилмадим Солар наҳрида
Лекин она шаҳрим, жоним ҳам.

Ёруғ юлдуз десам лоп эмас,
Жаннат десам озлик қилади.
Келган қушлар ҳеч қайтиб кетмас.
Буни ҳарким яхши билади.

Билим олди тожик деҳқони,
Сезмади у ўзни мусофир,
Олим бўлди қозоқ чўпони,
Ҳайрон эди Техрон, Нишопур.

Хоразмнинг қиз-ўғиллари,
Олгандилар Тошкентда билим.
Бежаватир кирган йўллари,
Кенг қучоғин очганди илм.

Болтабой ҳам тинмасдан ўқир,
(Ахир Хева бир кунлик йўлмас)
Рабфакда фан мағзини чақар,
Тиришмаса бахт қуши қўнмас.

Тошкентда у коммунист бўлди,
Ўз бағрига олди партия,
Дили янги қувватга тўлди.
Янги инсон, тоза бир мия.

Маҳаллада, чойхоналарда,
Халқ ичига у кириб борди.
Ҳарбир завод-корхоналарда
Лекбиз очди, халққа дўст-ёрди.

Ўрганарди буюк рус тилин,
Ҳамроҳ бўлди Пушкин, Горкий ҳам,
Бағишлаган элга жон дилин,
— Ойжамал ҳам келса бўлсак жам.

Та'тил пайти чорлар Хоразм,
Олтин юртим, созим, овозим.

Ойжамол

Ивқилобни қарши олганда,
Ўн ёшида эди Ойжамол.
Ҳечким йўқ, ёлғиз қолганда,
Интернатда топди у камол.

Болтабойни акадай кўрди,
Ундан бошқа суянгани йўқ.
Болта айтган йўллардан юрди,
Ҳукуматдан унинг кўнгли тўқ.

Кувдан-кунга тўлар Ойжамол,
Гўзалланур, ақли ҳам ўсар.
Ой юзли қиз, лабин безар хол,
Дарсда а'ло, дўстидан ўзар.

Узун сочлар, келишган қомат,
Қилар мафтун Хева йигитин,
„Қани энди келсайди омад,
Бир курсам“, деб олур оғир тин.

Бошига ҳеч илмай паранжи.
Эркин ўсди, кўрмади чачвон.
Лаби хандон, тишлари инжу,
Мақтар уни ҳамма қиз, жувон.

Бошланганди қудратли „Ҳужум“
Қиз Ойжамол ҳарбир влатда,
Нутқ сўзлар, хотинлар ғужум,
Дер: „Опалар, қолманг гафлатда“.

Болтабойга ёзиб турди хат,
Ўз ҳолини айлади баён,
Ёш бўлсада қилар насиҳат,
Йигит дейди: „Бахтим муайян“.

Келар экан Болта Хевага,
Хаммадан илк, қарши олди у.
Дастурхони тўла мевага.
„Салом ога! кўп кетдингиз-ку“

Янги ҳаёт

Қишлоқларда бошланди тўлқин,
Янги ҳаёт жўш уриб кирди.
Йўқотилди бегу-бой, сотқин,
Колхоз бўлди, тўқ турмуш қурди.

Колхоз тузар Болта Шовотда,
Халқ бахтичун жонин аямас.
Донги кетди Гурлан, Боғотда,
Бир нафас ҳам у ором олмас.

Матжон бойнинг эшик олдида,
Болта, раис келиб тўхтади.
Халқ ҳукуми улар қўлида.
Матжон чиқди, титрар „ух“ тортди.
Тез тушинди. Ўтли қарашлар —
Кескин, қат'ий, у йиғлай бошлар:
— „Ука, — деди, товба қилдим мен,
Молни бердим, қолдимку бежон,
Раҳм қилғил бир ёвонли сен“
Найранг қилар, ёсумон Матжон,
— „Ўтган ишга дерлар салавот,
Унут жиян, нони қоқ бўлдик.
Кўп йил яша! бўлғил саломат.
Ватанжудо қилма, биз ўлдик“
У илондай тўлғанар эди.
Матжон тулки, иблис ҳийлакор
Ёш боладай ёлворар эди.
Эски бўри, писмиқ, фрибгар.

— „Эрга навбат, шерга навбат, бой!
Унут дейсиз, кимни унутай?
Бўғизланган мард Авазними?
Жаллод сўйган Жумагулними?
Полвоновнинг овозиними?
Сиз топтаган чечак-гулними?
Қай бирини унутай, тўра?
Дод-фар'ёдлар қулоқдан кетмас,
Хон осдирган ғариб Мастура —
Ҳеч кечирмас! Сизга ажал хос.
Қани бўлинг! Ер қилар ҳазар.
Муқаддасдир Пишканик кўки,

Олтин ери! Сиздан эл безор"
Бошин эгди мунофиқ тулки,
У қилинди сургун-бадарга.
Халқ тиларди ўлим гаддорга.

Ому дар'ёда

Ому дар'ё! Сен олтин дар'ё,
Сувинг ичиб, ўсдим, улгайдим.
Бутун умр бўлиб маҳлиё
Сенга меҳр, ишқ қўйганидим.

Сен ҳайқириб жўшқин оқасан.
(Дар'ё бўлса шундай бўлсин-да).
Хоразмга кулиб боқасан
Дейсан: „Омбор довга тўлсин-да“.

Лекин ба'зан қиласан шўхлик,
Шуниг учун халқ деди „телба“,
Кўрсатасан ёмон бир қилиқ —
Жавнат жойни қиласан кулба.

Кемачининг ҳоли ҳам оғир,
Солдавчига солиб машаққат.
Сўкиниб дер: „дар'ёмиз олғир,
Бир ҳайқирса қилмайди шафқат“.

Болтабой ҳам Ойжамол иков,
Борар эди Чорджўйга томон.
Кема сузар, гўё вақт эгов.
Кемадай тор кўринар жаҳон.

Расо бир ой ҳамон Омуда,
Сузиб бормоқ жонга ҳам тегар.
Кўзга ёмон кўринар сув-да,
Қанот бўлса учсайдинг агар.

Тошқин суви дам узиб кетар,
Йўгон арқон асло чидамас.
Азиз онлар бекорга ўтар,
Кўниб қолган дорға индамас.

Ҳориб, толиб тортилар солдов,
Нима қилсин? қандай чора бор?
Темир йўл йўқ, йўлсизлик — зўр гов,
Уни орау қилади диёр.

Оқшом кирди, ойдинли кеча,
Солдавчилар чарчаган, ухлар,
Болта блан Ойжамол анча,
Суҳбат қилар, дар'ё „уф, уф“лар.

Ой нурлари сувда уйнайди.
Чўмилади ўрдаклар каби.
Сув бетига балиқ қайнайди,
Шудам гўзал дар'ёнинг лаби.

Болта сўзлар: „Ойжамол, қарал
Солдавчилар эзилган беҳол.
Ачинасан, дил пора-пора,
Қайдамгача чўзилар бу ҳол?

Елкасида кўтариб бизни,
Чорджўй томон олиб боришар
„Фақат шулар кенг Хоразмни,
Гуллатажак“ дея ўйлашар.

— „Бўлсам темир йўлчи инженер,
Шу қумлардан ўтса паровоз“.
— „Паровози не еб, не ичар?“
— „Қушлар ундай қилолмас парвоз“.

Ойжамол дер: „Доктор бўламан,
Мени халқим қилажак ҳурмат“.
— „Бемор бўлсам сенга бораман“
Тонг отгунча қизиди суҳбат.

Қуёш чиқмай, азон чоғида,
Йўлчиларни дорға уйғотар.
Кема сузар Ому бағрида,
Солдавчи „ҳиқ“, „ҳиқ“ қилиб тортар.

Ўқиш йиллари

Студентлик онларин илиқ,
Жозибали хотираси бор.
Дўстлар блан ўтган кўп йиллик
Еш умрнинг зўр наш'аси бор.

Ётоқхона эди каммуна,
Кўнгил очар не-не тамошо,
Дўстлик шунда, ибрат-намуна,
Ойжамолнинг сирдоши Маша.

Маша шўх қиз, айтарди қўшиқ,
Оққина юз, доимо кулар.
Кўп студент бўлганди ошиқ,
Берар қучоқ-қучоғу-гуллар.

Ойжамолга туғишган сингил,
Меҳр қўйган, аямас ёрдам.
Кўп кулдириб олади кўнгил,
Рус тилини ўргатар ҳардам,

Ўлтираркан ётоқхонада,
Ўзи мафтун, кўзгуга қараб,
Севгига гап келган хонада,
Айта кетди сочларин тараб:

— „Менга кўплар ошиқ, беқарор,
Дилдан севар, дардимда ёнар.
Бечоралар тикилиб қарар;
Асл ёрим кунларни санар.

Оти Павел, тоғ инженери,
Ватан учун бойликни излар,
Мардлар марди, шерларнинг шери,
Бўм-бўш ердан олтинни кўзлар.

Сенинг ёринг ким, айт, Ойжамол?°
Ойжамол дер: „Мана қулоқ сол!

Севганим бор барин айтайин,
Ҳар қиз севар, биласан ўзинг,
(Яширмайман сендан атайин)
Ҳарким ўйлар ёри-юлдузин.

Она юртим Хоразм узоқ,
Темир йўл йўқ, эл доим хуноб.
Ўсишига катта сад-тузоқ,
Шуни ўйлар ёрим беҳисоб.

- „Оти кимдир?°
- „Оти Болтабой°
- „Сен ўзингни доим мағрур тут°.
- „Йўқ, йўқ содда, мард, ақлга бой°.
- „Шундай экан фақат уни кут°.

Икки жонон саҳарга қадар,
Ўқир китоб, бу устоз-падар.

Мактуб

Неча йилдан бери Болтабой,
Ўз севгисин сир деб сақларди.
Ўтиб кетди қанча йилу ой,
Доим унга кўнгил боғларди.

— „Нима қилай мен шоир эмас,
Юрак дардин куйлайолмайман.
Гар хат ёзсам илтифот этмас,
Унга қараб сўйлайолмайман°.

Минг хил ўйлаб, қилар андиша,
— „Майли нима бўлса оқибат,
Мактуб ёзай, етар ҳамиша
Жим бўлганим, қани бошлай хат!“.

— „Ойжамолим, жоним“ — деб бошлар,
Бундай бошлаш ёқмайди унга.
Йиртар, ёзар, бошини қашлар,
Ётоқхона тўлар тутунга.

Хатни ёзди қанча ўчириб,
Оқ конвертга солди кўчириб.

— „Ойжамол“ — деб бошланган хати,
„Биласанки сўзга ожизман.
Улғайган ҳар йигят ҳаётга,
Ишқла ёнар, фақат ёлғизсан,
Қалбим нури, чин севги гулим,
Қадрдоним, меҳрибонимсан.
Сен ҳам ёлғиз мен ҳам бир ўзим,
Ёш пайтдан ака-сингилдай
Бирга ўсдик, сирмас ҳеч сўзим,
Ўзинг булбул, лолаю-гулдай.
Ўйимиз бир, ҳаётимиз бир,
Кўпдан бери кўйгандим кўнгил.
Оқ қалбимда ҳеч ҳам йўқди кив,
Энди айтай кечиргил сингил,
Ошиғимсан, сўрайман кўлинг,
Бу менга бахт саодат бўлур,
Нурга тўлгай доимо йўлинг,
Сен „хўб“ десанг, шу кўнглим тўлур“.

Изҳор қилиш

Шаҳар боғи, кино олдида,
Турар эди Болта бетоқат,
Ҳар шарпага назар солди-да
Орзиқар у, „келсайди фақат!“

Ўн беш минут, ярим соат ҳам,
Бир ой каби судралиб ўтди.
У умидсиз бўлиб чинакам,
Кетмоқчийди, қиз келиб етди.

Шаҳар парки, кўп чиройли жой,
Одам гуж-гуж, сонсиз чироқлар.
Осмонда ҳам сузар эди ой,
Салқин кеча, кўркамли чоғлар.

Кимса йўқ, тинч, анҳор бўйига,
Боришганди Болта, Ойжамол.
Қулоқ солиб булбул куйига
Суришганди узоқ бир хаёл.

Жим-жималаб оқар эди сув,
Унда мажнун толнинг новдаси,
Нурла ўйнар, йўқ эди қайғу,
Эшитиларди қўшиқ садоси.

Сувда икки ёшнинг сояси,
Акс этганди, барглар ичидан,
Мураларди ой, келар ҳаваси,
Ерга сиғмас мард қувончидан.

Сўз тополмас титради лаби,
Қиздан ҳамон кўзларин олмас,
Севинарди ёш бола каби,
Уларга ҳечким халал бермас.

— „Ойжамол’ боқ! яхши кеча-а?
Ойдин, салқин, осмонда юлдуз“.
— „Шоирмисиз, тўғри, шундай, ҳа“.
Кулар эди сочлари қундуз.

— „Ойжамол... мен...“
— „Айтинг, давоми?
— „Мен... мен... сени жондан севаман“.
Шундай деда-ю, шу замони,
Бўса олди, очилди чаман.
— „Ёмон йигит экансиз, қўйинг,
Бўлди ана келмоқда киши“.
Болта эса ушлар қиз қўлин,
— „Бизлар блан кимнинг бор иши?
Бу йил тамом бўлур ўқишим,
Бир йилдан сўнг сен ҳам врачсан,
Ўйлайманки қўнур бахт қушим,
Жовим! Ҳаёт эшигин оч сан.

Хоразмда қилайик тўйлар,
Хурсанд бўлсин ёри-дўстларим.
Дўстнинг ҳамон темир йўл ўйлар,
Тузатасан каму-кўстларим“.

Яна ўпди, бу гал Ойжамол,
Ташлар ўзин мард қучоғига,
Ҳавас қилар кўкдаги ҳилол,
Болта тўймас қиз дудоғига.

Тўя

Ўқучи дўст, қадрдон ўртоқ,
Ўзинг билган тўра ҳовузи,
Аллақачон бўлган гўзал боғ.
Унга хўжа „Ленин“ колхози.

Йиқитилган баланд пахсалар,
Экилганди олма, ўрик, нок,
Юз гектар боғ, бориб кўрсалар,
Ҳусайни, чарас, ҳар хил ток.

Колхоз эмас бутун бир қишлоқ,
Тамом бошқа янги қурилган,
Қийшиқ уйлар, чиғир ҳам мутлоқ,
Йўқлик сари мангу сурилган.

Оқ, оқ уйлар, мактаб, яслалар,
Расо кўча, дарахт, кўк терак
Электр ҳам бор, бир кўрсалар,—
Сиз ҳам ҳавас қилсангиз керак.

Пастга тушган кўкнинг юлдузи,
Ипак чойшаб солинган ерга.
Кулиб турар пахта денгизи,
Бахтлар келган ҳарбир қиз, эрга.

Ҳаммасига колхоз сабабчи,
Батрак, қўшчи, яшар бадавлат.
Ҳар нарса бор: бол, мой, кабоб-чи,
Тўла, сизни қилар у да'ват.

Болтабойлар келганда раис,
Қарши олди очиқ юз блан.
Дастурхонда асал, мой, магиз.
— „Қани олинг, Ойжамол, жиян.
Тўйларингни ўзим қилайин,
Бутун юртга жарлар солайин“.

Тўй бошланди колхоз боғида,
Артистлар ҳам бўлди намоён.
Қизиқчилар келган чоғида,
Кулгиларга тўлди боғ-ёвон.

Келин-куёв ўлтирар тўрда,
Столда май, осилган палак.
Тўй наш'аси бутун умрда

Мангу қолур, раққоса малак
Қушдай учар, карнаю-сурнай,
Садолари қоплаган фалак,
Меҳмон эди кўкда кулган ой.

Каналда

Гўзал води, олтин Фарғона,
Сенянг номинг элга таралди.
Чаманингда қушлар парвона,
Ҳамма сеидан ибратлар олди.

Сен яратган муҳташам канал,
Уз аксини кўрди элларда.
Топгин гўзал Фарғонам камол,
Номинг Кавказ, Кубань ерларда.
Тилга олди бутун мамлакат,
Қозоқ, қирғиз, туркман чўлида
Садо берди жўшқин ҳаракат,
Халқ қўзғолди кетман қўлида.
Хоразм ҳам турди оёққа,
Ҳамма юрди Тошсоқо ёққа.

Келаберди Урганч, Хевадан,
Гурландан ҳам Хазарасп, Ханқо.
То қари, ёш, аёл бевадан,
Тортиб барча борар Тошсоқо.

Қизгин ишлар борар каналда,
Минг-минг одам гўё чумоли,
Жанг қиларди, ариқ қамалда
Жуда тангди табиат ҳоли.

Участкада доктор Ойжамол,
Халқ ичида бетиним ишлар.
Уддалайди ишин бемалол,
Ундан хурсанд барча кишилар.

Қаҳрамонлик, мардлик шу ерда,
Йиллар бўйи қолур эсларда.
Дўстим кучинг, қувватинг бер-да
Кетсин донгинг, шаҳар, элларда.

Тиш солдирди Парнафас ота,
— „Иигит бўлдим, Ойжамол, қизим.
Ешман десам қилмасман хато.
Қара, қандай ишлар колхозим.
Болтабойдан йўқми хаг-хабар.
Севиарди кўрса каналви“.
— „Қумда экан?!“

— „Йўқми ҳеч хатар?
Чиқардимиз эрдан биз чолни?“
— „Йўқ, қой жойдан ўтгай излар деб
Ер текширар, ишлар бизлар деб.

— „Эҳ... қизим“,—деб, чўзиброқ чол,
(Сўзлаб кетди ўтмиш қазувдан.)

— „Кўл йигитни осдириб дажжол,
Чиқармаган элни қайғудан.
У чоқ, Болта ёш бола эди,
Қазув бизга марг бало эди,
Энди қара! Мен тиш қўйдирдим,
Тош кўксига номим ўйдирдим.
Сен бировни қилмайсан мажбур,
Киши ишлаб топади ҳузур,
Чунки меҳнат одам яшар ҳур.
Қани қизим тамошога юр“.

Оқшом пайти тинганди меҳнат,
Ёнар маш’ал гуёки кундуз.
Раққосалар базмидир роҳат,
Чол ҳам бало, дер: „Дўст! Шаҳло кўз“.

учинчи бўлим

Уруш бошланди

Ўзбекистон компартияси,
Қилди мақбул Болталар ишин.
Хоразмнинг ўғил-боласи,
Кутар темир йўл қурилишин.

Ёз бошида, ерда тўла гул,
Далаларда лола қизғалдоқ,
Меҳмон бўлиб келганди булбул,
Атр ҳидга тўлганди ҳарёқ.
Москов томон учди Болталар,
Сталиндан олмоққа руҳсат.
Кузатганди дўстлар, оталар,
Дилда ҳавас, ғанимат фурсат.
Чемоданда лойиха — план,
Бепоен қир дашту-чўллардан
Учиб борар зўр аэроплан,
Ўрмонлардан, дар’ё, кўллардан.
Мана Москва, Кремль девори,
Болта юрди доҳий ҳузурига,
Бўлғай унга мадад-дўст-ёри,
„Бахтим кулди“ дер ўз-ўзига.

Нима бўлди Болтамиз ҳайрон,
Радио томон югурар ҳамма,
Рўй бердим касофат шу он,
„Уруш!“, немис ёв қилмиш ҳамла“.

Уруш очди Гитлер мунофиқ,
Сариғ вабо одамхўр жаллод.
— „Болта, турма! Сен ҳам жангга чиқ!“
Қўзғолмишди бутун юрт-авлод.

Кўнгиллилар сафида Болта,
Пойтахтнинг остонасида.
Оқопларда ётарди ҳатто
Писанд эмас ўқ ваҳмаси-да.

Қаҳратон қиш, изғирин совуқ,
Суяк тешар, буни кўргандим.
Гуё селдай ёғиларди ўқ,
Мард ёнида бирга юргандим.

„Ботир Борис“ дерди дўстлари,
Обрўси зўр, шуҳрати улуғ,
Совуқ еган солдат юзлари,
„Ҳўв“ деганда муз бўларди буғ.

Ёвнинг танки гупиллаб ёнар,
Қочиб борар гитлер уруғи.
Мерган Болта мўлжалга олар,
Отар, будир — доҳий буйруғи.

Гуё турар доҳий ёнида,
Мададкори берар ғайрат-куч.
— „Қолса ҳам бир томчи қонимда
Қиламан жанг, порлар қасос, ўч“.

Фронтга хат

Военкомат ҳовлиси қайнар
Келмиш тўп-тўп янги жангчилар,
Бутун куни Ойжамол қарар,
Тинмайди ҳеч, терлар, томчилар.

Қанча кундан бери Ойжамол,
Уйқу деган нарсани билмас.
Уй-ичидан сўрмай хол-аҳвол,
Кабинетдан бир паст силжимас.

Кеч пайтида борди уйига,
Кроватда боласи ухлар.
Болта келар хаёл ўйига,
Оғир нафас олиб у „уф“лар.

Жажжи қизча уйғониб кетди,
— „Аяжоним, Пирнафас бувам,
Қўй келтирди, сизни кўп кутди,
Қўзичоғи чаройли бирам“.

Қизча хурсанд, сўзлари бийрон,
Қўй-қўзини чиқиб кўрдилар.
Ойжамол жим, сукутда—бир он,
Сўнгра иков чақ-чақ кулдилар.

— „Хат ёзамиз ҳозир адамга,
Мен босаман бармоқларимни“.
Шув этиб қон кетди баданга,
Артди киприк қирғоқларини.

— „Ая, қўйинг, йиғламанг ахир“,
— „Йўқ, йўқ қизим мен ўзим шундай
Сени аданг кўрсайди ҳозир,
Шодланиб дер: „Қизим ой-кундай“.

Ойжамол тез ёзакетди хат,
Ҳар сўзида йиғларди қат-қат.
— „Азиз жоним, Болтабой оғам.
Биздан кўп-кўп дуоисалом.
Йўлиғизда бўлса тоғ ҳам —
Парчалансин, хулласи калом,
Барбод бўлсин элга келган ёв,
Оналарнинг қарғиши тексин,
Жанглар қилинг унга беаёв,
Айрилиқнинг азобин чексин.
Биз ҳам тинмай ишлаймиз ҳардам.
Фронт учун ҳаммамиз ғамхўр.
Қизу ёринг саломат-бардам,
Ҳамма ерда ишлар чаққон, зўр.
Тўғри: оғир, мушкулдир ҳаёт,
(Яширмоққа бунга йўқ ҳожат).
Лекин қийин бўлса-да ғоят,
Чидаш керак, сиздадир нажот.
Колхозларда фақат аёллар,
Қари чоллар ёш-ёш ўсмирлар.
Жон куйдирар сизда хаёллар,
Сизга тилар ғайрат умрлар.
Бахтимизга колхоз бор экан,
Партиямиз мададкор экан,
Фронтнинг ҳам, эл юртнинг жони.
Ватан дили, томир ва қони,
Донм ғамхўр Пирнафас отам.
Сизни ўйлар: „Салом ёз қизим,
Ва айт битсин бизга бир хат ҳам.“

Ўғлимизку, шу менинг сўзим"
Дея сизни кўп-кўп сўроғлар.
Бизга берди кўю-кўзичоқ.
Уз отадай меҳрини боғлар.
Колхози зўр, мақтайлар ҳар чоқ.
„Қачон келар адам“ дер Дилбар,
Кўп соғинди, сизни қизингиз.
Жудаям шўх, ўйноқи тулпар,
Уйга сигмас, гуё ўзингиз.
Хайр дўстим соғ бўлинг доим“.
Тугали хат, ўлди қизчасини,
Дилбар кулди ширин мулойим,
Хатга босди митти панжасин.

Қизил вогонда

Тозаланди Белорус ери,
Хайдалганди каллакесер ёв.
Болтабой ҳам беш ойдан бери,
Тузатар йўл, бўлиб ўт-олов.

Нима деса инженер Болта,
Азиз дўстлар қиладир бажо.
Тайёр шпал, гайкаю болт-да
Дўстнинг сўзи дилда топган жо.

Кетар экан вогон ичида,
Исинишиб чўян печида,
Болта аста олиб қўйнидан,
Қиз суратин, тикилиб қарар.
— „Мен айланай жажжи бўйингдан,
Соғиндимку“. Узоқ дам олар.

Ҳарбир солдат ўз ўғил, қизин,
Хат, суратин соқлар бағрида.
Бир-бирига кўрсатиб, ўзин, —
Мағрур тутар, хурсанд бари-да.

Ойжамолнинг ёзган мактубин,
Ўқиб берар у дона-дона.
Тушунтириб ма'носин, тубин,
Тингларди ҳарким қона-қона.

- „Хотинингиз ақлли экан“,
- „Шулар учун тикканмиз бошни“
- „Бечоралар не еб, не эккан?“
- „Кўп қолмади, кўрар қуёшни“.

Қизил вагон янги изларга,
Зафар нури порлар кузларда.

Висол

Ўтди ойлар, оққанди сойлар,
Берлягача борди Болтамиз.
Йўл тузатар, поездни шайлар
Куч аямас мард ботиримиз.

Ўтди ойлар, оқди қаяча сой,
Жанг олови тинган чоғида.
Хоразмга кетди Болтабой,
Севинч тўла бахт қучоғида.

„Улар мени кутар қай ҳолда,
Бемормекан қиз, Ойжамолим?
Тирикмекан Пирнафас чол-да,
Бир гап бўлса не бўлур ҳолим?“

Тонг пайтида кириб борди у,
Секингина эшикни қоқди.
Ўзи ўйлар; „Ўнгми-тушми бу?“
Уйда биров чироғни ёқди.

— „Кимсиз? дер қиз бола товуши.
— „Ман, ман, қизим, отанг очақол“.
— „Адажоним“ деб Дилбар қуёши,
Ташлар унинг бағрига дарҳол.
„Жоним“ дея йиғлар Ойжамол,
Упишдилар, топишди висол.
Дастурхонда патир, анор, бол.

Ўша кунни бўлганди байрам
Қизча сакрар, шод эди бирам.

* * *

Ўтди кунлар, кечди ойлар ҳам,
Марказкомдан келди бир мактуб.
Тошкент чорлар, Болтабой бардам,
Ёри қолди уни кузатиб.

Қабул қилди бош секретарь,
Болта дили очилиб кетар.

Суҳбат қизди кўп вақтгача,
Ҳоли-аҳвол сўрашди улар.
Ота-ўғил узоқ дамгача,
Чақчақлашар шодланиб кулар.

— „Сталиндан азиз доҳийдан,
Мана хат бор ўқиб кўр ўзинг.
Рухсат олдик юрт поноҳидан“.
Болта, тинглар раҳбарнинг сўзин.

Ҳар якави ҳам Чорджўй-Қўнғирот
Қарғасига тикилиб қарар.
Худди шу тоб қушдай пўлат от,
Хоразмга учириб борар.

Қидиручилар

Азия дўстим! Чорджўй-Қўнғирот,
Йўлларин кўп текширган инсон.
Чўлларида не-не одамизод
Қолиб кетган, дили бўлган қон.

Шоҳ Николай уришиб кўрган,
Петрограддан йўллаган олим,
Муҳандислар синчиклаб юрган,
Тузаталмаган Хоразм ҳолин.

Ким бажарди йиллар хаёлин?
Ким ечалди чигал жумбоқни?
Ким тузатди оғир аҳволин?
Ким йўқотди дилдаги доғни?
Фақат бизлар — совет авлоди,
Фақат Ленин — Сталин зоти.

Сўягги марта текширмоқ учув
Инженерлар қумга кетганди.
Украина ҳам ёрдам кучин
Курсатгани бизга етганди.

Раҳбар бўлди рус оғамиз ҳам,
Қанча олим! Халқ ҳолин оиглар.
Қум, даштларда мардлар чинакам,
Ишлар эди отқизиб тонглар.

Трассада

Халқимизга чиқ деб айтсанг бас,
Тез шайланиб чиқар сафарга.
Ёш йигатдай уйнаб басма-бас,
Ҳеч аямас кучин зафарга.

Келаберди Хоразм ўгли,
Келаберди Қорақалпоқли.
Келаберди Туркман дил чўғли
Отланганди Гурлан, Моноқли.

Машиналар учадир қушдай,
Қийқиришиб келар йигит-қиз.
Уйлайсанки худди бир тушдай
Бутун ўлка қўзғолган денгиз.

Бир оёгин гўрда деб сезган,
Тўқсон ёшли букчайган чол ҳам,
Эшак минган, кўплардан ўзган,
Борар эди кампир аёл ҳам.

Колхозчилар жамғариб ризқин,
Кўю гуринич истаганча бор.
Ошпазларнинг ишлари қизгин,
Ҳар кун мойли палов ҳам тайёр.

Врачлар ҳам шайланиб чиққан,
Холдор юзли, гўзал Ойжамол.
Баданларда жўшқин қон оққан,
Зўр қурилиш! Дўстим кўриб қол.

— «Қани раис Пирнафас ота?»
— «Участкада ишлар новқирон»,
Келган ёш қиз Дилбар ҳам ҳатто,
Кулиб қарар тиллари бийрон.

Инженерлар, техник, прораб,
Болтабой ҳам бир лаҳза тинмас.
Қиздириб ҳам оламни офтоб,
Ўтса жондан назарга илмас.

Жўшқин шоир нуруний бахши,
Дўмбираси, сози шу ерда.
Куйлар: «Элнинг ҳиммати яхши?»
Кўшиқ тинмас, куйлар қиз, эр-да.

Темир йўлнинг ер иши тамом,
Кўп йиллик иш бир ойда битди!
Халқ бошлаган иш кети мудом —
Роҳат бўлур деб шоир битди.

Урганч станциясида

Қаҳрамоним дўстим Болтабой,
Кечир мени, мен инженермас.
Илмларинг кенг дун'ёдай бой,
Эссизки, мен у-ла ошно эмас.

Олис юртдан кенг Хоразмдан,
Чиққан янги одам ботириш.
Ўрин олдинг ёниқ созимдан,
Мангу эслар фикру-хотириш.

Энг оғир кўл участкасида
Жавлон қилган халққа бош бўлдинг.
Довгнинг кетди юртнинг кўксига,
Олқиш, раҳмат селига тўлдинг.

Хотиримда: чуқур эйлол кўл,
Аср бўйи ётган қамишзор,
Аччиғ шўрсуя, пашшаларга мўл.
Қурбақалар қилишиб бозор,
Воқиллашар, улар хўжайин.
Планингда шу кўлдан излар —
Пулат излар ўтмоғи тайин,
Қанча чоллар, йигит ва қизлар
Ҳарбири ҳам кучли қаҳрамон,
Тупроқ ташир, тупроқ ва тупроқ!
Шерзодларга бош бўлиб, ҳамон.
Дейсан: „Қани тупроқ, тош кўпроқ!“

Гоҳ ўзинг ҳам оласан ғалтак,
Ўн пуд юкни итариб илдам,
Сенга етмас полвон-югурдак.
„Ҳиқ“, етмайсан дўстим бўлма кам.

Шпал, пулат из қўйилганда
Болта дили қуёшдай ёруғ.
Халқ бахтига ҳайкал ўйганда
Ғоят хурсанд кўтарилир руҳ.

Севганин ҳам унута ёзди,
Фикр-хаёл халқ ишила банд.
Ростин айтсам шу баҳор, ёзди.
Халқ ишидан булар баҳраманд.

• • •

Урганч шаҳри, станцияси,
Лиқ-лиқ тўла одам, эр-аёл.
Безатилган гул остонаси,
Ҳамма кутар Дилбар, Ойжамол.

Пойтахтдан келган меҳмонлар,
Янгроқ куй чалар музыка,
Семафор ҳам очиқ, шу онлар
Ҳар кулган қиз гуё ҳурлиқо.

— „Ҳой Ойжамол!“ дер Пирнафас чол.

— „Қизим қара нега юрагим—

Бунча урар ўзинг қулоқ сол,
Худди тордур жуссам-кўкрагим.
Шу кунларни кўрар кун боркан,
Қизим, дейман, поездга миниб,
Москвага ҳам борсакмекан?“
Чол узоққа қарар энтикиб.

Тақ-тақ, туқ-туқ қилиб паровоз,
Учиб келар пишқириб, кишнаб.
Кўкни қоплар янғрок овоз,
Кўплар ҳайрон, бармоғин тишлаб.

Паровоз ҳам безалган гулга,
Хурсанд, мағрур тушар Болтабой.
— „Салом! дейди севган халқ-элга.
Халқ ҳам тутди гуллар бирталай.

Жонон Хоразм

(хотима)

Жон Хоразм, жонон Хоразм,
Сенсан севгим, баҳорла ёзим.
Кечагина кишанланган қул,
Маҳбус эдинг, букун сен озод!
Бошинг узра турган қонли қўл—
Мажоқланди, энди умрбод—
Хур яшайсан гулистон, чаман!
Чигир деган асрий бир офат,
Мангу юрди юз қараб тубан,
Ўҳ, йўлсизлик деган касофат,
Йўқотилди, тушди луғатдан.
Марказ томон келар оқ олтин,
Ҳа демайин Хонқа, Боғатдан.
Ил'ич нури ёритади тув.

Тарихингдан ездим бир лавҳа
Қишинг кетди, келди баҳоринг.
Энди сенсан гуллаган воҳа,
Тунинг кетди, келди наҳоринг

Жононингдир Тошкент, Фарғона,
Оилангдир Термиз, Бухоро.
Қора-қалпоқ туркман дўстингдир,
Қўшни халқим: „Яйраб ўсдинг“ дер.

Ормуғовим шу кичик дoston,
Мадад бердинг букунги бўстон
Жон Хоразм, жонон Хоразм
Сенсан севгим, жўшқинли назм.

ВИКТОР АВДЕЕВ

ПОДАЛАР ЙУЛЛАРДА

Повесть

Виктор Федорович Авдеев 1909 йилда собиқ Дон областининг Урюпинский деган станциясида туғилди, уни ўн бир ёшида қариндошлари, Новочеркасскдаги, ишчи Петр Алексеев номлидаги интернатга беришади. У ердан Авдеевни бир одам «ўғил қилиб» олади ва кейинчалик Киевга ташлаб кетади.

Бола учун боқимсизлик ва дарбадарлик йиллари бошланади. 1925 йилда Харьковда Украина Қизил Ой жам'иятининг ячейкаси ва Жанубий Темир йўллар бoшқармаси қошидаги «Болалар дўсти» жам'ияти кўчаларда дарбадар юрган Авдеевни ўз ҳимоясига олиб етти йиллик мактабга жойлаштиради. Максим Горькийнинг асарларига, айниқса унинг дастлабки ҳикояларига қизиқиш В. Авдеевда ёзуви бўлиш ҳавасини уйғотади, броқ, унга чаласаводлик халал беради. Уқиш йиллари бошланади. В. Авдеев Москвага келади, бу ерда Максим Горький унга рабфакка кириш учун тавсиянома беради ва моддий жиҳатдан ҳам ёрдам қилади. Шундан кейин В. Авдеев Совет ёзучилари союзи хузуридаги адабиёт институтига кириб, уни 1938 йилда битириб чиқади.

В. Авдеевнинг биринчи китоби «Қарапет» 1934 йилда босилиб чиқди; унинг айрим парчалари собиқ қонун бузучилар ва боқимсиз болаларнинг, Максим Горький таҳрири остида чиққан, «Қеча ва бугун» деган альманаҳда босилди. 1934 йилда унинг «Бизнинг ҳовлимизда» деган китоби босилди. 1947 йилда «Новий мир» журналыда «Подалар йўлларда» деган повести босилиб чиқди ва шу повесть учун 3 даражали Сталин Мукофоти Лауреати бўлди.

Л. А. Соколовага

Ярим кечаси бош зоотехникни уйғотишди: директор бетўтов конторага етиб келсин депти. Осип Егорич кейинги кунларда ечинмасдан ётар эди, шунинг учун дарров этигини кийдию пинжагининг чўнтагига электр фонарчасини солиб уйдан чиқди.

Ойдан ғаллакор совхозни кундуздай ёритган эди. Катта-катта оқ уйлар кўчани яна ҳам ёруғроқ кўрсатар, илиқ ҳавода кўршапараклар қўнғиз ва тун капалакларини қувиб қанот қоқар эди. Чигирткалар чириллар. Теракларнинг қоп-қора қурим босгандай кўринган соялари тепасида паррандалар ётган, суви ярқираб турган ҳовузга томон узала тушиб ётар эди. Елкаларига милтиқ осиб олган ишчи патруллар Осип Егорични йўл бўйи бирнеча мартаба тўхтатишди. У йўл бўйи узоқдан даҳшат солиб гурил-

лаётган аэропланларнинг товушига беихтиёр қулоқ солиб борар эди. Нима бўлса экан: бу ўзимизнинг „Лочин“ларимизми ё бомбардимон қилгани келаётган немис эскадрельясими?

Контора қоп-қоронғи, фақат директор кабинетининг эшиги остидан узун сарғич шу'ла чиқиб турар эди. Верёвкин кабинетга кириб қараса „Червонний херсонец“ совхозининг бутун катталари, партия комитетининг секретари, бош агроном, иккала доктор, инженер-механик, бўлимларнинг бошлиқлари ҳаммаси шу ерда. Верёвкин ёшгина ветеринар фельдшер қиз-Галя Озаренкога бир қарадиё дарров бошини қуйи солди.

Мажлис бошланган бўлиб; директор Козуб гапирмоқда эди. Уни кечқурун телефон орқали райкомга чақиришгани ҳаммага ма'лум эди. Унинг уст-боши чанглиги ҳозиргина райондан қайтиб, уйига ҳам кирмай, тўғри шу ерга келганлигини кўрсатиб турар эди.

— ...Рўпара бўлшим блан секретар: „Юхим Григорич, молколни сафарга чоғла, тўртинчи августда Ростовга ҳайдайсан, ҳужжатларни трестдан кейин оларсан. Днипродан Козацкоега кемада ўтасан“ деди.— Директор кичкина ва ўткир кўзларини ўтирганларга бир-бир тикди. Ҳамма жим. У сўзини шундай тамом қилди: — Демак, ўртоқлар, мана шу соатдан бошлаб совхозимизни мамлакатнинг ичкарасига кўчиришга киришамиз!

Ҳамма тинмай папирос чекар, чироғда безовга бўлиб учаётган сўна-пашшанинг гингиллаши эшитилиб турар эди.

Козуб яна сўзида давом этди:

— Шу ердан чиқиб тўғри бўлимларга, ёрдамчи хўжаликларга, қўраларга боринглар; бухгалтерларнингга буюринглар, бутун чорваларнинг рўхативи тайёр қилсин; чорваларни ҳайдаб борадиган одамларни йиғинглар. Тонг ёришгунча бутун тайёргарчиликни кўриш керак. Сиз, Осип Егорич, бош зоотехник сифатида марказий қўрғонда қоласизу бутун ишга раҳбарлик қиласиз.

Баланд, нақшкорлик шифтдаги бронзадан нилу-фар шаклида ясалган уч лампалик қандил порлаб турар эди. Кабинетнинг иккала катта-катта деразаси шу'лани ўтказмайдиган қоғоз блан бошлаб ниқобланган. Ташқаридан ҳаво кирмаганлиги учун уйдим, шунинг учунми ёки ташвиш ва хавотирликданми, Верёвкиннинг юраги тез-тез урар, нафаси қайтар эди. Бундан ташқари унинг тамаки ҳидига сира тоқати йўқ эди. Осип Егорич ўтирган жойдан, деразанинг олдидан, директор яққол кўриниб турар, лекин бошқа ҳамма жойдан ҳам уни барала кўриш мумкин эди. Юхим Козуб шу қадар новча эдики, кўчада юрганида, боши томдан ҳам ошадигандай туюлар эди. Унинг каттакан боши дарахтнинг кундасини эслатар, йўғон қўлларини, барча бақувват одамлардек, кериброқ юрар эди.

У бир қадар димоғи блан гапирса ҳам лекин ўткир товуш блан давом этди:

— Биз ҳозир кўчириш планини олдиндан белгилаб қўйдик, гувоҳномалар ёздик, йўлланмаларни тайёрладик. Трактор ва комбайнлар колоннасини инженер-техникимиз Белая Калитвага, те-

мир йўл бўйига олиб боради. Мен партия комитетининг секретари блан бирга алоҳида буйруқ келгунча Рудавицида қоламан, бу ерда иккаламиз бош булиб турамиз. Осип Егорич, чорвачилик бўйича меннинг ўринбосарим бўлганлиги учун чорваларни ўша бошқаради. Ердамчи хўжалигимиздаги қорамол, қўзи-қулонлари блан, икки минг беш юз бошга етади. Зотли айғирлар, армияга олинмай қолган тойлар, қўй-қўтонларни бирга ҳайдаймиз.

Буларга қарайдиган чўпонлар, сигир соғучилар, йилқичилар, қоровуллар бир юзу саксон кишига боради. Эртага, бошқа совхозчилар қатори, буларга ҳам икки ойликдан ойликларини олдиндан берамиз. Буларнинг рўзгорларини аравага юклаймиз, лекин, айтиб қўйинглар, энг зарур нарсаларни олишин. Араваларни ўзим текшираман, ортиқча юк бўлса олиб ташлайман.

Верёвкин бирон гапни эшитмай қолишдан қўрқиб олдинроққа силжиди ва Галя Озаренконинг орқасига бориб қолди. У Озаренконинг боши оша қараш учун қорайиб кетган бўйинини дамбадам чўзиб қарар эди. Галя тўсатдан орқасига қаради.

— Осип Егорич, сиз мени совуққотиб қолмасин деб оғзиягизнинг ҳоври блан иситаётибсиз шекилли.

— Ҳа нима қилди?—деди Верёвкин гангиб.

— Кўп бўйинимга пуфлай бермасангиз деган эдим...

Верёвкин билинар-билинамас илжайди.

— Ҳа, эриб кетаман деб қўрқасизми?

Галя озаренко унга томон ўгирилди. Верёвкин унинг кичкина дўнг пешонасини, фарқ очмасдан шундай орқага таралган ва учлари офтобда гуллаб сарғич бўлиб кетган қора сочини, қўпиб турган кўкрагини кўрди. Галяни чиройлик қиз деб бўлмас эди. Унинг бўйи пастроқ, бурнининг учи кўтарилган, оғзи катта; лекин, шундай бўлса ҳам, унинг ўткир кўз қарашларида, эпчил ҳаракатларида, тиниқ ва жаранглаб турган товушида — умуман бутун қиёфасида баъзан ҳуснидан ҳам юқорироқ турадиган бир латофат бор эди. У бировни назар писанд қилмай истиҳзоли табассум қилса бир Галяю, тўсатдан ичак узулгунча кулса бошқа Галя бўлар эди. Ҳозир унинг важоҳати шундоқ эдики, Верёвкин ўзидан ўзи хижолат тортди.

— Мен мумдан ясалган эмасманки, эриб кетсам,—деди қиз секин, виқор блан,—лекин гул ҳам эмасманки иссиқлик талаб қилсам, шунинг учун... Сиз умуман ўзингиздан бошқани ҳурмат қилмайсиз. Мана, масалан, кўйлагингизнинг тугмасини солиб олсангиз бўлмайдими, директорнинг кабинетида, мажлисда ўтирибсиз ахир. Бу ерда хотин-холож бор. Мана мен. Уруш бўлаётган деб одам ўзига ҳам қарамай қўяр эканда?

Верёвкин ёқасини ушлаб қаради, дарҳақиқат тугмаси солинмаган эди, жуда изза тортди. У жуда ноқулай аҳволга тушиб қолганини билиб тантиқлик қилди:

— Ҳечқиси йўқ, мен олифталардан эмасман, у ёғини суриштирамангиз сиз ҳам хотин эмас, балки... комсомолсиз.

Галя қип-қизариб, кўзлари қисилиб кетди, лўппи юзи буткул ўзгарди. У, бошини силкиб, чочини юқорига ташладию нарироқ

борди. Верёвкиннинг назарига Галянинг орқаси ҳам ундан нафратланаётгандай туюлар эди. Нечукдир бир лаҳза буларнинг ҳаммасига парво қилмади. Озаренко ўзининг бошлиғи бўлмиш ветеринар-доктор Кулибабанинг олдида тўхтаб қолди, шу блангўё ўзининг ишончли кишининг ҳимояси остида эканлигини кўрсатмоқчидай эди. Шу пайт Кулибаба сўз сўради. У қўлини оғзига қўйиб бир йўталди-да, аста гап бошлади:

— Ҳаммага ма'лумки, совхозни нақадар тез фурсатда кўчирсак Қизил Армиянинг орқа томонида туриб уни та'минлаш ишини шу қадар кенгроқ ташкил қилган, я'ни душманга қарши курашда унга ёрдам берган бўламиз. Мен чорвани Донгача кузатиб боришим керак бўлади, моллар учун жавобгар бир мутахассис сифатида шунга айтишим керакки, чорванинг эсон-омон етиб боришига кўзим етмайди. Чорвани узоқ йўлга тез ҳайдаш уларнинг сутини камайтиради, оздиради ва дармонини қуритади. Бунинг натижасида моллар куйдиргига, оқсилга, паратифга дучор бўлиши мумкин. Ма'лумки кўп ҳайвонни бир жойга йиғиш зоогиенанинг энг оддий қоидаларига ҳам ривож қилмаслик, ҳархил касалликларнинг тезроқ тарқалишига сабабчи бўлади...

Кулибаба блан Верёвкин ғаллакор совхозда икки йилдан буён бирга ишлаб келмоқда, лекин ҳечқачон буларнинг гапи бир-бирига тўғри келган эмас. Биринчи ишни қилса иккинчисининг албатта жони чиқар эди. Ҳозир ҳам Осип Егорич беихтиёр унинг сўзига илмоқ солди.

— Хўш, Аполлинаруий Константинович, нима демоқчи бўласиз? Рудавицида қолиш керакми, қани... таклифингизни айтинг.

У, Галя Озаренко даргазаб бўлиб елкасини учурганини ва яна юзини тескари ўргиганини кўрди. У, эҳтимол, Верёвкин менга атайин қаради деб ўйлагандир. Қистирма кўзойнак таққан Кулибаба чақир ва ма'ноли кўзларини ўйнатиб осойиштагина жавоб берди:

— Мен ҳали сўзимни тамом қилганим йўқ, Осип Егорич... Бундан ташқари кечирасиз, бу гапингиз блан нима демоқчи эканлигингизни тушинаолмадим,—ва мажлис аҳлига қараб давом этди:—Менинг ҳечқандай таклифим йўқ, менинг сўзимни нотўғри тушинмасаларинг экан. Мен директорни, ҳаммаларингни оғоҳлантириб қўймоқчиманки, чорвамизнинг жуда кўпи нобуд бўлиш хавфи остида, мана бу хавфнинг олдини олиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак, демоқчиман. Таклиф ёки, тўғрисида айтганда, бир саволим бор. Қани сиз айтингчи, Юхим Григорич, сизнинг маршрутингизга бирон ўзгариш киритиш мумкинми? Аввало у ерда Днепрдан от-арава ўтадиган кўприк бор, бу албатта ишни осонлаштиради, иккинчидан ҳеч бўлмаганда бўғоз сигирлару эмадиган бузоқларни юк вагонларига ортиб эҳтимол ҳалок бўлишдан қутқазиб қолсак. Молларнинг ҳалок бўлиши, бола ташлаши устига ўзимиз ҳам оилаларимиз блан бирга бомба остида қолиб кетишимиз, ёки душман танклари йўлимизни кесиб қўйиши мумкин.

Осип Егорич ветеринарнинг сўзига қарши чиқмоқчи эди, Козуб унинг сўзини оғзидан олди.

— Аполлинаруй Константинович, темир йўл тўғрисида оғиз ҳам очманг. Темир йўл қизил аскарлар оилаларини, институтларни, заводларни ташийди, худо ҳаққи, пиёда кетгани тинчроқ. Ўт-ўлон остига кириб кетган калтакесакдай саҳрога кириб кетсак, немис бутун авиацияси блан ҳам бизни топиб бўпти... Хўш, ўртоқлар, кимда яна қандай савол бор?

... Ой ботиб бормоқда. Теварак-атрофни қоронғилик босди. Аллақаёқда аэропланлар гуриллаётпти; марказий қўрғонда хўрозлар қичқирди. Контора атрофидаги йўлклар шабнамдан нам. Қантариб қўйилган отлар бетоқат бўлиб ер тепинарди. Совхоз командирлари эшик олдидан тўғри йилқилар, бўлимлар, қўраларга қараб жўнашди.

Верёвкин қайтиб келиб уйнинг ўртасида туриб қолди. У шу уйда олти йил турган, шу муддат ичида бироз бахтиёр бўлган, сўнгра хотини ўлиб ёлғиз қолган. Эҳтимол ҳозир охири мартаба кириши бўлса. Олиб кетгудай нимаси бор? Гиламми? Велосипедми? Ёқасига қундуз қадалган чарм пальтосими? Шуларнинг ҳаммасини меҳнат қилиб топган, шунинг учун ҳам қимматли, лекин... айни замонда анчайин нарсалар эди. Ҳозир энг муҳими шу: совхоз чорвасини немислардан омон сақлаб қолишаоладими, йўқми? Ёки чорва блан бирга ўзлари ҳам ҳалок бўлишадими?

Лекин тек ўтириш керак эмас, фурсат ғанимат. Верёвкин жавондан тоза кийим-бошини, костюмини, устарасини олиб кўрпага ўрадида, қопга тикди; даҳлизга чиққанида милтиққа кўзи тушдию уни ҳам олди ва эшикни очиб айвонга чиқаётган жойида яна орқасига қайтиб қозикда осиглиқ турган чарм пальтосини олди — „эҳтимол бирон жойда кишлашга тўғри келар“. Уйни кулфладию катта-катта қадам ташлаб молхонага қараб кетди.

II

Эрталаб чорванинг олдинги подалари узунасига бирнеча километрга чўзилиб Рудавицидан йўлга чиқди. Араваларнинг кети-га итлар боғланган; бузоқларнинг ма'раши, итларнинг ҳуриши, хотинларнинг йиғиси орасида аста айланаётган гилдиракларнинг гичирлаши эшитилар эди. Қишлоқнинг черепица ёпилган томлари, атрофи тол блан ўралган ремонт устахоналарининг қурим босган трубалари борган сари узоқлашмоқда.

Узоқда яккита комбайн хиёл тутун чиқариб буғдой ўраётир, катта-катта ғарамлар эгасиздай кўринарди. Олдин томон бўм-бўш, кимсасиз, шўр босган ва оқ чала қоплаган саҳро. Августда паррандалар туллайди, улар аллақачондан бери сайрамай қўйган; сон-саноқсиз беданалар, сўфитўрғойлар ва бошқа қушлар қалин ўт-ўлан ичида ва пана жойларда иссиқ ўлкларга учгани қанот чиқаришларини кутиб ётиптилар. Офтоб ҳаммаёқни қиздирган, яйдоқ тепаликнинг усти ҳароратдан липиллаб турар, иссиқ шабада чангни уёқдан буёққа сурар, юрагига қил сиғмай бораётган колоннадан аҳ'енда бир товуш чиқар эди.

Галя Озаренко саман бия миниб, босиб юк ортилган Кулибаба аравасининг ёнида борар эди. Галянинг нарсалари ор-

тилган арава эса унинг кетидан келмоқда, бунга ҳам Кулибабанинг нарсалари ортилган эди. Олдинда бораётган аравадан ветеринар докторнинг хотини Мария Георгиевна дам-бадам бошини чиқариб қарар; у хилагина танноз, ҳануз ҳусини йўқотмаган қора кўз, қора соч хотин бўлиб, қулоқларида олтин балдоқ, ёғнида сафари пальто. Унинг ёнида ёлғиз ўғли-етти ёшар Горик ўтирар эди. Мария Георгиевна Галяга салгина сурма тортилган қора кўзлари блан мулойим ва ҳимояткорона назар ташлаб:

— Шунақа кўч-кўчдан иккинчисини кўраётиман, — деди, — гимназияда ўқиб юрган чоғимда, инқилоб йили бутун оиламиз блан Ялтага қочган эдик, мана тагин қочиб кетаяпмиз. Эсимни таниганимдан бери нуқул уруш, уруш, уруш! Тинчгина умр ўлкашиш қандай яхши! Ахир бино бўлиб тинч турмушни кўрганимиз ҳам йўқ, айниқса сиз, Галечка. „Қуш учгани яратилганидек, одам боласи бахт учун яратилган“, шоирлар шундақ дейишади шекилли? Йўқ, Железноводскгами, Махач-Қалагами, Самарқандгами, иш қилиб бирон шаҳарга буткул кўчиб кетиш керак. Сиз ҳам „Херсонце“да кўп турманг, Галечка. Тезроқ институтга кетинг, Аполлинарий Константинович жойлаштириб қўяди.

— Бирам ўқигим келади! — деди Галя унинг сўзини ма'қуллаб, — тўғри айтасиз, Мария Георгиевна, тажриба ишига кейин ҳам бораман. Лекин техникумни битирганимдан кейин совхозда икки йил ишлаб беришга мажбурман. Ҳозир кетиш учун жуда қулоқ фурсат эмасми?

— Парво қилманг, эримнинг Москвада таниш-билишлари жуда кўп, сиз унга ўзингизни яқинроқ тутсангиз бас.

Мария Георгиевна муғомбирона илжайиб қўйди. Галя хурсанд бўлиб бош иргитди.

Мария Георгиевна умуман нима деса Галя дарров кўнар эди. Буларнинг орасида эрлик хотин блан қиз бола орасида кўпинча бўладиган бир муносабат пайдо бўлган эди. Галяга бу хотиннинг диққат ва э'тибори хуш ёқар, сўзлаган чоғида қучоқлаб туриши ма'қул бўлар, унга эркаланиб ўзининг анча-мунча сирларини айтар эди.

— Эсон-омон кўчиб жойлашиб олайлик, Галечка, ундан кейин ҳамма ишингизни тўғрилаб бераман. Ахир олий малумоти бўлмаган киши ҳамма вақт энг... ишларни қилишга мажбур бўлади. Шу оғир замонимизда биз нимадан кўнглимизни хуш қиламиз. Фақат оилавий ҳаловат... — Мария Георгиевна бирдан жим қолди, сўнгра бояғидай секин, лекин тамоман бошқа бир оҳангда хитоб қилди: — Қаранг, тезроқ қаранг! Ана, ҳў, келаётган ким?

— Қани? Мен кўрмаётиман!

Пода кўтарган чанг ичидан отлик Верёвкин чиқиб келмоқда эди. Директор чорва ва комбайнларни кўчириш ишини тамом қилиш учун совхозда қолган ва ўтқалга эртага эрталаб етиб келиши керак эди. Мария Георгиевна тегишиб:

— Жаноб Верёвкин жуда ҳам басавлат одамлар-а? Худди сизгир қўшинларини кўздан кечираётган бекка ўхшайди, — деди.

— Ҳа, бу киши энди ўртоқ мутасаддилар-да, ҳаммамиз унинг олдида қўл қовуштириб туришимиз керак.

— Бўлмасачи! Ҳарбий интизом!

Иккала аёл бир-бири блан кўз уриштириб ҳоҳолаб кулишди. Барча хўжаликлардаги сингари „Червоный херсонец“ совхозида ҳам кишилар ўз ишлабчиқариш принциплари учун курашадиган гуруҳларга бўлинган эди. Шунинг учун Кулибаба у блан ҳам-фикр бўлган Озаренко ҳам Верёвкиннинг бутун ишларига таиқид кўзи блан қарашар эди. Бундан ташқари зоотехник, хотини ўлган, бўйдоқ бўлгани учун Мария Георгиевна блан Галя унга тегишмасдан туришаолмас эди.

III

Кечга яқин узоқдан бутхованинг қўнғироқхонаси оқариб кўринди. Гилосзорга кўмилиб кетган қишлоқнинг чеккасида тўртта шамол тегирмоннинг парраги, унинг кетида ёйилиб ётган дар'ё кўринди. Днепр бўйига тушадиган йўл нишоб бўлиб, унинг икки томонини тош қоялар сиқиб турар. Йўлни то дар'ё бўйигача қорамол, қўй, автомашина, одам босиб кетган эди. Бутун ер-кўкни гувуллаган, гуриллаган товуш, отларнинг кишнаши, сигирларнинг ма'раши, одамларнинг говури тутиб кетган. Худди зўр ёнғин бўлаётгандай чанг кўтарилмоқда. Искарддан ортиқ юк ортилган каттакан баржа блан бир кема дар'ёнинг у томонига ўтиб кетмоқда.

Сигир соғучи Христа Новенченко пастга қарадию, икки қўли блан бошини ушлаб:

— Вой шўргинам! — деб қичқирди.

— Ўхў... — деди унинг ёнидаги хотин, — ҳали кўрадиганимизни кўрамиз.

Қўли узун, елкаси чиққап, соҳоли ўсиб қошига туташиб кетган чўпон Иван Рева қовоғани солиб дўнғиллади:

— Ҳали бу нима экан, ҳолво-ку! Бурунчилар хўп тўғри айтган: „Худога етишгуниингча шайтон юз марта бўйинингни узади“.

Ўрта ёшлардаги, холдор Параска хола кулиб:

— Ҳалиттан йиғлайсанми? Ким айтади сени ёш қиз деб! Клубда патефон қўйиб ўйинга тушиш эмас бу! Уруш! — деди ва ишонч блан илова қилди: — Майли, эл қўшилса эплайди.

Пастдан, кемачининг будкаси томонидан сер ёл саман ахта минган Верёвкин чиқиб келди. Унинг бошида тўқ яшил шапка, ёғнида пш кийими, оёғида этик. Унинг тўладан келган бутун гавдасини, қоп-қора мўйлавини, офтобда қорайган юзини чанг босган эди. Верёвкинни Дон отлари наслидан бўлган чиройлик айғир той мянган ёш йилқичи Омелько Лобань кузатиб келмоқда эди. Булар утқалга бориб келаётган эди. Совхозчилар уларни ўраб олиб:

— Ҳэ, қалай? — деб қайта-қайта сўршди.

— Тўхтаб туришга тўғри келади, — деди Верёвкин қисқаз қилиб, — навбатга турдик.

У чорваларни дар'ёдан олиб ўтишга мутасадди қилиб тайинланган бош подачи Илья Гаркушага қараб шошилмасдан бўйруқ берди:

— Молларни тозалаб хашакка қўйилсин. Сигир соғучиларга айтинг, сутнинг ёғини олиб шу ердаги пунктга топширишсин. халқ комиссарлигининг кўчма қизил байроғига, пул ва озиқ-овқат турадиган сондуқларга қоровул қўйилсин. Бу кеча шу ерда тунаймуз. одамлар уйқу тадорикини кўраверсин.

У бош подачи блан гаплашар экан, Омелько Лобанни сигир соғучи хотинлар кулки-қаҳқаҳа блан ўраб олишти.

— Ҳой, Омеля, нега қизлардан қочасан? — дейишар эди унга, — ё биз жуда шунақа хунукми? Ҳеч бўлмаса биз блан ашула айткани келиб турсанг бўлмайдами. Келгин, қаймоқ ейсан. Кемачи сенга нима деди?

Лобань хунук, пакана, қийғирбурун, аёқлари маймоқ бир йиғит эди. Лекин унинг ўйнаб турган кўзлари ва чиройли лаб-дахани диққатни жалб қилар эди. У эгарда худди қуйиб қўйгандай ўтирар ва от унинг анчайин ҳаракатига ҳам қулоқ солар эди.

Қизларнинг илтифотидан талтайиб кетган Омелько:

— Ҳечнарс дегани йўқ, — деди, — кемачининг гаплашгиси ҳам келмайди: „Навбатга ёзилинглар“ дедию қўйди. Тўғриси ҳам шу-да. Ҳамма унинг олдига бориб тўқилинч қилади, сўкишади, ҳамма ҳам олдин ўтишга урунади... Лекин „Маяк“ совхози биздан кейин келган бўлса ҳам олдин ўтишга ижозат беришди. Тушиндиларингми? — деди ва жаҳл блан тупурди. — Тақаси сийқа отдай тийганиб ётаверамиз.

Бу ерга тўпланганлар орасида Кулибабанинг хотини ва ветфельдшер Галя Озаренко ҳам бор эди. Галя зоотехникка ҳар баҳона блан ништарини санчиб олишга тайёр бўлгани учун баланд овоз блан қичқирди:

— Албатта, бошлиқларимиз қўлини совуқ сувга урмай ўтираберганидан кейин, бу ерда бир ҳафта қолиб кетишимиз ҳам мумкин.

Осип Егорич гўё унинг сўзини эшитмаган бўлиб бош подачи блан гаплашаверди. Галя унга тўғри қараб қошини чимирди.

— Ўртоқ Верёвкин, ўзингизнинг мулоҳазаларингизни бизга ҳам айтсангиз қалай бўларкин? Биз хизматингиз важдан ғам-хўрлик қилишингиз керак бўлган ҳўкизу сигир эмасмиз, сиз колонна бошлиғисиз ахир, биз ҳам... сизнинг подангизга кирамиз.

Атрофда турган сигир соғучилар жим туришар эди. Марна Георгиевна хиёл табассум қилди. Верёвкин ветфельдшерга бир хўмрайиб қўяқолди.

Подалар орасида колонна та'минот мудиря Олэкса Упеникнинг араваси тарақа-туруқ қилиб чиқиб келди. Оч сариф сочли, қўйкўз, олифтагина ҳарбий костюм кийган бу йиғит абжирлик блан отни тўхтатдию аравадан иргиб тушди. Уни кўриб Галя жонланиб кетди ва буни Верёвкин пайқади. Олэкса унга қараб чиройлик оғзини очиб илжайди, унинг қўлини ма'нолик қилиб мулойимгина сиқиб қўйди.

— Хўш, ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонлар, нима гап? — деди у сигир соғучиларга.

Унга дар'ёдан ўтиш масаласи чатоқроқ деб жавоб беришди.

— Шунга хафа бўлиб ўтирибсизларми? — деди Упеник кулиб. — Шу ишни менга топширинглар. Мен „Червоный херсонец“ дан мухтор вакил бўламан, қарши эмасмисиз, Осип Егорич. Нега индамайсиз? Индомаганингиз розиман деганингиз бўлади. Балиқчининг қўлидаги қормоқ, савдо ишидаги тармоқ сувни лойлатиб балиқ овлаш учун чиқарилганлигини наҳот билмасаларинг? Христя, ма, отнинг оталигини ол, — деди у ва тизгинини унинг қўлига тутқизди-да ўзи қирғоққа қараб кетди.

Сигир соғучилардан бири завқи келиб:

— Заб йигитда, — деб қўйди.

— Ҳа, деди Марина Георгиевна унинг сўзини ма'қуллаб — Парубок айтган жойидан тешади. Хўб уддабуро эр бўлади-да!

У кулимсираб Галяга қаради ва унинг белидан кўлини ўтқизиб қучоқлади.

IV

„Червоный херсонец“ совхозининг олдинги подалари саҳрдан ҳамон келмоқда эди. Нотаниш бир колхоз тракторларию буғдой янчадиган машинаси блан келиб қолди. Қочиб бораётган кишилар тушган аравалар, енгил автомашиналар келмоқда. Янги келганлар баржага, кемага томон интилар, дар'ёдан ўтишга ҳаракат қилар, кемачиларни, область бошлиқларини ҳақорат қилишар эди. Буларнинг ҳаммаси Днепрдан ўтсак бас, уёғига омон қоламиз деб ўйлашар эди.

Қоронғи тушар олдида Олэкса пристаньдан қайтиб келиб шундай деди:

— Ҳозир Франко колхозининг чорваси ўтади, ундан кейин навбат бизники. Осип Егорич, тайёрлигингизни кўраверишингиз мумкин. Қани, қизлар, шу қилганим учун менга нима берасизлар?

Бу фавкул'одда бир ҳодиса эди. Та'минот мудирини қуршаб олишди ва ишни қандай дарров битириб келганлиги ҳақида саволлар ёғилабошлади.

— Ҳа, нимаси бор, — деди Олэкса кулиб.

— Қани, қани, гапирчи, қандай қилдинг?

— Ҳамма қандақ қилса, мен ҳам шундақ қилдим-да, — деди Упеник давом этиб. — Биров илтимос қилди, биров хўб дейди. Турган гап, кемачи аввал гапимга қулоқ ҳам солмади, лекин мен унга мулойимлик блан, яна „икки оғизгина гапимни эшитсангиз оғриб қоласизми? балки бу гапни эшитиб тузалиб кетарсиз?“ дедим. Шундан кейин кемачи юмшаб „Буткамга келақолинг“ деди. Буткасига борганимдан кейин дарров келишдик: иккита қўзию беш юз сулкавой блан иш битди. У аввал кўнмай икки ҳисса ошиқ сўради, лекин мен ҳам бўш келмадим: нима қилиб ўттиз тўртинчи йилдан бери савдо ишида ишлаб юрибман. Қисқаси, биродарлар, боладим-да.

„Херсончи“лар Верёвкинга қарашди. Бу гапларга совуққонлик блан қулоқ солиб турган бош зоотехник дўнғиллаб:

— Қўйинглар бунақа беҳуда ишларни, — деди.

Тўсатдан жимлик чўкди.

— Нега? — деди Упеник совуққонлик блан, ҳатто кулимсираб. — Ахир чорва ҳукуматники демоқчимисиз? мен ҳам шундоқ дейман, — деди Упеник ва бироз жим қолиб яна давом этди: — бироқ, Осип Егорич, ўзингиз биласизки, немис Кавказ тоғларининг у томонида эмас. Танк учун 60—70 километр йўл нима деган гап. Менимча, Осип Егорич, совет хўжалик ходими пиҳоятда уддабуро бўлиши керак. Қани, айтингчи, ҳукуматга қайсиси фойдалирок: уч минг бош чорвадан маҳрум бўлишми, ёки, ўзи йўлда ҳам ўлиб қоладиган иккита ориқ қўзини кемачига беришми? Беш юз сулкавойни бўлса сутдан чиқариб оламиз.

Верёвкин нуқул пишилар эди.

— У ёғини ўзингиз биласиз, — деди таъминот мудирини ва унинг юпқа лабларида табассум пайдо бўлди. — Хўрознинг иши қичқариш, тонг отадими, отмайдими, унисини блан иши йўқ. Чорванинг жавобгарлиги менинг бўйнимда эмас, мен фақат кўпчилик гамини емакчи эдим. Ўзим бўладиган бўлсам Днепрни кечиб бўлса ҳам ўтиб кетаман,

Халойиқнинг ичидан Христя Невенченко чиқди. Унинг лаблари пирпираб учар, юзи оппоқ оқорган эди. У, ўзини зўрға тутаётган бўлса керак, иложи борича секин гапиришга ҳаракат қилар эди:

— Осип Егорич, шу гапни жиддий гапираётибсизми? Рудавицида менинг иккита қўзимгина эмас, янги уйим, қирқ дарахтли боғим, дон тўла омборим қолди. Битта чўчқамнинг ўзи тўққиз пуд келар эди, худоё немиснинг ўлигига буюрсин. Ўша ланатининг қўлига тушиб ҳақоратланганимдан кўра шунча йил йиққан мол-дун'ёмдан кечганим яхшироқ. Фронгда зенитчи бўлиб хизмат қилаётган Микола важидан мени гестапо тинч кўярмиди. Бола-чақам блан қириб ташлайди. Сиз бўлсангиз арзимаган беш юз сўмнинг юзига бориб одамлардан аяйсиз. Ундоқ бўлса ўзимиз йиғиб берамиз, одам бошига уч сўмдан ҳам тушмайди!

Галя Озаренко бўлаётган гапларга диққат блан қулоқ солиб турар эди. Ишчилар Верёвкинни ўртага олганликларини кўриб хурсанд бўлса ҳам, лекин сиз сизнинг гапига чиқолмади:

— Мен уч сўм бермайман, — деди, — мен бутун ойлигимни Днепрга ташласам ташлайманки бу порохўр кемачига бир тийин бермайман.

Христя тўсатдан унга ўтирилди.

— Ўша бир тийин жонингиздан азизми?

Жанжал бошланадиганга ўхшаб қолди. Гапга Верёвкин аראлашди.

— Бекорга лақилламасаларингчи. Ҳозир ҳамма ихтиёр Козубда. Днепрдан ўтгандан кейин ихтиёр менда бўлади. Эртагача сабр қилаоласизларми? Бизни ҳали ҳечким навбатдан чиқариб

ташлаётгани йўқку ахир, — деди Верёвкин ва херсончиларга бир-бир қарадию совуққонлик блан сўзини тамом қилди.

— Агар ихтиёр фақат менда бўлса, албатта, кемачига на қўзи берар эдим у на пул... Немиснинг қўлига „Червонний херсонец“нинг чорваси тушадими, „Ҳосилот куни“ колхозининг чорваси тушадими, ҳукумат учун бари бир эмасми? Иккови ҳам совет кишилари, иккови ҳам бир зиён эмасми? Жўрттага сени йўлдан қўйиб ўтирса алам қилади албатта. Бирон иш қилғудай бўлса бошқаларнинг ўтишига ёрдам қилишимиз керак. Мана шундай қилсак дарҳақиқат фурсатни қўлдан бермаган бўламиз.

Верёвкин, худди узоқ гапириб-чарчагандай, секин-секин орқа томондаги подоларга томон кетди. У кетиб борар экан орқасидан оқмўйлов подачи Ривдя отанинг бир сигир соғучига:

— Кўп ташвиш тортма, Христина! Егорич тўғри айтади. Ҳар қанақа аблахнинг чилдирмасига ўйнаверадими киши! — деганини эшитди.

Верёвкин отлик йўлни чангитиб борар экан, ўйлар эди: бордию герман армияси фронтни ёриб ўтса нима қилар эдим? Шундоқ бўлиши ҳам мумкин — деди ва ўзига ўзи жавоб берди: — у вақтда бутун чорвани дар'ёга солдириб юборар эдим, сузиб ўткани ўтар, фарқ бўлгани ҳарқалай немис қўлига тушмай оқиб кетар эди.

V

„Червонний херсонец“ совхозининг подалари қишлоқ чеккасида тўхтаб қолди. Козуб, қиём вақтида ўзининг аравасида (совхознинг бутун енгил ва юк машиналари армияга олингани учун) келди.

— Ҳа, мунча қовоғларингдан қор ёғади? — деди у одамлар блан садомлашиб. — Бизга бу ярашмайди, биз тетик ва бардам бўлишимиз керак. Биз ҳозир анчайин одамлар эмас, меҳнат майдонининг солдатларимиз.

У аҳволни билганидан кейин узоқ ўйлаб ўтирмасдан:

— Қани, қирғоққа борайликчи, — деди қат'ият блан ва қўлларини кериб ташлаганича ҳаммадан бурун қирғоққа томон йўналди.

Азим дар'ёнинг орзу қилинган у қирғоғида қип-қизариб турган осмон аста-секин қораяборди, қумлоқ қирғоқ ва кулранг—яшил дарехтлар худди туман орасидан чиқиб тургандай кўринар эди. Ярқираб кўзни қамаштираётган дар'ё устида балиқчи қушлар қанот қоқар, сўналар тўп-тўп бўлиб учиб турар. Тошлоқ қирғоқда молу-кол хила камайиб қолди. Лекин каттакан баржа блан моторлик кемани батарея банд қилган, бу батарея орқа томонга қайтадан тузулгани кетаётган эди. Тўпчилар трактор, замбарак, машина ва аллақандай яшчикларни юклашмоқда. Буларнинг ёнида бўшашган ва умидини узган бир алфозда беш-олти киши қараб турар эди, булар директорлар, колхозларнинг раислари бўлса керак.

Козуб бесўнақай, чангдан қорайган ғулабир командирни топиб чорвани дар'ёдан олиб ўткани ундан ёрдам сўради.

— Хўш, тагин нима дейсиз? — деди командир кўзини алла-нечук бақрайтириб, — анқонинг тухми керак эмасми?

Козуб илжайди. Илжайганда унинг лаблари чўзилди, семиз юзини ажин босди, кўзлари қисилди ва бу барваста гулабир одамга қарар экан бирдан кўнгли юмшаб кеттию унга ма'қул келади-ган бирон иш қилгуси келди.

— Бечора жониворлар, тўрт кундан бери шу ерда ётипти, — деди у — ла'нати сўна бутун еб ташлади буларни. Ун километр атрофдаги ўтлар бутун аёқ ости бўлган. Ахир чорва бизники эмас, ҳукуматники.

Командирнинг бирдан жаҳли чиқди.

— Ҳа, бу тўп-тўпхона меникими бўлмас! — деди қичқириб. — Армиянинг ишига ҳадеб халал бераверсаларинг сизларни ким ҳимоя қилади?

— Бу гапингиз тўғрику-я, лекин уруш замбарак блангина битмайди. Солдатларга гўшт ҳам керак бўлар? Гўшт, ёғ, нон, сабзавотни фронтга ким беради? Биз берамиз. Мана, иккита қўйим майиб бўлиб қолди, буларни қишлоққа олиб бориб ҳукуматга топшираман, олинглар, лекин олганларингга қоғоз беринглар дейман. Бордию немис бостириб келса нима бўлади? Сизлар-ку ҳеч бўлмаса замбарак отиб ўзларингни қўриқлайсизлар, бизчи? Ҳўкизнинг думи блан қўриқлаймизми?

— Ана халос, — гапингизни қарангу?! — деди командир бўшашиб ва яна унга қараб кўзини бақрайтирди.

— Сиз қишлоқданмисиз? — деди Козуб унга тикилиб — мен ёшлигимда чўпон бўлганман. Шунча чорванинг ҳалок бўлишини ўйлаганимда юрак-бағрим эзилиб кетади. Менга қаранг, бизга ўша кичкина кемани беринг, биз юкингизни юклашгани одам берайлик. Баржа тез-тез бориб келадию бир пасда ишингиз батади, сиз ҳам қуймайдию кадоб ҳам, — у ўз одамларига томон ўғирлиди, — қани, „Херсончи“ йигитлар, раислар, директорлар! Нега оғизларингни очиб қараб турибсизлар? Қани, итаринглар!

Унинг ўзи кичик калиберлик замбаракнинг орқасидан итариб пастга туширабошлади.

Командир тўсатдан илжайди, шундан кейин ҳамма кўрдик, у ухлаб қолишдан кўрқиб кўзини бақрайтирган экан.

— Энди сизларга нима ҳам дейман. Лекин бақувват-бақувват йигитлардан беринг.

„Червоний херсонец“нинг одамлари дар'ёдан ўтиш мумкин эканлигидан хабардор бўлишгандан кейин, худди асалариядай гувуллаб қолишди. Аравалар гичирлаб, безовта қилинган моллари ма'райбошлади. Директор блан Верёвкин бир чеккага чиқишди.

— Хўш, Осип Егорич, сенга ўргатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, молларни кўз қорачиғингдай эҳтиёг қил. Мен қайтиб кетаман, ғаллаи йиғиштириб олишим керак, ҳозир кўрғонда армия учун чўчқа сўямиз, дон ортамиз, қанча керак бўлса юборамиз. Ишқилиб тилхат беришса бас. Уёғини райкомнинг ўзи айтади: ўша ерда партизан бўлиб қоламанми, ё сизларнинг кетларингдан етиб келаманми. Хайр, оқ йўл!

Днепрдан Запорожьегача бепоён, қалин ўт босган сахро чўзилиб кетган, бунда кенг серқатнов йўллар оқаришиб турар, онда-сонда тепаликлар кўринар эди. Таборнинг (бутун колоннани шундай деб аташадиган булишди) олдида Омелько Лобань бошлиқ разведка от қўйиб борар, унинг кетидан турли-туман шох, кенг сағрилар, қўштуёқлардан иборат — етакчи пода шошилмасдан юрар, бунинг кетидан шу хилда учинчи, шундай қилиб ўн тўққиз пода борар эди. Буларнинг орасида йилқилар, қўй-қўзилар кўринар, узун-узун қамчи тутган отлик подачилар молларни четга чиққани қўйишмас эди. Усти ёпиқ араваларга сепараторлар, сувдонлар ва бошқа майда-чуйда юкланган. Буғдой-поялардан болалар югуришар, уларнинг кетидан итлар ҳуриб чопар эди. Подаларнинг устида турли-туман пашшалар, сўналар тўзиб борар, кўтарилган чангдан ер-кўкни кўриб бўлмас эди.

Ҳаво очиқ. Ҳамма ўзини хавф-хатардан қутилган ҳис қилар эди. Верёвкин колоннани айланиб одамларнинг кайфи чоқ ва ўзлари бардам эканлигини кўриб хурсанд бўлди. „Кўра“ деб аталган тўртинчи подага борганида узоқдан қизларнинг кулгусига ўхшаган бир товушни эшиттию саман отининг жиловини тортиб, агрофга қараган бўлди. Галя Озаренко бия той миниб борар эди. У лўпигина қулига соат тақиб олган, эгнига чангичилар киядиган оч-жигаранг шалвор кийган эди. Олэкса Упеник савдо бўлимининг аравага қўшиладиган ўйноқи отида Галя блан ёнма-ён борар, чақир кўзларини ўйнатиб унга алланималар дер, Галя эса унинг сўзларига ҳузур қилиб кулиб қулоқ солар эди.

Галя Озаренко ундан:

— Олэкса, нега савдогарликни касб қилиб олдингиз? — деб сўради.

— Савдо ишини денг, деди Упеник хафа бўлмасдан, — инқи лобгача савдогар деб хусусий дўкандорларни айтилар эди. Мен савдогар эмас, савдо ходимиман.

Галя кулимсиради.

— Хуб, борингки шундоқ бўлсин, нега шуни касб қилиб олдингиз?

— Нимага бўлар эди, — деди Упеник бироз керилиб ва елкасини учирди. — Менинг отам болалигимда „Олгину бермагин“ деб та'лим берган. Тушундингизми? — деди. Атрофдагилар кулиб юборишти, — бухгалтер бўлайми? Бухгалтер бўлиш деган сўз бошқаларга пул бериш демакдир, бундан ташқари қанча ўқиш керак. Совхоз савдо бўлимининг мудирини бўлиб олган эдимки, червонлар ўзидан ўзи кассамга тушаберди. Давлатни бойитиш ёмонми?

— Ўзингизни ҳам бойитарсиз? — деди сигир соғучилардан бири.

— Гилам сотсанг қўшинингга сот, бир чекасида ўзинг ҳам ўтирасан, деган гап бор.

Яна ҳамма кулиб юборди.

— Ҳа, нима қипти, — деди Олэкса бироз нафси кўйиб, — менинг давримда чорвага ёмон буптими? Одамлар та'минотдан шикоят қилишаяптими?

Бошқалар дарров ён беришти. Дарҳақиқат херсончилар озиқ-овқатга зориқишмас, чунки Упеник озиқ-овқатни ҳечкимга берилмайдиган жойлардан уdda қилиб олар, совхознинг ачиган сутларини яхши сутнинг бозори касод бўлган жойларда ҳам сотар эди.

Верёвкин ахтасининг бошини қўйиб ветфельдшер ва собиқ савдо мудирининг кетидан борар эди. Булар гап блан машғул бўлганликлари учун орқаларидан Верёвкин келаётганлигини пайқашмади. Упеник Галянинг кўзларига қараб:

— Галечка, сиз нега ветфельдшер бўлдингиз? — деб сўради.

Галя ҳам ўша хилда ҳазиломез жавоб берди:

— Менга ҳам бу ишни отам ўргатган. Мен болалигимда мушукни, чўчқа боласини яхши кўрар эдим. Менинг қўлларим мудо тирналган бўлар эди. Акам мени „жониворлар закончиси“ деб калака қилар эди. Отам граждан ишлари вакили эди, мен ҳамиша унга „сиз одамларни ҳимоя қиласиз, ҳолбуки одамлар ўзларини ўзлари ҳимоя қилаолишади“ деб хархаша қилар эдим. Нега жониворларни ҳечким ҳимоя қилмайди? Мана шундай қилиб мен жониворларни даволашга киришдим. Техникумдан кейин икки йил ишлаб беришим керак, шундан кейин докторликка ўқийман.

У орқасида келаётган Верёвкинни пайқаб қолдию ўзини нечукдир сипоҳликка солди. Упеник Верёвкинга салом берди. Зоотехник унинг саломига жавобан қовоғини солиб бош ирғиттию отини йўрттирди, тўзиб юрган моллар унинг йўлини тўсди. Верёвкин буларнинг орасидан тез ўтаолмади ва орқасидан гапини чағғитиб, Галянинг:

— Йўқ, олдин мен! — деганини эшитди.

Упеник унга баланд овоз блан:

— Хотин киши эркакдан ўтаолар эканми? Ғийбатда ўтиши мумкин. Гаров боғлашаман, — деди.

Верёвкин сигирларни оралаб ўтиб олдинги подага етиб олди. Соат ўн бир, айни кун қизиғи. Моллар чарчаган, дам-бадам тўхтар, шунинг учун уларга дам бериш керак эди.

Ҳароратдан бутун сахаро жим бўлиб қолди, ҳатто ўт-ўланлар орасидаги чигирткалар ҳам унча қаттиқ чирилламас эди. Кўзни қамаштирадиган офтобнинг юзини ба'зан оқ булут қоплар, лекин бу оқ булут худди ҳарияр докадай бўлгани учун ерга соя солмас эди. Августда гуллаб ҳиди анқиб кетадиган оқ бурган, ялпиз ва бошқа ўтлар худди қақраб ҳароратдан шафқат сўраётгандай эди. Бир чеккада, тепаликдаги харсанг устида, қанотларини осилтириб, оғзини катта очиб, иссиқдан ўлар ҳолатга ётган иккита калхат турар эди. Ҳатто соялар ҳам ҳўкизлар ва араваларнинг остига кириб яширинишни, қисқарақ бўлишни истагандай туюлар эди. Араванинг тагида думини қисиб, қип-қизил тилини чиқариб бораётган ола ит гичирлаётган гилдиракка ва араванинг кетига боғланган пақирга қараб қўяр эди. Кун ниҳоятда иссиқ,

лекин иссиқ шабада пода кўтарган чанг блан тўзғоқларни учириб юрар эди.

Оёқлари ингичка тўриқ от минган Гаркуша биринчи подадан Верёвкиннинг олдига келди. Унга иссиқ ҳам та'сир қилмаганга ўхшар эди: уёқ-буёғини қимтиган пахталик нимчасининг ҳамма тугмалари солинган. У қамчиси блан кутор томонидаги ўтлоқни кўрсатиб:

— Шу ерда бироз тўхташ керак бўлади. Омеля Лобань разведкаси шу томонда яхшигина анҳору ўтлик борлигидан хабар берди. Хўш?

— Майли, команда беринг бўлмаса.

Орқа томондан бирдан туёқ товуши эшитилди ва буларнинг ёнидан икки отлиқ қуюндай ўтиб кетди. Олдинда, кўзлари чақнаган, бошидаги берети тушиб қолган Галя озаренко борар эди. Олэкса Упеник ундан ўзиб кетишга ҳаракат қилар, отининг ёлига ётиболиб зўр бериб қамчилар эди. Буларнинг отлари туёғи остидан чанг бурқиб кўтарилар эди. Верёвкин отининг бошини буларга томон буриши бланоқ иковя шамолдай ўтиб кетди.

— Отга рэхм қилсаларинг-чи! — деб қичқириб қолди.

Улар албатта эшитишмади.

Ҳар иккала отлиқ узоқлаша-узоқлаша наҳоят кичкинагина қушдай бўлиб қолди.

— Қутиришаётипти, — деди Гаркуша ва заҳарханда қилди. — Бу Олэкса аллақачондан бери фельдшерни кўзининг тагига олиб юрипти. У совхозда савдо мудирини бўлиб юрган вақтида магазинга бирнима келса дарров ўшанинг олдига олиб чопар эди. Бир куни баланд пошналик туфли берган экан, фельдшер олмапти: ўзим ҳам ишлаб пул топаман, сотиб олишга қодирман депти. Ҳаммага ёнғоқ улашар эди, ичкилиги блан зиёфатлар қилар эди. Қанчадан қанча пул сарф қилади, шунча пулни қаердан топади бу?

Верёвкин аччиғи келиб дами ичига тушиб кетди.

Бош подачи олдинги подага қараб от чопдириб кетди.

Чораки соатдан кейин подачилар молларни ўтлоққа томон буришди. Бутун колонна жонланиб кетди. Моллар дам олишни сезиб, хашак ҳидини билиб ма'рашар эди.

VII

Кўниладиган жой хутордан уч чақиримча берида қўға, бақа тўни босиб ётган ариқ бўйидаги пасқамликда эди. Булар яқинлашиб келганда кўлмак сувда хила суюғи қотган ўрдак жўжалари юзиб юрар, кулранг лайлак қирғоқда бир оёқ узра туриб сувдаги ўзининг аксига худди маҳлиё бўлгандай, тикилиб турар эди. Бошқа қушлар чигир-чигир қилиб баланд парвоз қилганича қоромтил-кўк дарахтзорга қараб учиб кетишди.

Молларни бўш қўйиб юборишди. Пасқамликнинг ҳарқаер-ҳарқаерида ёқилган гулхандан кўкимтил тутун осмонга кўтарилди, сепояларга қора қозонлар осилди, ҳаммаёқдан тезак ҳиди ан-

қиб кетди. Яшил, сояз ариқ жонланди. Офтобда қорайган баданлари ярқираган болалар отларни ювишар ва шу ернинг ўзига, ўт-ўланлагра ёйишар эди.

Саҳронинг нариги томонидан Галя Озаренко блан Упеникнинг қораси кўринди. Верёвкин уларнинг товушини узоқдан эшитиб тинглаб турди. Галя Озаренконинг товуши эшитилди:

— Агар менинг отим қоқинмаганда кўрар эдингиз, Олэкса. Унга Олэкса жавоб берди:

— Барибир сиздан ўзиб кетар эдим.

— Ҳеч-да, отим қоқингани учун ўзиб кетдингиз.

— Нима десангиз дешг, лекин ютқиздингиз.

Галя жим қолди, фақат отларнинг туёқ товушигина эшитилар эди. Булар яқинлашиб келганда Верёвкин чақирди. Галя блан Упеник тўхташди.

— Бу қандақ бўлди, отларга жабр эмасми? — деди Верёвкин қовоғини солиб, — бунақада отларни ишдан чиқариб қўясизлар-ку.

Отлар дарҳақиқат қора терга ботган, ҳонсирар, сўлиқларидан кўпик оқар эди.

— Озгина пойга қилдик халос, — деди Галя таажжубланиб, кўп чоптирганимиз йўқ.

Кучингиз жуда ошиб-тошиб кетаяптими? — деди Верёвкин заҳарханда қилиб, — ундоқ бўлса ўз оёғингиз блан чопсангиз бўлар эди. От бечораларнинг ҳали қанча йўл босишлиги ма'лум эмас. Янги совхозга борилганда ҳам туёғига хина қўйишмайди, кўшга, молага қўшилади...

Кулимсираб турган Галя бирдан қизариб кетди.

— Ҳали бизга жазо ҳам берарсиз, ўртоқ Верёвкин? Ёки уловдан нотўғри фойдаланди деб акт қиларсиз? Акт қиладиган бўлсангиз биратўла немисларни ҳам акт қилақолинг, чунки сизларнинг сути шулар туфайли кўкариб кетди. Отларни бироз чоптириб қизитиш фойдалиқ, чунки шунча йўлни битта-битта босиб келаётпти. Биров хурсанд бўлса кўралмайсиз, шунинг учун хархаша қилаётинсиз, вассалом. Отни чоптирсак майлими деб сизга ариза бермаганимиз чакки бўлиптида!

Галя „оббо“ деган мазмунда лабини бурди. Верёвкин тўсатдан жим қолди. Галя ўзининг аравасига томон кетди. Шунда Олэкса Упеник илжайиб:

— Бизни бекорга койидингиз Осип Егорич, азбаройи худо, екорга! Отлар суриб кетди. Худо хоҳласа, молларни оздирмай-етмай бир амаллаб олиб борамиз; кўп куйинаверманг, — деди.

Верёвкин ҳеч кутилмаган ҳолда жуда осойишта ва қисқагина жавоб берди:

— „Худо хоҳласа“, „бир амаллаб“ дан яхшилиқ чиқмайди.

У, бош бухгалтер блан гапини тамом қилмасданоқ қайрилиб кетди. Унинг кетидан сизир соғучи бир хотин:

— Нима жин урди? Рашк қилаётптими, нима бало? — деб қолди.

Осип Егоричнинг кўнгли бирдан чўпонларнинг бўтқасига суст кетди, у табордан узоқроқ бориб чалқанча бошини қўлига қўйиб ётди.

Кўм-кўк осмондан турна товуши эшитилди. Турналар одатдагича тумор-тумор бўлиб эмас, тўзиган доира шаклида жуда баянд учар эди. Булар бирдан пастлади, лочиндан хуркигандай тим-тарақай бўлди-да, сахрога соя солиб ҳар томонга учиб кетди. Шу яқин ўртадан яна уларнинг товуши эшитилди, яна тўп бўлиб осмонга кўтарилабошлади, ярқираб турган ариқнинг устига борганда яна қатор бўлиб, кўкариб турган хуторга томон учди. Турналар узоқлашиб кўздан ғойиб бўлай деганда яна орқага қайтди ва шунда Верёвкин билдики улар ёш турналар бўлиб, тажрибалик етакчининг раҳбарлиги остида жанубга учишни машқ қилаёттипти. Август—кушлар тўп-тўп бўлиб учадиган ой. Узоқ тундрадан лойхўрақлар аллақачонлар учиб кета бошлаган.

Сигир соғучи хотиннинг „Нима жин урди? Рашки келаётти-тими, нима бало“ деган сўзи Верёвкиннинг хаёлидан кетмас эди. Дарҳақиқат! Бу ҳисни нима учун ўзидан-ўзи яширади? Сигир соғучи хотин тўғри айтди. Ўттиз иккига кирган, ўзи зоотехник бўлсаю битта бошини иккига қилаолмас. Шу ҳам гап бўлдим!

У ўша қизга кўнгли қандоқ мойил бўлганлигини аслади.

Бу совхозга Галя Озаренкони шу йил баҳорда, ўроқ бошланишидан олдинроқ юборишган эди. Верёвкин бир куни саҳродан қайтганида уни кўриб қолдию фамилиясини ва қаердан келганини сўради қўйди. Унга айрим э'тибор блан қарагани фурсати ҳам йўқ эди. Ҳали мажлис, ҳали районга чақирилади, ҳали ўтлоқларни айланиб кўздан кечиради, ҳали мол-колни бориб кўради. Орадан бирон икки ҳафта ўткандан сўнг Верёвкин Галяга мажлисда айрим диққат блан қарадию унча ма'қул бўлмади: жуда қаттиқ куладиган, думоғдоргина, ҳаракатлари ғайри табиий бир қиз эди. Бу қиз мунча ҳам ўзига бино қўйган экан? Галяни унга таништириб „Бу киши янги келган ветфельдшеримиз“ дейишди. Верёвкин унинг кичкина, лекин кучли қўлини сиқиб сўрашди.

Май байрами куни расмий тантанали мажлисдан сўнг совхоз ма'мурияти; одатдагича, ишчи ва хизматчилар учун кеча ташкил қилди. Вино совхозидан кичик бир бочкада рислинг деган вино олиб келишти, радио қўйишди ва ресторандан баянист блан скрипкачи таклиф қилишди. Ёшлар вальс ва фокстротга ўйнашди. Верёвкин вино ичиб ўтирар эди. Шунда тўсатдан унинг олдида Галя келяб: „Энди ичишни бас қилсангиз ҳам бўлар эди“ дедию кулиб уни ўйинга таклиф қилди. Верёвкин ўйин билмаслигини баҳона қилди. Лекин Галя қўярда-қўймай „Ҳеч бўлмаса ашула айтиб беринг, шундай вақтда шумшайиб ўтирадими киши“ деди. Верёвкин кулиб „Менинг ашула айтишим учун яна икки литр вино ичимиз керак. Мен ашула айтсам қочиб кетарсиз деб қўрқаман... Молларни бориб кўрадиган вақт ҳам бўлиб қолди“ деди ва чўнтак соатига қарадию ўрнидан турди. Галя қипқизариб кетди.

У молхонага томон борар экан, тўсатдан хаёлига шу нарса келди: „Мана шу хилда фе'лу-атвори ўзимга буткул қарама-

қарши бўлган қизга уйлансам қалай бўлар экан?». Бу ҳол унга ғайри табиий, кулгили туйилди. Нима бало бўлди? Мана шундан бошлаб унинг кўз олдидан ўйинга таклиф қилаётган Галя кетмайдиган бўлди. Бу қандоқ бўлди? Умуман муҳаббат қандоқ бошланади? Аввало унга Галянинг нимаси ёқди? Унинг товуши, ҳарзамон сочини (жуда ажойиб сочи бор) тараб қўйиши, чап юзидаги кулдирғичими? Ёки унинг очикдан-очик ва бетакаллуф муомаласи кор қилдими? Ахир унга Галянинг фақат ташқи кўринишигина ёқмагандир? Одам хотин кишининг ташқи томонига ёшликдагина берилиши мумкин. Унинг ёшида эса кўнгилдан кўнгилга йўл бўлишини истаydi. Бундан чиқдики унинг фе'латворидан Верёвкинни маҳлиё қилган бирон нарса бор экан-да? Эҳтимолки бу маҳлиё қилган нарса унинг кўнглида кири йўқлиги, хушчақчоқлиги, қизларга хос софдиллигидир? Верёвкиннинг кўнгли тобора Галяга мойил бўлар, лекин ўзи бутун вужуди блан бунга қарши турар эди. Бу ерда, сафарда жуда қийин бўлди: ҳамма вақт одамларнинг кўз ўнгида, хизмат важдан у блан тез-тез тўқнашиб туришга тўғри келади. Мана, ҳатто сизир соғучи хотинлар ҳам пайқашипди.

Лекин Олэкса Упеник Галянинг хуштори шекиллик-ку. Олэкса Упеник чиройлик, ўзига бино қўйган, пул хусусида қўли очик, наннки шуларнинг ўзи кифоя қилмаса? Ёшликда кишининг ақли кўзида бўлади. Шунинг учун қизлар кўпинча биринчи кўз ташлаган кишига тегишади. Юзи ёриқнинг кўнгли ёриқ бўлади дейишади.

... Табор томонидан одамларнинг бир-бирини чақирган товуши, отларнинг кишнаши эшитилди. Соат уч бўлипти—йўлга чиқиш керак.

VIII

Колонна шаҳарларни четлаб қишлоқ йўлларида борар эди; сентябрьнинг бошларида Запорожье областига кирди. Херсончилар тез-тез гувуллаган маш'ум товушларни эшитар эди. Тўсатдан уфуқ қип-қизариб домна печьларининг харобасини, тутаб турган каупер манораларини, куйиб кул бўлган қишлоқларни ёритар эди. Булар бирнеча мартаба узоқдан учиб ўтаётган бомбардимончи қора аэропланлар гуруҳини кўришти. Буларга тез-тез танк полклари, пиёда аскарлар, батареялар учрар, булар фронтга томон борар эди. Совхозчилар, ҳамма районларда машқ қилаётган халқ лашкарларини, ҳарбий форма кийиб газниқоб тақиб олган қизларни кўришди. Гулай-Полейдан ўтилгандан кейин Верёвкиннинг олдига подачилар бригадири оқсоқ Нечипор Маруда от чоптириб келди. У оқ барра папоқ, оқ чакман кийган, белига гуллик камар боғлаб олган эди. Унинг сепгил босган юзи ва катта-катта кўк кўзларида зур ташвиш аломати бор эди.

Мен сизнинг олдингизга келаётиман, Осип Егорич, — деди у отини зоотехникнинг отига ёндаштириб — новвоснинг мазаси қочиб қолди, оёғи буткул шишиб кетди, юролмайди. Уни Полинрий Константинович кўриб „Бу шароитда буни даволаб бўл-

майди, акт қилиб шу яқин ўртадаги совхозга топшириш керак“ деди.

Топшириш керак? — деди Верёвкин бирдан отининг жоловини тортиб — қайси новвас у?

Мен ҳам шуни айтаман-да, — деди Маруда унинг фикрини англаб, — „Мендан кетгунча эгасига етгунча“ми? Важний жуда зотлик новвос. Дуська блан Молодецдан бўлган, нимасини айтасиз.. Жуда чиройлик новвос.

Верёвкин ҳечқачон қилмаган ишини қилиб отига устма-уст қамчи босдию олтинчи подага қараб кетди. Важний деган новвосни жуда яхши эслайди, туғулганида ўзи тепасида турган ва ундан умиди катта эди. Отаси зотлик Молодец 1500 килограмм булиб, Москвадаги Қишлоқ Хўжалик Кўргазмасида каттакан кумуш медаль олган эди.

Куёш уфуққа бош қўйганда осмоннинг ярми кип-қизариб кетдики, бу фақат жанубдагина бўлади. Кип-қизариб худди шишиб кетгандай кўринган офтоб саҳронинг кўкимтил уфуқиға ботай деб қолди, у уфуқдан худди қизил ойна орқасида тургандай нур сочар эди. Ҳиди анқиб турган ўт-ўланлар қизғич тус олиб сукутга толди, булар худди бугунги кун блан видо'лашаётгандай кўринар эли.

Верёвкин, олтинчи подага етмасдан, йўлнинг четида турган Кулибаба блан Галя Озаренкони кўриб қолди. Галя ўзининг бошлиғига нима тўғридадир кўйиб-пишиб сўзлар эди. Важний ўт-ўлан устида узала тушиб ётар, худди бирон ҳодиса бўлгандай унинг атрофига одам тўпланабошлади. Унинг бўртиб чиққан кўзларида одатдагича шаддот-қувноқлик ифодаси йўқ эди. Шохлари учлик, орқаси кенг, елкалари бақувват, бақбақаси осилган, туёқлари катта-катта бўлган бу новвос дарҳақиқат жуда қувватли эди. Унинг қизил, деярлик тўқ-олчаранг юнги ярқираб турар эди.

Верёвкин отдан тушди, унинг йўғон оёғини қўлиға олиб ушлаб кўрди ва Галя Озаренкоға қараб:

— Нега шу чоққача Важнийнинг оёғини боғламадиларинг? — деб сўради.

Галя Кулибабаға ва бошини қуйи солиб секин жавоб берди:

— Дори-дармонимиз йўқ. Умуман... боғлайдиган ҳечнарсамиз ҳам йўқ.

— Бу нима деганингиз? Нега йўқ?

Верёвкин ҳайрон қолган ва ҳатто қўрқиб кетгандай кўринар эди. У Кулибабаға қарамасликка тиришди. Бироқ Галя ўзининг бошлиғига яна савол назари блан қаради.

— Совхоз дорихонасининг калити зоосанитарда ҳам эмас, менда ҳам эмас, Аполлинарий Константиновичнинг ихтиёрида. Дорини ҳам унинг ўзи беради. Менинг биринчи йил ишлашим.

Кулибабанинг кенг пешонасини, сариқ қошлари ва юзларини чанг босган, лекин плащчининг остидан, гарчи эшилиб кетган бўлса ҳам, ҳамеша тақиб юрадиган галстуги кўриниб турар эди. Ишда фақат Кулибабагина галстук тоқиб юрар эди. Агрономлар

тегишиб, Кулибаба ўзининг кўриниши блан ҳақиқий одессиялик эканлигини ва совхозга тоза ҳавою суг-қаймоқ зарур булган бемор хотини туфайли келганлигини та'кидламоқчи деб кулишар эди.

— Нега дейсизми, Осип Егорович? — деди Кулибаба секин сўзга аралашиб, — айб менда, кўчиш вақтида шошиб қолиб до-ру-дармон олишни эсимдан чиқарибман. Буёқда бола-чақам, хотиним қариб ҳушдан кетаёзди.. Илгари ҳамма ишимни пишиқ қилганим учун мукофот беришар эди, шунга келганда, қарангки, эсдан чиқарибман: уруш-да! Лекин лизол, марганцовка, ам-морген ҳаттоки бинту пиндетларни ҳам ҳар қанақа район до-рихонасидан олишимиз мумкин. Лекин мен ҳеч тушунолмайман, Важнининг касалига буларнинг нима дахли бор.

Қоронғида папахи оқаришиб кўринган Маруда фақат Верёвкин-гагина қараб турар эди. Галя Озаренконинг кўзлари бежо, у ни-мадир демоқчи эканлиги кўриниб турар эди. Параска хола қўли-ни холдор лунжига қўйиб, новвоснинг тепасида нуқул уф тортар эди. Риндя ота чўқморига суяниб гапга қулоқ солиб турар эди.

— Важнининг шишган оёғи шундай ёниб кетаяпти, — деди Кулибаба — афтидан бирон нарсага урилгану лат еган. Бунга до-ру-дармоннинг кераги йўқ, сирка блан лой қилиб боғланса ки-фоя. Лекин Важний боғланган оёғ блан юролмайди.. То у ту-залгунча колонна ҳам тўхтаб туролмайди. Шундақ эмасми? Мана шунинг учун акт ёзиб уни ҳисобдан чиқариш керагу шу яқин ўртадаги бирон совхозга топшириш керак. Шундай қилсак биз-га биров бирнима дермиди?

Верёвкин бошини кўтариб ветеринарга қарадио дўнғиллаб жавоб берди:

— Ўзимиз айтамыз. Виждонимиз айтади.

— Виждонимиз? — Кулибаба қистирма кўзойнагини тузатиб қўйди, унинг ингичка, офтовда қораймайдиган бормоқлари хиёл титради. — Жуда яхши, Осип Егорич, бунчалик хайвонпарварли-гингизга тасанно! Лекин биз Важнийни кучага ташлаб кетаёт-ганимиз йўқ-ку? Мен сизга ҳеч тушинолмайман. Нега сиз ҳар-бир мол устида ўзингизни ўлдирасиз? Ахир бу молларнинг кўпи мамлакатнинг ичкарасида очликдан ўлади. Эҳтимол сиз Доннинг ёки Волганинги у томонида бизни қучоқ очиб кунжара, ем ё ҳеч бўлмаса пичан блан қарши олишади деб ўйларсиз? Олинг-а, олинг! Уларнинг ем-хашаги баҳоргача ўз молларига етса ҳам хўп гап. Ҳозир бу новвосни ҳечнарсга қилиб ҳам бўлмайди.. Ё аравага солиб олиб кетасизми?

— Ҳа, аравага солиб олиб кетамиз, — деди Верёвкин ва Мару-дага мурожаат қилди: — Менинги аравамни буёққа олиб келинглар.

Маруда, худди гап шу блан тамом бўлишига ҳеч шубҳа қил-магандай, отига қамчи бердию чопдириб кетди. Верёвкиннинг назарида Галя Озаренко ўзига таажжуб назари блан тикилиб қолгандай бўлди. Бутун баҳсу мунозара давомида Галя ўзини Кулибабага яқин тутди ва шу блан гўё Верёвкинга қарши Кули-баба блан бирга эканлигини та'кидламоқчи бўлган эди. Лекин

ҳозир зоотехникка томон бир қадам босдию, худди дами ичига тушгандай, бориб новвоснинг ёнига ўтирди ва уни силайбошлади.

Кулибаба таажжубланиб елкасини учирди ва индамай кета-берди.

IX

Қоронғи тушди, кунботарда шафақ аста-секин қораймоқда; саҳронинг устида кўкимтил булутлар қимирламай теҳ турар эди. Сайёралар олтиндай ярқираб турар, юлдузлар ҳали чиқмаган.

— Кичкинагина новвос бўлса ҳам одамнинг ичи ачийди да,— дер эди Параскахода қўнғироқдай овози блан ҳамон ўша можаро тўғрисида гапириб. — Ўзимиз жонига оро кирмаганимиздан кейин бегона совхоздагилар нима қилишар эди, сўяди қўяди-да! Мана, ўзим, ўрдагу гозларим эсимга тунса юрак-бағрим ўртаниб кетади. Улаттеккур немис аллақачон еб бўлгандир.

— Дору-дармон қилмай ташлаб кетавериш ҳам иш бўптими?— деди Ривдя ота.— Бу ҳаркимнинг ҳам қўлидан келади-да.

Верёвкиннинг араваси етиб келгандан сўнг табор тунагани кўнди. Галя ҳамон Важнийнинг олдидан кетмас эди. У Важнийни шу яқин ўртадаги совхозга топширмаслик тўғрисида ҳозиргина Кулибаба блан баҳслашган, аччиги келган эди. У бош зоотехникни бундан ярим соат бурун одатдагича қовоғини солиб қарши олган эди. Верёвкин новвосни олиб кетиш тўғрисида буйруқ бергандан кейин эса, Галя кутилмаган бу гапни эшитиб анча босилиб қолди. Осип Егорич аравасининг олдидаги халтасини ва милтигини олиб кимга амонот топширсам экан деб орқасига қараганида Галя ўзи ҳам қутмаган ҳолда:

— Менга берақолинг, менинг аравамда жой бор, — деди.

Гаркушка зоотехникнинг нарсаларини олиб Галяга узатди. Осип Егорич нарсалари кимнинг қўлида келаётганини билгани қайрилиб ҳам қарамади. У ҳали бирон нарса дейишга улгурмаган ҳам эдики, кимдир аравага бирикки боғ ўт солди, талпинаётган Важнийни бирнеча киши кўтариб секингина аравага ётқиздилар.

Аравага қўшилган ҳўкизлар юриб кетди. Фирчиллаб бораётган араванинг ёнида ўзининг ахтасини миниб Верёвкин борар эди. Хила ёшга бориб қолган шаддод бир сигир соғучи Верёвкиннинг кетидан қарар экан, ёнида бораётган хотинга:

— Бизнинг зоотехник ҳамма вақт шу: одамлар блан гаплашганида гапни оғиздан омбур блан ҳам суғуриб оламмайсиз, чорвога қолганда жуда ширинсўз. Ўлай агар, бир куня совхозда туғаётган Моря деган сигирни бўйнидан кучоқлаб олипти, „Ҳа маҳкам бўл“ дейди. Сигирга „Ҳа маҳкам бўл“ деса-я! Мен панжаранинг орқасида турган эдим, ўз қулоғим блан эшитдим.

Галя Озаренко Верёвкиннинг қопини отига ўнгариб жўнади. У кечаси ётгани ўрнашган подалар орасидан от чоптириб ўтиб ўзининг қўраси қаерга ўрнашганини сўроқлай кетди.

Кун боғишдаги шафақ аллақачонлар сўнган, қорая тушган осмон қора булутлар блан қўшилиб кетган эди. Лекин кўк юзини ку-

муш юлдузлар тутиб кетдию буларнинг орасида сайёралар шудрунгга тушган бир томчи сувдак йўқолиб кетди. Ҳаво дим, ўтўланлар орасида чигирткалар чириллаб ҳаво яхши бўлишидан дарак берар эди. Табор жимгина кечки дамларни ўтказарди. Сигир соғучи хотинлар подалардан пақирларни сутга тўлдириб қайтишар ва тайёрлаб қўйилган идишларга қуйишар эди. Ҳамма кечки овқат егани ўтирди. Немис аэропланларининг ҳужумидан қўрқиб ҳечқаерда гулхан яқилмади, лекин онда-сонда попиросларнинг чўғи кўринар эди. Аллақаерда патефон қўйишди, узоқдаги подада ит ҳуриди. Қайердадир якки қиз хиргойи қилиб ашула айтар эди.

Галья ўзининг аравасини, одатдагича, ветврачнинг араваси ёнидан топди. Марина Георгиевна орқа ғилдиракнинг олдида кўздан эрининг қўлига сув қуяр, эри эса юзини ювар экан дер эди:

— ... Ё ўзича бир иш кўрсатмоқчи, ё подочилар орасида ном чиқармоқчи. Оббо, совхознинг битта новвосини нобуд бўлишдан сақлаб қолиптилар! Ҳали мен ҳам бутун юкларни елкамга ортиб, яна биронта касал бўлиб қолган сигирни аравага солишим керакдир. Мен давлат олдидаги бурчимни ҳамма вақт ҳалол адо қиламан, у ҳам менинг анчайин талабларимга жавоб берсин-да. Мен ҳозир ҳам кўп нарсадан маҳрумман.

Галья отини тўхтатиб ирғиб тушди. Марина Георгиевна орқасига қараб илжайар экан:

— Ким? Галечка, сизми? — деди.

— Ҳа, мен, Марина Георгиевна.

— Вой, энди келдингизми! Бўларингиз ҳам бўлгандир!

— Йўқ, нима қилиптя, чарчаганим йўқ.

Кулибаба енгларини шимариб, кўйлакчан, юмшоқ чочяққа юз-қўлини артар эди. Араванинг олдига солинган ғиламчага кечки овқат учун дастурхон ёзилган эди: чинни тарелкалар, никелланган кофейникда қайнатилган янги соғилган сут, нон соладиган товоқчада қуймоқ, унинг усти салфетка блан ёпилган. Араванинг атрофида панама кийган, қизил галстук таққан, бўйни ингичка етти яшар Горик чопиб юрар эди. У милтиқчаси блан йўқ ердаги ўрдакни нишонга олиб „пақ, пақ! она, ана ўрдак отдим, олиб қовуринг“ деб қичқирар эди.

— Қани, тезроқ овқатга ўтир, Галечка! — деди Марина Георгиевна ҳамон кўзани қўлидан кўймасдан, — қоринлар очқоб кетди. Горикнинг ҳам ухлайдиган вақти бўлди: бу кўч-кўч блан бола бечоранинг эси кетди. Бу ҳаром ўлгур новвосни деб тоза балога қолибсиз-да, Галечка? Бу қанақа гап?

— Верёвкиннинг нарсалари.

— Нима? Ие, дарров бу „соҳибқирон“га найзабардор ҳам бўлиб қолибсиз-да! — Марина Георгиевна кулди ва оппоқ, билакузук тоққан қўлларини бир-бирига урди; шом қоронғусида унинг лўппи ва упа суртилган бети қорароқ бўлиб кўринарди.

— Осип Егорич ҳам чакки эмас. Олижанобликка-ку олижаноблик қилдию, лекин ўз юкини бировларга юклапти-да. Эшигаёпсанми, Апоша? Новвосни ўз аравамга соламан деб қариллаганига энди тушундим.

Кулибаба келди. У пинжак кийиб олган, буйнида галстук, майин ва кўнғироқ ҳўл сочини тарарди.

— Ҳамма муғомбирлар ҳам шунақа бўлади,— деди у бепарволик блан.— Гапни жуда боплайдику, ишга келганда ўз фойда-сига қараб иш тугади.

Галя унинг сўзини оғзидан олди.

— Нарсаларини ўзим олдим.

Жимлик чўкди. Эру-хотин бир-бирига қаради. Марина Георгиев-на кулиб унга бормоғи блан таҳдид қилди.

— Ҳуш'ёр бўлинг, яхши кўриб қолманг тагин.

Галя таҳқиромез лабини бурди.

— Ҳазиллашаётиман, Галечка! Ҳазил! Қалбингиз юмшоқли-гини биз яхши биламиз, шунинг учун ҳам сизни яхши кўрамиз. Синглимизлай бўлиб қолгансиз-ку. Салгина довдирлигингиз бор холос. Ёшлик-да! Ҳа, нарса деганда эсимга тушди, Галечка сизга бир илтимос: Верёвкиннинг аравасидаги бизнинг гиламларни олишга тўғри келди, шуни ўз аравангизга олсангиз-чи. Биламиз, жигарим, шундоқ ҳам сизни жуда қисиб қўйишди, лекин ўзимиз олайлик десак аравада ҳеч жой йўқ. Қаерга ҳам қўямиз? Уруш ўлсин!

— Майли, жоним блан. Мен фақат шу қопни қўяман.

Худо хайр берсин.

Галя отини тушоқ қилиб ўтга қўйди ва саҳро гулларининг хиди анқиб турган аравасига чиқди. У младший агроном Паня Мелешко блан бирга борар эди. Буларнинг бутун юки икки че-модан, битта сават ва кўрпа-ястўқдан иборат бўлса ҳам аравада оёғини узатиб ётишга жой йўқ, чунки унинг кети Кулибабанинг нарсалари блан лиқ тўлган эди. Мана энди унинг устига гилам-ларини ҳам олиш керак. Майли, бунинг эвазига Аполлинаруй Константинович уни ветинститутга жойлаб қўяди. Галя ўраб қўйилган кўрпаларнинг устига ўтирди. У кун бўйи чарчади, нов-вос Важнийдан кўп ташвиш тортди, энди ёлғиз ўтиргиси келар эди. Дарҳақиқат қандоқ бўлдики у Кулибабаларга „Хиёнат“ қилиб Верёвкиннинг қопини олди. Зоотехникнинг ҳарбир қадамига, ўринсиз бўлса ҳам, танқид кўзи блан қарашга ўрганиб қолган Галя беихтиёр унинг тўғрисида кўп ўйлар эди. Энди Важний тўғ-рисида унинг қилган гамхўрлиги кўнглимни юмшатди деган хаёл-га борди. Ана бетамизлигу! Галя жаҳл блан оёғини силкиди, уф тортди ва бирдан оч қолганини сизди. У „ветеринарлар“ блан бирга овқат ер, Кулибабалар овқатни жуда кам егани учун Га-ля уялиб дарров қўлини тортишга мажбур бўлар эди. Галя гар-чи ўтин ёрса ва идиш товоқни ўзи ювса ҳам, Марина Георгиев-на биво қўйган кўлларини қозон-товоққа уриб овқат пиширгани учун ҳам ниҳоятда ўнғайсизланар эди.

...Эркак кишининг йўғон товуши Галянинг ўйини булди:

— Хўжайинлар шу ердами?

Араванинг олдига Олэкса Упеник келди. Галя қоронғида унинг юзини кўрмаса ҳам илжайиб қараб турганини сезиб турар эди.

Галя Упеник нима учун келганлигини билганлигидан қипқизариб, гангиб, нима дейишини билмай қолди.

— Ҳа, ётипсизми?— деди Упеник,— ёлғиз экансиз...

— Ҳозиргина молларни кўриб келдим,— деди Галя негадир.

Галя, худди аравада тургани қўрққандай, шошип-пишип тушабошлади. Унинг этаги илиниб сони очилиб кетди. У шошиб этагини туширар экан, Упеникнинг тикилиб қараб турганини сизди. Кулибабанинг аравасидан Марина Георгиевна:

— Овқатга келинг!— деб қичқирди.

Галя ҳам худди кутиб тургандай:

— Ҳозир!— деб жавоб берди.

У энди ҳавф-хатардан ўзини омон қолган ҳис қилиб Упеникга „бопладимми“ деган мазмунда назар ташлади.

Упеник бир қадам босиб унинг йўлини тўсди ва кўзларига тикилар экан:

— Мен қарзимни ундиргани келган эдим, ё гаров боғлашганимиз эсингиздан чиқдими? Мана кўрамизда, лафзингиз лафэми, ё қуруқ гапми,— деди.

Мен айтдим-ку,— деди Галя аҳтиётдан тисланиб,— лекин ҳозир эмас, ҳўбми? Ҳозир Паня ҳам йўқ.

У Упеникнинг жавобини ҳам кутмай ирғиб туштию, чопқиллаганича овқат егани кетди. Унинг юраги ҳаёжондан гуп-гуп урар эди.

Х

Параскахола бугун ёмғур ёғишини кеча айтган эди: кеча сизгирлар жуда кам сув ичганини ва кундуз кунни тўхталган вақтда ўтламасдан ётиб ухлаганини пайқади.

Ёмғур икки кечаю икки кундуз ёғди. Бирдан салқин тушди, қушлар сайрамай зим-ғойиб бўлди кетди. Араваларнинг гилдиракларига лой ёлишар, кегайларгача ботиб кетар, оғирлашган араваларни ҳўкузлар зўрға тортиб борар эди. Араваларнинг ўстига ёпилган фанерлар, брезентлар увиб, ичи сувга тулди. Ниҳоят учинчи кун эрталаб ҳаво очилдию кун яхши бўлди. Саҳро ярқираб кетди: ўт-ўланларнинг япроқларида сув томчилари йилтилар, йўлдаги уйдим-чуқурларда кўлмак бўлиб ётган сувда кўм-кўк осмон акс этар эди. Бўтакўзлар, бобунжлар жонлиниб очилди. Қаёқдандир думлари қизғич сариқ қушлар, са'валар пайдо бўлди. Кеч кузақда чиқадиған семиз суғурлар баланд уяларининг олдида орқа оёқлари узра туриб атрофга қарашар эди.

Галя Озаренко ҳўл панама кийган, чангичилар киядиган шолвори почасини тиззасигача шимириб олиб, оёқяланг ҳўзур қилиб лой кечиб борар эди. Унинг қўлида кунгабоқар, тишлари семичканинг пўчоғидан қорайиб кетган. Чап томонида Паня Мелешко борар, унг томонида эса Упеник бир қучоқ пишган маккажухори кўтариб ветмоқда эди. Унинг пўрим этиги лойга беланган. Булар учови олтинчи подага новвосларни кўриб келгани кетишмоқда эди.

— Зарари йўқ, бироз ишланг, Олэкса,— деди Галя, тегишиб,— ишдан одам ўладими? Важнийга яна ем берилса жуда фойда қилар эди. Молни қўл блан эмас, ем блан сила деган мақолни билмайсизми? Касалдан турган жонвор иштиҳого киреди.

— Касалдан турган деб Важнийни айтаяпсизми?— деди Упеник кулиб.

— Бўлмаса-чи.

— Ҳайвонни касалдан турган деб ўтирсангиз! Новвос — бир жонвор-да. Расмий актларда ҳам гўшту-сут учун боқиладиган Ҳайвон деб ёзилади.

Галя тўхтаб ер тепинди.

— Яна шундоқ деяётипсизми? Мен сизга айтмапмидим, Олэкса менинг олдимда Важний тўғрисида бунақа гапларни гапирманг демаганмидим! Зарари тегмайдиган ҳарбир Ҳайвон ўзига нисбатан ҳурмат талаб қилади. Сиз бағритошсиз. Сизга тушган хотиннинг шўри қурсин.

Олэкса яна кулди.

Бундан чиқдики, бекорга овора бўлиб юрган эканмиз-да? Қани, сизлар айтиянгларчи, қизлар, яхши эр қанақа бўлади? Қани, ўз фикрларингни айтиянгларчи.

Олэкса бу саволнинг жавобига хилагина қизиқар эди. У иккала қизга бир-бир назар ташладию, семиз, дилкаш Паня Мелешкога қараганича қолди, гўё кўпроқ унга мурожаат қилгандай эди. Унга дугонаси Галя ҳам мароқ блан тикилиб турар эди. Младший агроном хиёлгина қизарди, жилмайди ва ўнғайсизланиб елкасини учирди.

— Яхши эр қанақа бўлади? Албатта шаҳзода бўлиши шарт эмас... Шаҳзода бўлса вон қарточқаси бермай қўйишади.

У бир паст жим қолди. Унинг ҳамроҳлари сўзни давом этдиришини кутиб тек туришар эди, чунки бунга ҳамма ҳам қизиқиб қолди. Паня эркинроқ давом этди:

— Эр қандоқ бўлиши керак? Албатта ақиллик бўлсин, чиройлик бўлмаса ҳам майли, иш қилиб дурустроқ саводлик... Новча... қисқаси истараси иссиқ бўлсин. Мен у блан театрга ҳам бора-олай, китоб ҳам ўқийолай, бир вақти келиб... бола-чақа кўпайиб кетгандан кейин... уй қйзи қилиб қўймасин...

Паня бу гапларнинг ҳаммасини ҳазил эканлигини кўрсатиш учун яна кулди.

— Бундан чиқдики эрнинг чиройлик бўлиши шарт эмас экан-да?— деди Упеник жиддий тусда.— Қани, Галечка, сиз қандай эрни орзу қиласиз...

Энди иккови Галяга қаради. Галя талай ергача индамасдан лой кечиб кетаберди.

— Менми?— деди ўз кўнглини ўзи билмоқчи бўлгандай.— Мен ҳаммадан бурун эрим кучлик бўлишини хоҳлайман.

Упеник унинг сўзини ма'қуллаб бош иритди. Галя унга кўз қирини ташлаб қўйди:

— Я'ни иродаси кучлик бўлсин дейман, тушундингизми? Бу гапни тушинтиришим ҳам қйин, лекин... Мелитопольда менинг

бир дугонам бор, ўша, эримнинг сочи албатта жингалагу кўзи қора бўлади деб қасам ичкан эди. Мен ҳам, Олэкса, ҳусннинг шайдосиман, хунук эркакка ҳечқачон тегмайман, лекин... бу гапни қандоқ қилиб тушунтиришимни билмаётиман. Эр блан ҳеч қачон зерикмасанг, у сенинг тилинга тушунсаю сен уни хўб иззат қилсанг. Чиройлик бир аҳмоққа тегиб ҳуснни тамошо қилиб ўтирасанми? Эрнинг бошқа томонлари... Амали ва ҳатто ёшининг ҳам аҳамияти йўқ. Умуман ҳамма яхши хотинлар хунук эрга теккан,—дедию тўсатдан сўзини тамом қилди.

Ҳамма беихтиёр кулиб юборди.

— Билдик, билдик! деди Упеник кулиб,—икковларинг ҳам сўфи қизларга ўхшайсизлар. Инқилобдан бурун шунақа қизлар бўлар эди, биласизларми? Тилида худою дилида хуштор... Шошманглар, шошманглар, мен гапимни тамом қилай, ўзларингни оқлаш бўлса милицияда оқларсизлар. Мен сизларни биламан, икковларинг ҳам ўқиган, икковларинг ҳам комсомол. Мен ҳам сизларга ўхшаганман. Лекин мен қиз зотини яхши биламан, буларни кўп кўрганман. Ҳаммаларинг ҳам гўё китобга жуда берилиб кетган бўлиб кўринасизлару битта-яримта қадду-қомати келишган йигит гармонь чалиб кўз қисса китоб ҳам бир ёқда қолиб кетади.

Олэкса қизларнинг ҳамма сўзларига қарши оппоқ ва мустаҳкам тишларини кўрсатиб ғолибона илжайар эди халос.

Олдинда кенг ёйилиб кетган олтинчи пода кўринди. Новвослар аста-секин, ба'зан тепиниб, думларини силкитиб борар эди. Пашша ва сўналар худди ёмғир ювиб ташлагандай йўқолди. Куз куни, жуда тиниқ, катта-катта булут парчалари чиқиб келаётган осмон кўм-кўк. Жуда қаттиқ ёмғир ёққандан кейин ҳаво ҳамиша шундоқ бўлади. Олдинда ва кейинда, узоқда кўшни подалар, фанер блан ёпилган аравалар узоқдан доғдой бўлиб кўринар эди.

Важний Галяни, одатдагича, бардам назар блан қарши олди, тумшугини силкитди, сузмоқчидай бўлди ва унинг қўлидаги кунгабоқарга интилди. Унинг тозаланган тўқ-қизил жуни ярқираб турар эди.

* * *

Ўша куни кечқурин „кўра“нинг орка томонидати қурилган тепаликла гармонь чалинмоқда, ора-сира патефон ҳирилламоқда эди. Бошқа подалардан келган шўх йигитлар ер тепиниб ўйнашар, қизлар елкаларини учуриб, тўр тикилган рўмолчаларини силкитиб муқом қилишар эди, сўнгра бирон қиз блан йигит ғойиб бўлар эдию қоронғи саҳронинг бирон еридан босинқи кулки товуши эшитилар эди. Упеник ҳаммага олма улашди, „казачкага“ ўйинга тушди. Галя Озаренко блан Паня Мелешко қўл ушлашиб тикка туришар эди. Қизлар ўйинга тушмадилар.

Кейин уччаласи баравар кетди. Паня қол-қорайиб турган бутанинг орқасидан қараб:

— Келинглар, ҳечким йўқ,—деди.

Қоп-қоронғи осмонда юлдузлар чақнаб турар эди. Каттакан бутанинг остидан „парр“ этиб қуш учиб кетди. Упеник Галяни қучоқлади, унинг бошини сал орқага эгиб лабини сўриб олди. Галя, қаршилиқ кўрсатмай, қизларга хос соддалиқ блан унга яқинроқ келди. Упеник жуда қаттиқ ва узоқ ўпканидан Галянинг дами қайтиб кетди. Галя дарров кўзини очди, тепасида чанқаб турган кўзни кўрди, чўчиб ўзини орқага олди.

— Мана энди қарзингиздан қутилдингиз,—деди Упеник хирллаб.

Галя ғайритабий кулди-да, нафасини ростлаб сочини тузата бошлади. Шу пайт тўсатдан йўл бўйидаги бутанинг орқасида кимдир йўталди ва қадам товуши эшитилди. Булар буталарнинг ёнидан ўтиб бораётган кимнингдир қора гавдасини кўришди.

— Вой, ана у ким?—деб сўради Галя дугонасидан секин.

— Верёвкин.

— Бизни кўрдими?

— Билмадим.

Қизлар товуш чиқармай кулишди ва югуриб қоронғининг қа'рига кириб кетишди. Упеник этигининг қўнжини тортди ва лапанглаганича дадил қадам ташлаб уларнинг кетидан кетди, колонна бошлиғи блан тўқнашиб қолмаслик учун чап томондан юрди. Верёвкин бошини қуйи солиб, ўтиб кетди. У ҳамма нарсани кўрган эди.

XI

Куз, жануб кузи. Саҳрода ёзда ҳечқачон бўлмайдиган сукунат. На чигирткаларининг чириллаши, на кўр каламушларнинг чийиллаши ва на юмронқозиқнинг ҳуштак чалиши эшитиларди. Тиллоранг қиркинаклар, қалдирғочлар, чуғурчиқлар, тоғ чумчуқлари ҳамма вақт ҳашарот топиладиган юртларга аллақачонлар учиб кетган. Ҳаммаёқ бўм-бўш. Осмон кўм-кўк. Ўт-ўлонлар қоромтил-кулранг тусга кириб ётиб қолган, фақат дарахтзорнинг четидагина ёввойи хренларнинг оппоқ гули ва бир туб кўк сачратқи кўринар эди. Соф ҳавода мизон учиб юрар, сарғимтил-қизғич булутлар, бурганларда ўргамчи уялар пайдо бўлиб, куз кирганлигидан дарак берар эди. Муздаккина шаббода эсмоқда-

Йўлдан, узоқдан кўтарилган икки қуюн ҳорғин куз қуёшининг юзини қоплаб, худди девдай, саҳро бўйлаб кетди, унинг бағрида тўлаган қушларнинг парлари, қуруқ ўт-ўланларнинг барглари учар эди.

... Подалар Волновахага қараб кетмоқда эди.. Верёвкин отда тебраниб борар экан, Галя буткул қўлидан кетганлиги тўғрисида ўйлар эди. (Ветфельдшер Галя ҳозир колоннада йўқ эди. Уни Кулибаба йўл бўйидаги бир районга заопатечка учун асбоб-ускуна келтиргани юборган эди. У блан бирга Упеник табор учун нов ва озиқ-овқат келтиргани кетган эди.) Верёвкин қайта қайта ўзига Галя нима учун менинг милтиқ ва қопимни олди, уни олганда нима деб ўйлади экан деб савол берар эди. У ўзининг биринчи муҳаббатини, уйланганини эслаб ҳозир бурунги, бундан

етти йил илгариги Верёвкин эмаслигига иқрор бўлар эди. У ҳозир ўзини яхши тутаолади ва ўз ҳисларини яшириш қўлидан келяди. Ҳозирги ёшида бирон қизга, хусусан уни очикдан-очик ёмон кўрадиган қизга, ошкоро хушомад қилиш кулгули туйилар эди. У ўзининг бу муҳаббатини ўринсиз ҳисоблар, уни яширар, лекин, агар Галя бу муҳаббатга илтифот қилса балки биринчи хотинининг ўша вақтдаги илтифотларидан ҳам яхшироқ бўлишга кўзи етар эди. Нима учун шунақа? У вақтда ёшроқ, худбинроқ бўлгани ва ўзига кўпроқ ишангани учунми? Ёки одам муҳаббатининг қадрига ёши ўтиброқ қолганда етадими. Табиатнинг буюк туҳфаси булмиш умрининг ҳам қадрига қанчалик ёши бир жойга бориб қолганда етадику.

Орқадан отнинг туёқ товуши эшитилди. Верёвкин қайрилиб қаради. Чавкар бия бошлиқ ўн бешга яқин той йилқилардан айрилиб, кишинашиб, ўйноқлашиб, хуторга томон борар эди. Икки йилқичи ва от чоптиришга суяги йўқ Омелько Лобань буларнинг кетидан от қўйишди. Таборнинг ҳамisha бир хилда ўтадиган кундалик ҳаётида бу бир эрмак эди. Мана йилқичлар (бу ердан улар кичкинагина бўлиб кўринишар эди) катта йўлдан тўрт километр варидаги фарамлар ёнида отларнинг олдини тўсиб чиқиб орқага ҳайдашди. Булутнинг остида худди игначидай бир нарса чиқдию тобора катта бўлиб, борган сайин қаттиғроқ тувуллаб келaboшлади. Бу аэроплан эканлигини херсончилар баралла кўришди.

Йилқичилар бирдан, тойларни қўйиб, отларининг ёлига қолишиб орқага қайтганликлари кўриниб турар эди. Аэроплан жуда пасайди, ер бағирлаб учди, херсончиларнинг қулоғига пулемётнинг тариллаган товуши эшитилди.

- Хотинлар жон халфида:
— Немис деб қичқиришди.
— Вой, шўримиз қурсин!
— Тамом бўлдики!

Колоннада саросималик бошланди. Бу херсончиларга жуда яқиндан кўринган биринчи немис аэроплани эди. Сигир соғучи хотинлар уёқ-буёққа югуришар, болалар йиғлар, подачилар худди аэропландан қочмоқчи бўлгандай, негадир зур бериб молларни уриб ҳайдар эди. Аравалар тарақлай бошлади. Овчарка итлар улир эди. Сигирлар эса тамоман бошқача, худди товуши қорнидан чиққандай, ма'рар эди. Хўкизлар, кўзлари қонга тўлиб, бўйинларини бўйинтурқдан бўшатилга уринишар эди. Одамларнинг ҳаяжонга тушиви ҳайвонларга жуда тез та'сир қилади. Ба'зи хотинлар араваларнинг тагига кириб кетишди, буларнинг биттасини арава босиб кетаёзди.

— Тўхта ҳамманг, қанотсиз товуқлар, — деб қичқирди Маруда сигир соғучи хотинларга. У шу қадар қизариб кетдики, юзидаги сепкили кўринмай қолди. — Мунча ваҳима қиласизлар? Қани, смирно! Немис битта-ку ахир. Бомбаси ҳам йўққа ухшайди, бўлса аллақачон ташлар эди. Разведкачи аэропландир...

Верёвкин каттакан ахта отини ўйнатиб кимгадир қамчи блан таҳдид қилиб:

— Тўпланманглар, тарқалинглар, пулемётга тутади,— деб қичқирди.

Немис аэроплани бояги ўнбешга яқин от блан икки йилқичини қўйиб учинчисининг орқасидан қувлаётганини Верёвкин кўриб турар эди. Лекин у йигит қўрқоқ йигитлардан эмас эди. У гоҳ отини ўйнатар, гоҳ югуриб кетаётиб тўхтатар, отининг бошини гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга бурар, қора қузгун қанотини унга текизай-текизай деб ўтаркан, пулемётдан ўқ ёғдирар, лекин ўқлар йигитга тегмас эди.

Колоннада кўтарилган ваҳимали тўполанни тўхтатишда эҳтимол шу ёрдам бергандир. Немис учучиси уларни худди пайқаманганди гумон қилиб одамлар ҳалиги йигитга қарашди. Ҳар тарафдан:

— Ким у, Бу ким бўлса экан?— деган товушлар эшитилди.

У йигит ҳамон гарамлар атрофида айланар, худди жўрттага бутун балога ўзи даф' бўлишни истагандай подаларга яқинлашмас эди. Лекин бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас эди. „Мессершмит“ бир буралиб осмонга кўтарилдию бирдан шунғиди. Бутун колонналарда „оҳ“ деган қайғили нидо эшитилди. Ҳалиги йигит от-поти блан йиқилиб ўт-ўдонлар устига чўзилди. Қора аэроплан одам ва отнинг ўлиги устида тантана блан бир думбалоқ ошдию баланд кўтарилиб кўздан ғойиб бўлди.

Аввал колоннада ҳечким қимир этмади. Урта ёшлардаги сизир соғучи бир хотин аччиқ йиғи бошлагандан сўнг ҳар томондан ҳалиги ҳалок бўлган йигитнинг устига одам йиғилди.

— Эҳтимол тирикдир?

— Бечорани кўмиш керак!

Ҳар томондан одамлар жонлари борича югуришиб келмоқда эди. Бирдан ҳамма орқага қайтди: „Ҳалок бўлган“ от тўсатдан олдинги оёқларини тираб ўрнидан турдию устидаги йигит блан кўрага томон чолиб кетди.

Бу йигит Омелько Лобань эди.

Уни бир қаҳрамондай қарши олишди, атрофини ўрашди, табриклашди. Омелько табриклар узатилган қўлларни отда туриб сиқар эди. Унинг озғин юзи бироз оқаришган, лаблари ҳаяжонданми, табассумданми лирпираб учар эди. Унинг паканалигини, оёғи маймоқлигини ҳамма унитди. Отнинг устида у афсонавий бир баҳодирдай кўринар эди.

— Биз ҳалок бўлдинг леб ўйлаган эдик.

— Ҳеч еринг лат емадимми?

— Қойил қилдинг!

Омелько ҳамон илжайар эди.

— Хўп қўрққандирсан?

— Қорни блан пиймалаб ташлаёзди-я...

Омелько албатта қўрқдим, лекин ҳечқиси йўқ дегандай елкасини учирди.

Немисни хўп лақиллатдинг. Роса терлатдинг! Оббо, Омелей! Қойил! Бу калбасахўр сени деб бутун бир лента ўқни сарф қил-

ган бўлса керак-ку, сени бир тола тукунгга ҳам зиён еткизаолмади. Нега йиқилдинг? От қоқиниб кетдимиз?

Шунда Омелько Лобань биринчи мартаба сўзга оғиз очди:

— Йўқ, отим қоқингани йўқ, немисни алдадим-да. Қарасам мени нишонга олиб тамом қиладиган, отимга ҳуштак чалиб дарров ётқиздим. Мен уни запарожьчасига жуда ўргатганман. Менинг ота-боболарим Сечда ўтишган... У ерда бутун халқ шунақа.

Ҳамма кулиб юборди.

— Қўлимда милтиқ йўқ эди-да,—деди Лобань кўзларини ўйнатиб,—милтиқ бўлганда аэроплани блан ағдариб ташлар эдим.

Унинг сўзига ҳамма ишонди, чунки осоавиахимянинг районда ўтказган мусобақасида Лобань ўқ отиш ва қиличбозликда биринчиликни олган эди.

Ҳарқолда Лобаньнинг немис аэроплани ҳужуми остида қолиши бошқаларнинг руҳини анча туширди.

XII

Кейинги кунларда ташвиш-тахлика яна ортди. Немис танк армияси фронтни яна ёриб ўтканлиги, тез сур'ат блан шу томонга қараб келаётганлиги, „Юнкерс“лар жуда қаттиқ бомбардирмон қилаётганлиги ҳақида хабарларни одамлар бир-бирларига шивирлашиб айтишар эди. Колонна темир йўлдан ўтганда вокзалнинг харобасини, тор-мор бўлган омборларни, темир йўлларда эса фронтга кетаётган қўшинларни, танкларни, тўпу-тўпхоналарни кўришди.

Кечқурун бир қўрғонча, кичкина ғишт заводиянинг трубаси, узоқда кўм-кўк бўлиб турган чоғроқ бир ўрмон кўрвнди. Тўсатдан шу ўрмон томонидан милтиқ товуши ва автоматларнинг тариллаши эшитилди. Колонна тўхтади. У ерда нима ҳодиса рўй бераётганлигини ҳечким билмас эди. Кимсасиз саҳро ботиб бораётган қуёшнинг нуридан қизғич тус олган, турли ўт-ўланлар оқаришиб турар, узоқда қирғоғини қамиш босган кўл каттакан ҳўкизнинг кўзига ўхшаб кўринар эди.

Верёвкин бригадирларни, партия а'золарини йиғиб олға юриш керакми йўқми—шу тўғрида йўл-йўлакай қисқагина кенгаш утказди. Ким билади, немислар эҳтимол у қўрғончага десант тушургандир? Шу кўлдан берироқда тўхташ ва қўрғончага разведка юборишга қарор қилинди.

— Қўрғонча дарҳақиқат немислар қўлида бўлса-чи?—деди Верёвкин ва бригадирларга разм солди.

Гаркуша амал жиҳатидан каттароқ бўлгани учун ҳаммадан бурун жавоб берди:

— Нима қилар эдик, Осип Егорич, икки сўз бўлиши мумкинми!

-- Тирик туриб ўшанинг қўлига тушармидик!—деди Маруда унинг фикрини қувватлаб,—мен мана шу қўлларим блан биттасини бўлса ҳам ҳарқалай бўғиб ўлдираман. Бутун совхоз жон куйдириб шунча молни ундирди, ўсдирди, шунча жойгача ҳайдаб келдик, энди немисни қўлига қоладиган бўлса менинг ўлганим...

— Аҳл пода бўридан қўрқмайди,— деди Верёвкин ва ҳурпайган қошининг остидаги кўзлари чақнаб кетди.— Бундан ташқари жуда ҳам яроқ-аслаҳасиз эмасмиз: таборимизда еттига ов милтиқ бор... Анчагина болта ҳам топилади. Албатта, немиснинг отряди каттароқ бўлса бизни мажақлаб ташлайди, агар бир тўда парашютчилардан иборат бўлса бир эвини қилиб қутиламиз. Эҳтимол, баъзи бирларини асфаласофилинга ҳам юборамиз. Қисқаси Илья Хомич, орқадаги подаларни илгарироқ сур, араваларни атрофга тер, болаларни, хотин халачларни ўртага ол. Ишчиларга милтиқ бериб, соқчи қилиб қўй.

Верёвкин Гаркуша блан бригадирларга жавоб бердию олдинги лагеръни бир айланиб кўришга қарор берди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, кечга томон совуқ тушган эди. Осмонда юлдуз оз, лекин борлари ёз кечаларидагидан ҳам ёрۇғроқ кўринар эди. Верёвкин ҳамон қизариб турган уфуқдан ёруқ Вега юлдузини дарров топию унга узоқ тикилиб қолди.

Қоронғида кўзга кўринмаган ўша ўрмон томонидан яна милтиқ товуши эшитилди. Осип Егорич бош чайқаб „жанг бўлаётганга ўхшайдику“ деди-да отиня оёғи блан нихтади. Рўпарада нимадир қоройиб кўринди. Бу отлик пистирма эди. Хотин кишининг босинқи, секин ҳовлиққан товуши эшитилди.

— Эшитаётипсизми? Аэроплан учаётипти!

Бу Галя Озаренко эди. У қоронғида келаётган отлик ким эканлигини билмади шекиллик, Верёвкин унинг қўлида ўн олтинчи ов милтиғини кўрди; тўхтаб тиеглади.

— Ҳа аэроплан учаётипти. Бизникимикин, ё немисникими?

Аэропланинг гувуллаган товуши борган сари яқинлашмоқда, худди нах тепага келиб қолгандай туйилар эди. Аэроплан узоқлаша бошлади. Тўсатдан қоп-қоронғи бирин-кетин иккита оқишроқ-олтинранг шар пайдо бўлди. Узоқдан бу шарлар қимирламай турганга ўхшар эди.

— Ракета ташлаётипти... Немис...

Аэропланлар жим бўлди, бироздан кейин узоқдан портлаш товуши эшитилабошлади: „Юнкерс“лар бомбардимон қилмоқда эди. Шундан сўнг бирдан ваҳимали жимлик чўкди. Осмонда яшил из қолдириб юлдузлар учар эди.

Галя Озаренко худди бирдан ҳушига келгандай:

— Мен болалик чоғимда,— деди,— биз Мелитопольга яқин бир хуторда бобомнинг уйида турар эдик. Бир кунни бобом осмонни кўрсатиб „Ҳу ана у юлдузни кўрдингми? Бу бошқа ҳамма юлдузлардан ёруқроқ бўлиб, буғдой пишган вақтда чиқади“ деган эди. Мен етти йиллик мактабни битирганимдан сўнг бу юлдузнинг номини билдим — Сириус экан. Ундан кейин бобом менга „Торозу“ни кўрсатиб мана шу юлдузлар дун'ё блан барабар бино бўлган, қолганлари эса муваққат бўлиб, одам туғулса пайдо бўладию ўлса йўқолади“ дер эди. Мен узоқ вақт бу астрономияга ишониб юрган эдим.

У товушини чиқармай кулди.

„Нима учун бу мунча тилга кириб қолди“ деб ўйлади Верёвкин. Галянинг юзи унга кўринмас эди.

Қамишзорнинг эрқасидан каттакон ой чиқди. У кечагига қараганда шарқроқдан чиқди, ёруғи камроқ эди. Бутун кўлнинг юзи учқун сочаётгандай бўлиб кўринди.

— Бу милтиқни қаердан топдингиз, ўртоқ Озаренко? — деб сўради Верёвкин.

— Буними? Упеникники. Уни қоровулликка тайинлашган экан, бир соатгина ўрнингда мен турай дедим. Бир пас ухлаб олсин, ҳалигина нон олиб келди, — Галянинг овозида тўсатдан гурур оҳанги пайда бўлди. — Ҳа, нега сўрадингиз? Қизбола милтиқ оталмайди деб ўйладингизми? Техникумимиздаги хотинлар командасида тўртинчи ўринни олганман.

Верёвкин беихтиёр илжайди. Галя ҳам, бу айтган гапи бачкана бўлиб чиққанини сезиб, бироз қизарди-да:

— Мен... Мен қочмайман, то битта ўқим қолгунча отишаман, — деди.

— Битта ўқни қолдириб нима қиласиз?

Галя бироздан кейин жавоб берди:

— Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда ҳам охириги битта ўқни ўзингизга отар эдингиз. Сиз ҳам немисга асир тушишни хоҳламасангиз керак? — деди ва секин илова қилди: — мен аёл кишиман...

Бу гап бирдан очилдию Верёвкин яна ҳайрон қолди. У блан Галя Озаренко баҳузур гаплашиб ўтирса-я! Бундан чиқдики хавф хатар одамни бир-бирига яқинлаштириб қўяр экан, йўқса Галя унга шу қадар илтифот қилармиди! Верёвкин илжайди ва кўрроқ бир тарзда жавоб берди:

— Сиз мени жуда идеаллаштираётисиз, ўртоқ Озаренко, мен ана унақа... романларнинг қаҳрамонларидан эмасман. Албатта, жоним борича олишаман, лекин ноилож қолганимдан кейин таслим бўламан-да.

— Таслим бўламан?

Галя ўзини нарироқ тортгандай бўлди.

— Нима қилай бўлмаса? — деди Верёвкин негадир яна ҳам гаши келиб. — Аввало олтигагина Тўнгуз ўқи бор халос. Шунинг ҳам биттасини ўзимга сарф қилиб нима қиламан? Иккинчидан, аҳборингиз учун, ҳаётни бениҳоят севаман, ҳаёт деганда вужудим блан ёпишиб оламан. Мен жўн бир одамман, ишим мол боқиш, ана унақа... юксак ҳиссиётларга тушунавермайман.

У отининг жиловини силкиб жўнаб қолди.

Тун жуда салқин, қоронғи, куз тунларидан; қишлагани уйқуга кирган чигирткалар чирилламас эди. Лекин Верёвкин кеча офтоб айни қизитган вақтда сариқ капалакка кўзи тушган эди. У кўл бўйига чиқди, от қамишлар орасидан ўтиб кўлга тўшти да, сув ича бошлади. Унинг тумшуги ёнида ойнинг акси липиллаб турар, худди соф олтидан ясалган гардишдек бўлиб, тўлқин уни сув остидан юқорига итараётгандай туйилар эди.

Верёвкин шилдираган ва шилиллаган бир товушни эшитди. У диққат блан қаради. Нима бўлса экан? Биров секин келаёт-

кани йўқмикин? Немис парашютчиси бўлса-чи? Яна ўша товуш эшитилди. Шубҳасиз бу ерда биров бор. Верёвкин отдан муздак сувга тушдию, отининг жировини ташлаб, милтигини маҳкам ушлаганича, кўлни бўйлаб кетди. Унинг юраги дуқиллаб урар эди.

Ой юқорироқ кўтарилди, алангадай сариқ тусга кирди ва кўзга кичикроқ кўрина бошлади. Унинг атрофи салгина ёришди, лекин қамиш ва қиёқлар бурунгидай қоп-қора доғдай бўлиб турар эди. Сув гоҳ йилтирар ва гоҳ қораяр, худди мавж ураётканга ўхшар эди. Шу ерда Верёвкин сув остидан чиқиб қолган узунча қумлоқни кўрди ва бу қумлоқ унинг назарига худди юраётгандай кўринди. Верёвкин қумлоққа оёқ қўйди. Бирдан қий-чув кўтарилди. Верёвкин чўчиб милтигини ўнглади. Бир гал ёввойи ўрдак, ғоз ғақ-ғақлаганича қамишлар орасидан чиқиб ўзини сувга урди. Верёвкин, кайфи учканидан, сўкиниб қўйди. Нарироқда бирнеча узун соя кўринди: лайлак ва турналар бўлса керак. Кўлнинг ўртасида оқаришиб турган нарса оққуш эмасмикин? Бутун кўлни парранда босиб кетган эди. Қушлар бир жойдан бир жойга учкан вақтда ота-боболари тушкан, овқат, сув мўлроқ ва беркиниши учун буталар кўпроқ жойга тушишини Верёвкин билар эди.

Верёвкин отининг олдига қайтиб келди, ўз ҳолига ўзи кулиб яна таборни айланиб чиққани отланди.

XIII

Аравалар доира шаклида тизилиб, шотилари ташқарига қаратилиб қўйилган, булар узун бўйинларини чўзиб тун сукунатига қўлоқ солиб тургандай туйилар эди. Жуфт-жуфт қилиб боғланган ҳўкузлар пишиллар, эгарланган отлар пишқирар, теваарак-атрофдан одамларнинг яроқ-аслаҳасиз Марудалар, Риндя боболар, Параскахолалар немис автоматчилари десантини нима қилиша олади? Ахир немислар булар блан бирга бизни ва болаларни ҳам чумчуқдай қириб ташлайди-ку. Верёвкиннинг Кутузов бўлиши жуда ажойиб!

Верёвкин усти ёпиқ аравага етиб олди, унинг кетидан ҳам одамларнинг гап-сўзи эшитилар эди.

— ... Бунинг ҳаммаси, албатта, жуда яхши, ҳатто қаҳрамонлик деса ҳам бўлади, — дер эди Марина Георгиевна баланд овоз блан, — лекин бизни яроқ-аслаҳасиз Марудалар, Риндя боболар, Параскахолалар немис автоматчилари десантини нима қилиша олади? Ахир немислар булар блан бирга бизни ва болаларни ҳам чумчуқдай қириб ташлайди-ку. Верёвкиннинг Кутузов бўлиши жуда ажойиб!

— Албатта, — деди Кулибаба ўйчан.

Осип Егорич отининг бошини тортди ва юраги гуп-гуп уриб сўзга қўлоқ солди.

— Биласанми, — деб давом этди Марина Георгиевна — Галя ҳам биз ўйлаганча ўқимишли қиз эмас экан, унинг тўғри сўз, тирикроқ қиз эканлигига сўз йўқ. Лекин... ҳали сен айткандай,

бутун ёшларнинг суяк-суягига сингиб кетган ўша „мардоналик“ кайфияти бунда ҳам оз эмас. Масалан Галя мана шу кўч-кўч-и ҳам оддий бир қийинчилик дейди. Биласанми ҳозир у қаерда? Упеникнинг милтиғини олиб постга кетди... Хотин саллот бўлиб кўлидан нима келар экан! Биз тинч аҳоли, йўлимиз кесилган бўлса... Шу ҳам гап бўлдики! Ўққа ўзимизни тутиб берайликми? Ростини айтсам, Апоша, немисларнинг вахшийлигига унча ишонавермайман: газеталар ҳамма вақт муболаға қилади.

Кулибаба бироз жим қолди.

— Хуб, — деди у, — Горик ухладими? Нарсаларга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак: одамлар ваҳимага тушиб тўпалон бўлиши мумкин. Сен ёт, Мара, мен қараб тураман.

Верёвкин ўзи тўғрисида яна нималар дейишларини эшитмасдан отининг жиловини силтади ва иккинчи араванинг орқасига ўтиб кетди.

Ҳамма ерда қоровуллар уни кўрганда товуш чиқаришар эди. Бир ердаги қоровул одатдагича пароль сўраш ўрнига:

— Сиз... сиз? — деди.

Верёвкин қарасаки яна Галя Озаренконинг олдига келиб қолипти (шундақ бўлишини балки ўзи хоҳлагандир). Галя, худди у отни ўтиб кетишидан қўрққандай, шошиб;

— Менга қаранг, бояги гапни жиддий айтдингизми? — деди.

— Қанақа гап?— деди Верёвкин отининг бошини тортиб.

— Бояги... Таслим бўламан дедингиз...

Ой оқаришди ва шу қадар ёғду сочар эдики, соялар қарайиб кетди. Галянинг юзи хаёлий бир туска кирди, кўз атрофи қоройди, тўр кўйлак устидан кийган нимчаси оти блан ҳамранг бўлиб кетди, жилов ушлаб турган қўли эса ўз қўлига ўхшамас эди.

— Ҳа, ҳалиги гапни айтаётибсизми, мен анчага бориб қолганман, шунинг учун ҳам масалага ҳар қайсимиз ўз нуқтаи назаримиздан қараймиз. Сизнинг учун қаҳрамонлик гўзал бир иш, менинг учун эса — бардош. Япон самурайлари ўзларини характери қилсин. Улар ўзларини Бусидонинг бандаси ҳисоблайдилар. Мен эса деҳқоннинг набирасию боласиман. Менинг учун ҳар қанақа ўз-ўзини ўлдириш биринчи навбатта қўрқоқликдир. Агар сен ҳақ йўлдан бораётканлигингга ишонсанг курашнинг ҳарқандоқ оғир шароитидан ҳам қўрқма. Ўлишга келганда... Душман ҳам ёрдам бериши мумкин.

— Ғалаба қозонишимизга қаттиқ ишонасизми?

Верёвкин яна ҳам қаттиқроқ кулди.

— Агар ғалаба қозонишимизга кўзим етмаса ўзимни отар эдим. Умиди бўлмаган одам ўлик деган сўз. Халқ курашга қандоқ тайёрланаётганини кўрмаётисизми? Бошқа қандай мамлакатда ишни мана шу хилда яна шундай зўр миқ'ёсда ташкил қилиш мумкин? Саноат асбоб-ускуналари, институтлар, қишлоқ хўжалиги, ҳамма нарса мамлакатнинг ичкарасига олиб кетилмоқда. Бизга қайси йўлдан юриб қаерга бориш аниқ кўрсатиб берилган; йўлда озиқ-овқат, дору-дармон ҳамма нарсани оламиз. Совхозчиларимиз ўзларини қандай тутишларига зеҳн солинг. Бундай

одамларнинг руҳи асло тушмайди. Одамнинг руҳи тушмадими, ҳечқачон енгилмайди.

Галя унинг сўзларига анграйиб қулоқ солар эди. Броқ Галя-ни унинг сўзларидан кўра кўпроқ ўзи ҳайратга солгандай кўри-нар эди. Верёвкин, тўсатдан нимадир эсига тушиб, бироз қоши-ни чимирдию одатдаги йўсинда:

— Боринг, дам олинг, ана смена ҳам¹ келаёттипти,—деди.

Кетишда аввал Галя қўл берди. Верёвкин танишганидан қуён шу блан иккинчи мартаба унинг қўлини сиқдию таборга қараб кетди. Ҳадемай тонг ёришуви керак: кўлдан ўрдак ва ғозлар-нинг товуши эшитилаётти. Булар қоринларини тўйғузиб яна жанубга томон учишади. „Бундан чиқдики тинчлик экан, хавф-хатардан ўтибмиз“.

Верёвкин олдинги подада разведкадан қайтиб келган развед-качиларни кўрди. Омелько Лобань кўрғонча ва ғишт заводида тинчлик, тахминан уч километр наридаги ўрмонга яқин пасқам-ликка немис аэроплани қўпоручилар группасини ташлабди деди. Маҳаллий милиция ва халқ лашкарлари уларни ўраб олган, немис-лардан биронтаси ҳам қочиб қутулолмаган бўлса керак. Херсон-чилар мана шу отишма товушини эшитган эдилар.

XIV

Запорожье области аллақачонлар орқада қолиб кетди. Дон-нинг бепоён тошлоқ, пасту-баланд саҳроси бошланди. Тепалик-ларда ғуч-ғуч бўлиб уйчалар кўринарди, дам олгани тўхталиши бланоқ оч ва дармони қуриган чорваларни сийраккина ўтлоққа қўйиб юборилди. Верёвкин ўз қопини устида ўтириб йиртилган, тешилган этигини телефон сими блан ямаоқда эди. Унинг ол-дига Омелько Лобань кўзига оқ тушган ва жуда чарчаб қолган от минган разведкачи блан қовоғи солиқ Гаркуша келди.

— Ёмоқчилик қилаёттисизми — деди Гаркуша.

У отдан тушди, Верёвкиннинг ёнига қуруқ ўт устига ўтириб тишини кавлай бошлади.

Верёвкин бошини кўтариб:

— Нима бўлди? — деди.

— Хунук хабарлар, Осип Егорович, йўлда оқсил касали ало-матлари бор ёмиш.

Верёвкиннинг қўлидаги этик ямалмай қолди. У дарров ўрни-дан турди.

— Қаёқдан эшитдингиз бу хабарни? Касал бўлган молларни ўзингиз кўрдингизми?

Иккала разведкачи ҳам отдан тушди. Афту ангория узгариб ўз-ўзига ўхшамай қолган маймоқ оёқ Омелько Лобань:

— Ҳа, кўрдим ҳам, — деди. — Биз Хведько блан бу ердан тахминан тўққиз километрча наридан Линьки деган қишлоққа ўтлоқ охтариб борган эдик, жуда яхши ўтлоқ жойлар бор экан, лекин мол боқиб юрган бир колхозчи „Ҳа, сизлар ҳам чириган молларингни ташлаб кетмоқчимисизлар? Ҳозиргина сизлардан

олдин уч сигирни акт қилиб ташлаб кетишди“ деди. Биздан олдин „Маяк“ кетаяпти. Биз дарров „Касал бўптими, нима бало?“ десак у „Ким билади, балки оқсил бўлгандир, алоҳида жойда сақлаб турибмиз“, деди.

Верёвкин, ўти ёрилиб, ўйлаб қолдию кейин тезда ҳайвонот доктори блан яқиндаги бригадаларни чақиритишни буюрди. Кулибаба келди, у одатдагича уст-бошига зеб берган, ҳатто этигини ҳам тозалаб, пардозлаган эди. Йўлда офтобдан қорайган, сариқ соқол мўйлави ўсиб кетган, ҳаммадан ҳам кўра дўнг пешонаси кўзга ташланиб турар, ўзи соғломлашиб кетган ва улуғвор кўринар эди.

— Ҳозир нима ҳам қилиш мумкин? — деди у, — оқсилнинг инкубация¹ даври олти кунга чўзилади. Бу вақт орасида унинг оқсил эканлигини айтиш мумкин эмас. Эҳтиёт бўлиш керак, чорволарни тозалаш зарур, бошқа подалар турган ўтлоқда тўхтамаслик керак. Молларни офтоб тушиб турадиган ариқлардан суғориш керак, офтоб тушиб турган ариқда микроб камроқ бўлади. Албатта, йўлимизни ўзгартирсак яхшироқ бўларди, лекин мумкин эмас чоғи? Осип Егорич ҳам хафа бўлар: совхозда айтканидек, доктор яна йўл тўғрисида гапираётими дер...

У Верёвкинга қаради. Верёвкиннинг ўрнига Маруда жавоб берди:

— Бошқа йўлдан юрсак қайтаришади, яна штраф ҳам қилишади. Ҳадемай Довбасдан чиқамиз, бошқа областга кирар чоғимизда одатдагича веткомиссия бутун чорвони кўздан кечиради. Фақат бизнинг колоннагина эмас, ҳамма колонналар ҳам тайинлаган жойга бориши керак.

Кулибаба чинчилоғи блан қошини қашлади, плащчининг енгинидаги чангни қоқди ва ўйчан сўз бошлади:

— Оқсил бўлмаса бошқа бир касал, ишқилиб бир офат бўлиши мўқаррар эди. Бир пунктдан юзмингларча чорво олиб ўгиладиган шароитида зоогиенага роя қилиш деярлик мумкин эмас. Бу тўғрида кўчиш олдида директор Козуб блан Осип Егорични огоҳлантирган эдим.

Верёвкинга истеҳзоли назар ташлади, — лекин у вақтда мени сал бўлмаса ваҳимагача чиқаришаёзди. Мана энди чорволар жуда ҳам... оғир аҳволга тушиб қолди.

— Сиз тўғри айтган экансиз, Аполлинарий Константинович, — деди Верёвкин қовоғини солиб, — лекин бизни уруш шундай шароитга солиб қўйди. Бир вақти келиб бунинг учун немисдан ўч олаемиз, лекин ҳозирча қўлимиздан нима келса шуни қилишимиз керак. Ҳукумат кўрсатган йўлни қўйиб бошқа йўлдан юришликка ҳақимиз йўқ, лекин қатта йўл блан ҳам бормаймиз, поселкаларга бурилақолайлик. Йўлимиз айланиш булса ҳам беҳавфухатар бўлади.

Подалар йўлда давом этди.

Қатта йўл блан юрмасликка нақадар ҳаракат қилинса ҳам ба'зан иложи бўлмас эди. Верёвкин областнинг харитасини олдига

¹ Касалликнинг юққанидан юзага чиқишгача ўтадиган давр.

ёйиб белгилар қўяди, мана шу қишлоқлардан утиш керак дейдию лекин ўша йўл ё бомбардимон қилинади ёки мудофаа линияси қурилаётган бўлади. Бундай ҳолларда тамоман бошқа йўл блан юришга тўғри келади. Бу хилда йўл юриш подаларнинг дармонини қуритди. Катта йўл дарҳақиқат чорво учун хатарлик эди. „Червоный херсонец“ разведкаси „Маяк“ аниқ оқсил блан оғриганлиги учун ўнсаккиз ҳайвонни қўрғончада қолдириб кетканлиги тўғрисида хабар берди. Мана шу кундан бошлаб херсончилар олдинда бораётган совхоз фалон жойда ўттиз бош, фалон жойда қирқ бош чорвани ташлаб кетипди, деган хабарларни эшитаберди. Унинг подалари тутдай тўкилмоқда эди.

XV

Мадори қуриган, чарчаган подалар секин-секин бормоқда. Верёвкин озди, кўзлари ичига ботди, соқоллари ўсиб кетди. Кундуз кунлари дам олгани тўхталган вақтда у, одатдагича, чорволарни текшириб чиқар эди. Сигирлар уни беажол ма'раб қарши олишар, бузоқлар калишга ўхшаган тумшуқларини унга чўзишар эди. Йўл бўйидаги қўралар олдида Верёвкин қўшотлиқ фургонни учратди: Олэкса Упеник шу атрофдаги қишлоқдан нон ва бошқа озиқ-овқат келтирган эди. Араванинг олдинги ғилдираклари ёнида Галя Озаренко хушнуд ва ниманидир кутган бир алпозда турар эди. У саман биясининг жиловидан тутиб турар эди. Фургонни, одатдагича, сигир соғучилар ўраб олишган, уни тимискилашар ва кулиб:

- Нималар олиб келдинг, Олэкса?
- Бизга конфет беришмадимми?
- Яхши йигитларданчи? — деб сўрашар эди.

Упеник энгашиб, худди бир нарсани сир туткандай, араванинг ичидан нимадир қидирар эди. Унинг сариқ сочлари жуда чиройлик қилиниб қирқилган, янгигина қирилган чеккалари оппоқ бўлиб, офтобда қорайган икки юзи ва пешонасидан ажралиб турар, бу унинг очиқ, силлиқ юзини мағрур ва ёш кўрсатар эди. Унинг зғида ёқасига „молная“ — тугма тақилган чарм нимча, кенг шимининг почасини этигининг устига тушириб қўйган. У Галяга ўгирилиб, устига зарҳал блан ёзилган бешбурчаклик бир қутичани узатди. Қизнинг кўзлари ёниб кетди. Галя қутини очди. Уни ўраб олган сигир соғучи хотинлар кулиб юборишди. Бу қутига чиройлик шишалик атр, жуда ҳам ажойиб упадон ва ироқи совун жойланган эди.

— Ёқадими? — деди Упеник.

У қўлини орқасига қилиб, кулимсираб турар эди.

Галя унга хурсанд бир назар ташлади, пешонасига тушиб турган сочини юқорига сурди-да яна қутининг уёқ-буёғида қарай бошлалаи.

- Ёқса олақолинг, — деди Упеник.
- Менми? Менда ҳозир шувча пул қаёқда.

— Пулнинг кераги йўқ, сизга совға, Старо-Бешева бозоридан атайин сотиб олдим, бир хотин кўтариб юрган экан, Киев ёки Одессадан кўчиб келган бўлса керак.

Галя қизариб кетди.

— Совға қариндош-уруққа... қаллиққа қилинади. Қуллуқ! Манг!

Галя унга қутини узатди.

Упеник ҳамон қўлини орқасига қилиб кулимсирар экан:

— Эҳтимол сизни қаллиқ қилмоқчидирман. Киши совгани кўнгли тортканга беради деган гапни эшитганингиз йўқми? Берган ўпичларингиз мевга жуда ёқди: жуда ҳам ширин. Яна ўпсам эди.

Сигир соғучи хотинлар қиқирлаб кулишди. Галя қип-қизариб кетди, фақат ўзини босаолгани учунгина бир қадар оғирлик блан жавоб берди:

— Аввало ўпичлар эмас, ўпич. Бир марта ўпич бердим. Сиз ҳисобви яхши билмас экансиз... У савдо ишида ҳисоб шунақа бўладими? Уша ўпич ҳам пойгада ютқузганим учун эди. Иккинчидан бунинг устида Паня Мелешко бор эди, у гувоҳ. Бундан кейин гапирадиган бўлсангиз ўйлаброқ гапиринг.

Упеникнинг юзида ташвиш аломати пайдо бўлди. У қизга тикилиб қаради.

— Кечирасиз, бир сўм ошиқ кетипди, қайтиб бераман. Сизнинг гапингиз тўғри, гаров боғлашганимиз учун ўпдим. Энди ҳисоб тўғри бўлдими? Ора очиқ.

Галя беихтвёр кулиб юборди ва қутини яна унга узатди. Лекин Олэкса олмайман, кейин ҳисоблашамиз деб орқага чекинди. Верёвкин поданинг ичидан тез-тез чиқабошлади. Унинг ёдига таборда тарқалган миш-миш — Упеник колоннанинг та'миноти орқасида дун'ё ортираяпти деган гап тушди. Зоотехник ғижинди. Кўзинг блан кўриб, қўлинг блан тутмагунингча ўғри деб бўлмайди.

ЗУМРАД ва КИБРИЁ таржимаси

(Охири бор)

Ўшбу бино ҳали бақувват,
Исча йилга ҳали ярағай.
Энди бундан чиққан фармонла
Кесилади минглаб қарағай.
Қад кўтарар вайрона шаҳар,
Барпо булар не-не иншоот.
Ўзгаради буюк ўлканинг
Қиёфаси, ҳаёти албат.
Ба'зан ҳатто ўзи портлатган
Кўпрук учун йўллар эшелон,
(Қурбон булган ёри-дўстлари
Кўз олдига келади шу он).
Дейди шунда: — тиклашга қодир
Бузмоқ учун етган иродам.
Муродига етур шубҳасиз,
Ўз юртини севолган одам!

Қалип ўрмон.
Ўрмонда қушлар.
Қушлар сайрар, тотли на'масы.
Ба'зан келар йироқ-йироқдан
Ўрмон кесган кишилар саси.
Қалин ўрмон.
Ҳали унда бор
Партизанлар этигидан из.
Шу ўрмонда туради мағрур,
Битта бино ажралиб ёлғиз.

ХОЛИД РАСУЛ

ҲАҚИҚАТ

Ўлкамнинг сахари ёруғ, ва шаффоф
Севиқли онанинг кўнгли қадар соф.
Ижодий бир ҳаёт сўнмас ва порлоқ,
Бу кундан эртаси яна яхшироқ.

Саодат қўйнида бепоён ватан
Авлоди етишди буюк камолга.
Дун'ёда ягона ажойиб гулшан,
Гулшанки жаҳонда сизмас ҳаёлга.

Сталин қўлила ёзилган қопун
Кўнгил диёрига бермишди зийнат.
Ундан мамлакатда яшнаб ҳақиқат
Инсон ҳаёти ёритди беҳад.

Унинг ҳарбир сатри, ҳарбир жумласи
Ташир чексиз ма'но, асл, мустаҳкам.
Йиллар, асрларнинг бу ҳулосаси
Улуғ ғояларла бўлган муаззам.

Абад ҳилпираган бизнинг ол-байроқ
Дун'ёда тивичликка доим нигоҳдон.
Азиз ва мунаввар бу она тупроқ
Ўз қудрати блан ёритур жаҳон.

Лекин йиртқич ҳайвон ваҳмага тушмаш
Тобора кучайган нур қорвонидан,
Титраб ва қолтираб тани увушмиш
Мағрур юртимизнинг шавкат-шониядан.

Зулматнинг ҳоқими ёлмоғиз Маршалл
Мақсади урушга топмоқ баҳона;
У жаноб Трумэн истайди дангал
Қонларга ғарқ бўлса янги замона.

Унингча: миллионлар қонлари оқса,
Титраса аламда, ҳасратда олам;
Оналар интизор йўлларга боқса,
Болалар ғам ичра тутса зўр мотам.

Унингча: шаҳарлар, қишлоқлар ёнса,
Бутун-бутун юртлар бўлса вайрона..
Унингча: ма'рифат маш'али сўнса
Мазлумлар юраги бўлса ғамхона.

Йўқ, асло мумкинмас, бўлмайди асло,
Унга йўл бермайди ҳур инсоният!
Уни сўндиражак ғазаб дар'ёси
Тантана қилажак буюк ҳақиқат!

Бу ёруғ жаҳонда бўлар барқарор
Тишчиликнинг шарафи-шавкати мутлақ.
Чунки Кремльдан доимо порлар
Адолат шу'ласи, ҳақиқат ва ҳақ.

Япада яшнайди юртимда элбат
Муҳаббат, фалсафа, ҳикмат, ижод, фан.
Эл озод, юрак шод, гуллайди беҳад
Маҳорат қўйнида муборак Ватан!

пўлат мўмин

СУВЧИ

Тоғдан чиқмоқда қуёш,
Ҳаммаёқ равшан жуда,
Бўлиқ ғўза баргларин
Акси кўринар сувда.

Ғўзалар орасида,
Сувчи Холиқ юради.
Расаматлаб сувни у,
Ҳар жўякка буради.

Бошида Чуст дўпписи,
Белига боғлиқ қийиқ.
Фарғонача тўни, ҳўв...
Тут шохига илиғлиқ.

Милдир-милдир оқар сув,
Жўяклар этагига,
Сариғ ёғдек сингади
Кўм-кўк ғўза тагига.

Қорақалпоқ шоирлари

ЎЛМИРЗА

ЧЎЛНИНГ ЧЕКНИНИШИ...

Секин тозланмоқда само гумбази,
Оламини олтинга кўмди ёруғ кун,
Мавж уриб, бурқиган Амудар'ёда
Олтин рингга кирди ҳар бешик тўлқин.

Олғия шу'лаларга беланди саҳро,
Бунча ҳам жилаётган кундуз чиройи.
Дар'ё бўйларида ўглашга тушди
Юртимнинг нодиси, йилқиси, тоғи...

Фақат, қум босқини хзвф солар тез-тез,
Кўмиляб кетади яшил ўглоқлар.
Кўмиляб кетади экинзорлар ҳам,
Кўмиляб кетади ба'зан қишлоқлар.

Саҳронинг дардига дармон экан сув
Ҳаётнинг ма'ниси ҳеч экан сувсиз.
Сув бўлмаса, сойда ўйнамас балиқ,
Сув бўлмаса, тоғлар қолур оҳусиз...

Шунинг учун элим боғлаб белини,
Ҳиммат блан келди Аму бўйига:
— Дар'ё, куч синашга келди одамзод,
Азалдан ошақмиз сенинг сувингга!

Неча кунлар ўгди, тер тўкади халқ,
Қаҳрамонлар туғди ораларидан.
Ҳунар аяган йўқ, куч аяган йўқ,
Булар бари юртим сараларидан...

Мана эл ботири Қорамирза ҳам,
Кетганини уради ҳаммадан ўзиб.
Унинг зарбларидан тошлар чақнайди,
Қум, тупроқ кетади ҳар'ёнга тўзиб.

Гурс-гурс олиб отар баландга тупроқ.
— Епирай, бу одам чарчаш биларми?
Күз тегмасин, — дейди кексалар кўриб, —
Бирон йигит унга ҳеч тенг келарми?

— Қирқ ёш қирчиллаган вақтим, — дер Мирза, —
Қани, басма-басга тенг келиб кўринг.
— Қари билганини пари билмайди,
Ҳадисин олгансиз, ҳа қани уринг!
— Ҳадисин ол сен ҳам, мен йўқ дермидим,
Жонини аяганга қайда жонона?
Жуда ҳам лаллайма, кўп ҳам ҳовлиқма,
Ўзингни тутабил текис, миёна!

Ҳадисдан — ўғитга ўтади Мирза,
Йигит-ялангга кўп та'сирли сўзи.
Қорамирза десанг, Қорамирзадай,
Барзангидай қора, забардаст ўзи.



Жонини аямғди, довруги дoston,
Жононаси келмиш овулдан оқшом.
Етаклаган қўйи—ёрига совға;
Лабида табассум, кўнглида кўклам.

— Ҳормангиз, отаси, ишингиз қалай?
— Ҳормангиз, деб турган тилингга новот!
Молу, жон омонми?
— Ҳаммаси омон!
— Соғиниб келдингми?
— Сизда йўқ уят!

Қизил олма каби қизарди хотин:
— Келмасам, ўзингиз ёзмайсиз хат ҳам.
Сизнинг доврuginгиз етди овулга,
Салом айтиб қолди ҳамма жам'улжам.

— Ариқ чиқармоққа қунт қилдик, хотин,
Даланинг дардига дармон, ахир, сув.
Сув бўлмаса, сойда ўйнамас балиқ,
Сув бўлмаса, тоғда ўйнамас оху!



Қайнар тўйқозонда бир қўйнинг гўшти,
Зиёфат устида ёру-дўстлари.
— Қани, қўлни ювинг, олинг, марҳамат,
Кечиргайсиз бўлса, каму-кўстлари.

Зиёфат тугайди, чой кетар култ-култ,
Тер оқар ва суҳбат чўзилар узоқ.
Ҳамма иш бир-бирлаб олинар едга,
Пахта, қовун, шоли, молхона, бузоқ...

Кейин сўз бошланар янги зриқдан,
Ҳа демай, кўрарсиз, сув келар бир сой.
Ҳали, ер очамвз, кўзлар илгамас,
Пахта хирмонларин олурмиз той-той,

Шунинг учун асло аямаймиз жоп,
Тўғри йўл, ойдин йўл бизлар тушган йўл.
Бизнинг зарбимиздан титрамакда дашт,
Бизнинг зарбимиздан чекинмакда чўл...

* * *

Даланинг дардига дармон экан сув,
Ҳаётнинг ма'ниси ҳеч экан сувсиз.
Сув бўлмаса, сойда ўйнамас балиқ,
Сув бўлмаса, тоғлар қолур оҳусиз...

Шунинг учун элим очмоқда ариқ,
Сув келар, сув келар ва шодлик келар!
Кўм-кўк экинзорлар, кўм-кўк тўқайлар,
Бир сўз блан айтсам, ободлик келар!

АББОС ДАБИЛ

(Халқ шoirи)

Ё З

Ёз мавсими...

Ловуллайдн ер бағри,
Сўнгсиз дала юзи тугал олтин ранг,
Сув бўйида ҳарсиллайди подалар,
Туқайларда қушлар базми вадаванг.

Кулдан жўжа учиради ўрдак, ғоз,
Даштда ўтлар қулунлаган қуланлар,
Ёвуқ қўймас қулоғи дик оқ кийик,
Барра излаб чопар митти қуёнлар.

Бола очган тўрғай нуқул сайрайди,
Оқ шунқор ов излар баланд тоғларда.
Кугарчин, ёрқанот учар уядан,
Булбулнинг макони чаман боғларда...

Эл тер тўкар: боғда, қирда, яйловда,
Тонгги меҳнат оқшомгача чўзилар,
Она қизлар қаймоқдан ёғ туширар,
Яйловга сизмайди қўйлар — қўзилар.

Сувдан ҳовур кўтарилир ҳавога,
Кўлаккага интилади жон — жонвор.
Хушҳид оқар сўнгсиз боғлар ичидан,
Ҳар гўшада пишиқчилик тотн бэр.

Тарвузлар бир қучоқ, тўрлапти қовув,
Ғузлар очипти турфа ғунчалар.
Кўз узолмас киши дала ҳуснидан,
Ёз мавсуми сулув булув бунчалар!

Боққа кириб олма, анор узаман,
Ёз мадҳига чертилади таранг соз.
Бир-бирига олма отар қиз-йигит,
Севган — севганига доим ишқибоз.

Товланади дала офтоб остида,
Товланади олтин рангда хирмонлар.
Имласа ҳам садаларнинг сояси,
Ишлашар, тер тўкар аҳл инсонлар.

Маржондай қирмизп, тўрсиқдай тизир,
Кун нурида ярқирайди жийдазор.
Катта қозонларда қайнайди шинни,
Кунни бўйи тер тўкади пахтакор.

Кунни бўйи чангиб ётар катта йўл,
Катта йўлдан ўтар чўзиқ карвонлар.
Биров ипак, биров асал, биров дон,
Карвон келар, узиб дашту-довонлар.

Аравалар тўлиқ узум, шофтоли,
Шаҳарга келтирар қолхоз богбоня.
Ёз мавсуми — дугамас бир хазина,
Ёзда тер тўкканининг борми армони?

Қорақалпоқ, чўлда қолган эл элини,
Йиғлар элини, йўл тополмай, бир замон.
Яшил кўкламининг бор, олтин ёзининг бор,
Давлатининг мўл, савлатининг зўр, бутун нон.

Эртаги ғалаба ўз қўлингдасин,
Қутлуғ ерга қўндининг, қолмади армон
Элни гулга, дилни нурга ўради,
Донишманд отамиз бўлсин соғ, омон!

МИРТЕМИР таржимаси

С. ҚОСИМОВ, С. АЗИМОВ, Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ

СОЦИАЛИСТИК ҚИШЛОҚ ТЕМАСИДАГИ ЙИРИК АСАРЛАР

Проза, поэзия

Совет деҳқонлари инсоният тарихида ҳали кўрилмаган озод, маданиятли ва катта коллективнинг онгли ва жонкуяр а'зоси бўлган бутунлай янги кишилардир. Капиталистик мамлакатлардаги тарқоқ, ибтидоий усуллар билан ер ишловчи, хусусий мулкчи, қолоқ қишлоқ деҳқонларига сра ўхшамайдиган, узининг моддий аҳволи жам'иятдаги мавқе'и ҳам сиёсий онги билан улардан беҳад даражада юқори туручи ва принципиал фарқ қилучи тамомла янги кишиларга айланган деҳқонларимиз ҳозирги кунда большевиклар партиясининг доно раҳбарлиги остида мамлакатимизнинг ишчилар синфи билан бирга коммунизм сари дадил қадам ташламоқда. Шунинг учун совет деҳқони ва социалистик колхоз қишлоғининг янгича қиёфаси ёзучиларимизнинг диққат марказида туриши зарур бўлган энг муҳим ва мас'улиятли темалардан бири эканлиги ўз-ўзидан англашилади. Лекин деҳқонларимиз ҳаётида рўй берган мазкур революцион ўзгаришни тасвирловчи асарлар сўнгги вақтларгача Ўзбек совет адабиётида камчиликни ташкил этар эдилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари, драматик театрларнинг репертуарлари „Катта ҳаёт“ кино фильми ва В. Мураделининг „Улуғ дўстлик“ операси ҳақида чиқарган тарихий қарорлари совет адабиёти ва сан'атидаги айрим асарларда йўл қўйилган ғоясиэлик, партиявий принципнинг заифлиги, хорижий маданият олдида сажда қилиш каби қатор йирик нуқсонларни фож қилиш билан бирга, кўпгина совет ёзучилари ва сан'ат арбобларининг тарихий темалар билан ортиқ даражада қизиқишлари натижасида замонамиз воқи'лиги кам тасвирланаётганлигини қоралади.

Бу тарихий қарорлар партияимизнинг совет кишиларининг коммунистик онгини шакллантиришдай олижаноб вазифани бажаручи совет адабиётининг янада юқори поғонага кўтариш ҳақидаги ғам-хўрлигини кўрсатди.

Совет ёзучилари мазкур қарорларда кўрсатилган йўлланма асосида ўз ишларини қайтадан кўриб, замонамиз учун муҳим ва актуал бўлган темаларни ёритишга жиддий киришдилар, бунинг самараси ўларак рус совет адабиётида Н. Грибачевнинг „Большевик колхоз“ ва А. Недоговнинг „Сельсовет устидаги байроқ“ поэмалари, С. Бабаевскийнинг „Олтин юлдузли йигит“, М. Бубенковнинг „Оқ қайин“, П. Павленковнинг „Бахт“, В. Панованинг „Йўлдошлар“, „Кружилиха“ романлари, Б. Ромашовнинг „Улуғ куч“ ва А. Софроновнинг „Бир шаҳарда“ драмалари каби қатор пишиқ асарлар пайдо бўлди. Партиямиз Марказий Комитетининг қарорларидан сўнг қардош халқлар адабиётларида ҳам жиддий бурилиш ясалди.

Партиямиз Марказий Комитетининг мафкура соҳасидаги масалаларга оид қарорларидан сўнг ўзбек адабиётида ҳам янги давр бошланди. Энди ёзучиларимиз тинч ижод кабинетларидан чиқиб, саноат, колхоз ва халқ қурилишларига кириб бордилар, турмушни яқиндан ва чуқурроқ ўрганабошладилар. Бунинг натижасида сўнгги икки йил ичида замонамизнинг актуал темаларида ёзилган лауреат шоиримиз Ойбекнинг „Қизлар“, Асқад Мухторнинг „Пўлат қуючи“, „Мирмуҳсиннинг „Уста Ғиёс“, „Яшил қишлоқ“, Рамз Бобожоннинг „Қадрдон дўстлар“, М. Бобоевнинг „Боғбон“, Ж. Шарифийнинг „Максим Горький“ поэмалари, ёзучи Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор“ романи, Содиқ Қаландарнинг „Биз Уралда“ ва Парда Турсуннинг „Ҳақ йўл“ ловестьлари, Уйғуннинг „Ҳаёт кўшиги“ ва „Асрлар“, Туйғуннинг „Муҳаббат“ драмалари каби асарлар майдонга чиқди. Кўриниб турибдики, бу давр ичида ёзилган асарларнинг кўпчилиги қишлоқ темасига оиддир. Биз мазкур мақоламизни Ўзбек совет прозаси ва поэзиясидаги социалистик қишлоқ темасига оид энг йирик асарларнигина таҳлил қилишга бағишламоқчимиз.

I

Буюк Октябрь Социалистик революциясигача Ўзбекистон қолоқ деҳқончилик ўлкаси эди, унда яшовчи аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар ташкил этар ва буларнинг ярмидан кўпи камбағаллар ва батраklar эди. Мамлакатнинг асосий моддий бойлик ишлаб чиқарувчилари ҳам деҳқонлар эдилар.

Буюк Октябрь Социалистик революцияси билан кейин ўзбек қишлоғи кенг, ёруғ ва фаровон колхоз ҳаёти йўлига чиқди. Ўзбек совет прозасида ёзучи Абдулла Қаҳҳорнинг сўнгги йилларда майдонга чиққан „Қўшчинор“ романининг биринчи китоби ва Парда Турсуннинг „Ҳақ йўл“ повести қишлоғимизнинг босиб ўтган мана шу революцион йўлини тасвирлашга бағишланган йирик асарлардир.

II

„Ҳақ йўл“ повести¹ ўзбек қишлоғини социалистик асосда қайтадан қуриш — колхозлаштириш ҳаракатини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Повестнинг темаси гоёт актуал ва

¹ Парда Турсун „Ҳақ йўл“ (повесть), Тошкент, 1947, тиражи 10000.

катта ма'рифий аҳамиятга эга бўлганлиги учун ёзучи Парда Турсун бу ишга қизгин киришган.

Малумки, майда деҳқон хужалиги ё капиталистик мамлакатларда бўлаётганидек капитализм томонига қараб, ёки совет ҳокимияти даврида, бизнинг Ватанимизда юз берганидек, социализм томонига қараб ривожланиши мумкин. Демак, ўша даврда деҳқонларимиз мамлакатимизнинг экономикасини ривожлантириш, қайтадан эксплуатация сиртмоқларига тушиб қолмаслик ва ўзларининг маданий, фаровон ҳаёт кечяришларини таъминлаш учун икки йўлдан бирини: „Ё олдинга, баландликка — янги тузумга, колхоз тузумига борадиган йўл, ёки орқага, пастликка — эски қолақ капиталистик тузумга борадиган йўл“ (Сталин)¹ ни тандаб олишлари керак эди. Мамлакатимизнинг деҳқонлари иккинчи йўлни рад этиб, ҳақ йўлни — колхоз қурилиши йўлини таллаб олдилар. Шунга кўра, ёзучи Парда Турсуннинг қишлоқдаги шу ҳаракатга бағишланган повестини „Ҳақ йўл“ деб аташи жуда ўринлидир.

Повестининг темаси — ҳақ йўл — ёзучида республикамиз тарихидаги сермазmun, энг мураккаб ва энг жанговар этаплардан бирини, кечаги камбағал деҳқоннинг бугунги бадавлат колхозчига, кечаги э'тибордан тубан, таҳқирланган ва тапталган кишининг бугунги доғдор, иззату-икром кўрган, шону-шараф топган улғувор инсонга айланиш йўлини — ёрқин ҳаёт йўлини кўрсатиб беришни талаб қилади. Бу вазифани бажариш автордан, шубҳасиз, жуда зўр меҳнат, ҳаётий тажриба, назарий билим ва зўр исге'од, новик бадий дид талаб этади. Агар ёзучи мана шундай катта вазифани тегишли равишда ўташининг уддасидан чиқолса, унинг асари тарбиявий — ма'рифий жиҳатдан катта моҳият касб этиши ва узоқ вақт яшаши шубҳасиздир.

Бу ниҳоят даражада мас'улиятли вазифани бажарашга ёзучи Парда Турсун жиддий ёндашмаган-да тасодифий ва иккинчи даражали материаллар ичида ўралашиб қолган. Уларни ҳақиқий турмуш фактлари билан таққослаб, ўша давр ҳаётини характерловчи типик воқиаларни тандаб олмаслик орқасида адабий асарнинг бадийлик критерияларидан бири бўлган ҳаққонийлик принципига хилоф йўл тутган. Натижада қатор қўпол хатоларга йўл қўйилган.

Повестининг об'екти бўлган Қамиш Капа қишлоғида колхоз стихия равишида тузилиб қолади. Бу қўпол хато колхозчилик ҳаракатига замин ҳозирлаган энг муҳим омиллари авторнинг э'тибордан четда қолиши орқасида келиб-чиққан.

Хусусий мулкчилик тенденцияси суяк-суягига сянгиб кетган деҳқонларни колхоз тузумига жалб қилиш соҳасида партия ва ҳукуматимиз томонидан қўлланилган энг муҳим тадбирларнинг бири қишлоқда кооперация жамоатчилигини урнатиш ва ривожлантириш сиёсати эди. „Шубҳа бўлиши мумкин эмаски, кооперация айниқса деҳқонлар ўртасида колхозлар фойдасига психологик ба-

¹ И. Сталин „Ленинизм масалалари, Тошкент, 1933, б. 172.

за туғдирган қишлоқ хўжалик кооперацияси қудратли суратда ривожланмаганда бутун-бутун деҳқон табақалари ҳозирги вақтда (я'ни 1929—йилда) колхозларга томон интилмаган булар эди". (Сталин). Ҳолбуки, повестьда кооператив жамоатчилигининг энг муҳим турлари (сотилш, ишлабчиқариш) мутлақо кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, қишлоқда совет ҳукуматининг таянч ташкилотларидан бири бўлган батрақлар союзининг фаолияти ҳам бузиб берилган. Наҳотки, 10 йиллик ҳақини хўжайини Мадаминдан ундириб олиш ниятида ариза берган қорол Худойқулга бу союзининг ёрдами ишга янги усти-бош ундириб бериш блан чегараланган бўлса?! Шуниси характерлики, Мадаминнинг бошқа қоролларига ҳам батрақлар союзи ёрдам берган эмас, балки улар ўз йўлларини ўзлари топиб кетганлар (?). Агар муддао, повесть персонажи Мелиполвон айтганидек, фақат янги кўйлак блан лозимни ундириш бўлса ва у бундан ортиқ ёрдамга қодир бўлмаса, повестьдан бу союзининг қишлоқ камбағалларига берган ёрдами унчалик катта эмас экан деган нотўғри хулоса чиқадики, бу каби бебарволикни ҳам авторнинг фазилати деб бўлмайди.

Колхозлаштириш давригача бўлган воқиаларни тасвирлашда автор томонидан йўл қўйилган хатолар ана шулардан иборат.

Повестьда колхозлаштириш давридаги қишлоқ ҳаёти ҳам тўғри тасвирланмаган: деҳқонларни колхозларга жалб қилишда партия раҳбарлиги жуда заиф кўрсатилган. Асарда Қамиш Капа қишлоғидаги аҳоли ўртасида колхоз ва колхозлаштириш ҳақида ҳечқандай тўшунтириш ишлари олиб борилмайди. Қўшни қишлоқларда колхоз ишга бошлайдиган, колхозларнинг характер ҳақидаги „миш-миш“ларни Қамиш Капанинг кампирлари қишлоқнинг у бошидан бу бошига кўпиртириб ташиб юрадилар, „Зағча кўз домла“ (Назрулла қори) ҳам охир замон бўлганлиги ҳақида „кароматлар“ қилали; „колхозга кимларнинг кириши мумкин, ерсизлар унга олиними—йўқми?“ каби саволлар деҳқонларнинг бошини қотиради. Лекин бечора Қамиш Капаниннинг ҳечким колхозга киришга ташвиқ қилмайди ва унинг характерини тўшунтириб ҳам бермайди (?). Шунинг натижасида, ўз ҳолига ташлаб қўйилган деҳқонлар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, Мелиполвон ва Давлатёр қишлоқ йигитларини эргаштириб Қамиш Кападан 15 чақирим узоқликдаги Жартепа қишлоғида тузилган колхоз ерига чиққан тракторни тамошо қилгани борадилар, қайтиб келгач, қишлоқ ўқитучиси Холмуроддан колхоз тузиш ҳақида район ташкилотларига ариза ёзиб беришни илтимос қилдилар. Холмурод эса, колхоз тузиш масаласини умумий мажлисга қўйиб, қарорни район ташкилотларига юборишни маслаҳат кўради. Фақат шундан сўнгина XI—бобда тасодифий равишда чойхонада учрашиб қолган активист Абдурасул ва бирнеча камбағаллар газетада босилган бир мақоладан илҳомланиб, ўзларича колхоз тузиб кўядилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқда олиб борган сиёсати ва колхозлаштириш ишига раҳбарлиги Мавлонов, Алексей ва Абдурасул каби большевикларнинг образларида ўзининг ёрқин ва

жонли пфодасияни топиши керак эди. Асарда колхозчиликнинг стихияли бир ҳаракат тарзида тасвирланишининг энг муҳим сабабларидан бири ҳам шу раҳбар ходимлар образларининг қунт блан ишланмаганликларидан, уларнинг етажчилик ролини қўзғиниш жараёнида ҳаққоний кўрсатмасликдан иборатдир. Район раҳбар ходимлари воқиалар думида судралиб қолишлари орқасида Қамиш Қапа қишлоғида колхоз тузилганлигидан бутунлай беҳабар қоладилар (?). Райком секретари Мавлонов ҳам бундан фақат фавқулодда хабар топади.

Демак, Қамиш Қапа қишлоғида колхоз қурилишини стихияли ҳаракат тарзида тасвирлаш нагжасида партиянинг раҳбарлик ролини қўпол равишда бузиб кўрсатиш „Ҳақ йўл“ повестининг марказий хатоларидан биридир.

Повестининг йирик нуқсонларидан яна бири колхоз тузумининг башланғич даврларида рўй берган (асар худди шу даврга бағишланган) синфий қарама-қаршиликлар ва унинг ўсишидаги барча қийинчиликларни ҳаққоний акс этдирмаслигидадир.

СМалумки, колхозларга биринчи даврларда кўпдаб ёт унсурлар суқулиб кириб олган эдилар. Улар колхозларда катта қўпоручилик ишларини олиб бордилар. Тургун бўлмаган элементлар биринчи даврдаги вақтинча қийинчиликларга чидалмай, колхоздан қочиб кетдилар. Шунинг блан бирга деҳқон энди колхозчига айланган бўлса-да, ҳали унда хусусий мулкчилик тенденцияси тамомила йўқолиб етмаган эди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги артели меҳнат интизомини қўпол равишда бузишлар ва ёт таъсирларга берилишлар содир бўлиб турар эди. Бу ҳолат кўрсатадики, колхозлар тузилиш бланоқ, гармоник равишда тараққий қилиб котаберган эмас, балки улар ички ва ташқи душманларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келганлар, колхозчиларда ижтимоий меҳнат ва колхоз мулкига социалистик муносабатни туғдириш вши эса, жуда катта тарбиявий ва маърифий ишни талаб қилган.)

Повестьда колхоз ҳаётига хос бўлган бундай муқаррар қарама қаршиликлар, айниқса ички зиддиятлар тасвирланмаганлиги оддий ўқучининг кўзига ҳам яққол ташланади. Бу ўринда, айниқса, колхоз коллективи ва унинг кишилар онгига эёр таъсирининг кўрсатилмаганлигини алоҳида қайд қилиш зарур. Бунинг натижасида асарда колхоз ҳечқандай конфликтсиз гармоник равишда тузилиб қўяқолади ва ўса боради, унда колхозга суқулиб кирган ёт унсурларнинг қўпоручилик ишлари ва унга қарши олиб борилган кураш мутлоқо тасвирланмайди. Ички зиддиятлар масаласига келсак, повесть ундан бутунлай хориж. Ҳатто ёт таъсирга берилган камбағал деҳқон Бозорбой колхоз тузиш ҳақидаги мажлисдан қувилади, ўрта ҳол деҳқон Турди халфанинг аризаси рад қилинади. Бунинг натижасида колхоз фақат камбағал деҳқонлардангина тузилиб, унда ҳечқандай ички зиддиятга ўрин ҳам қолдирилмайди. Буларнинг барчаси авторнинг Ўзбекистонда колхозлаштириш даврида юз берган муҳим ва ҳал қилучи воқиаларни агрофлича ўрганиб, уларни чуқур мушоҳида қилмаганлигидан дарак берадилар. Бундан ташқари қишлоқ камбағалларининг ўр-

таҳол деҳқонлар блан иттифоқ тузиб, қулоқларни синф сифатида тугатиш учун бошлаган ҳужуми ҳам повесть авторининг диққат марказидан четда қолган, синфий душманларнинг қаршилигини синдириш эса, асарда ниҳоятда ибтидоий ва ғайри табиий тарзда кўрсатилган (XXXI—боб).

Демак, повестьда синфий курашни етарли даражада тўғри кўрсатмаслик ва деҳқонлар онгида социалистик тушинчаларини тарбиялашда коллективнинг ролига тегишлича баҳо бераолмасликни автор томонидан йўл қўйилган йирик хатолардан ҳисоблаш зарур.

Киши рухининг инженерлар* (Сталин) бўлган ёзувчилар турмушни образлар орқали акс этдирадвлар, шунинг учун малум давр ҳаётининг адабий асарда реал тасвирланиши образларнинг пухта ишланиши блан белгиланади. Образ фақат турмушдаги малум гуруҳ вакиллари учун типик бўлган характер, психология, социал мавқу', тафаккур, урф-одат ва ахлоқ нормаларининг мужассамидангина иборат бўлмай, балки индивидуаль хусусиятлари блан ҳам ўз муҳитидаги кишилардан фарқ қилиши шарт. Фақат шундагина ёзувчи томонидан тасвирланаётган типик воқиа ва ҳодисалар ўқучини ишонтириши ва унда баддий завқ уйғотиши мумкин акс ҳолда образлар зўрма зўраки бўлиб қолиб, ўқучига ҳечқандай ма'рифий ва ма'навий озиқ бермайди. Шу жиҳатдан қараганда Парда Турсуннинг 40 га яқин персонажни ўз ичига олган бу кичкинагина повестидаги бирорта образ ҳам пишиқ ва мукамал ишланган тип даражасига кўтарилиб етмаган, ҳатто повестьнинг асосий қаҳрамони ким—(Холмуродми ёки Абдурасулми) эканлиги ҳам асардан англашилмайди.

Холмурод—... совет билим юртларининг қишлоққа биринчи учраган қолдирғочларидан". Автор унинг қишлоқ ўқитучиси бўлиши блан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашганини кўрсатиш мақсадида бу образга повестьда катта уриан берган, ҳатто уни асарининг бош қаҳрамони даражасига кўтариб қўйган. Модомики шундай экан, бу образни юқоридagi талаблар асосида атрофлича очиш учун унинг иш бошлаган даврида муқаррар бўлган қийинчиликларга қарши кураши ҳаққоний равишда тасвирланиши керак эди, чунки у даврларда қишлоқда мутаассиб рухонийларнинг тасири анча кучли эди. Айниқса, совет мактабларида эски тарбия усулининг бекор қилиниши ва диннинг мактабдан ажрагилиши ба'зи қолоқ одамлар онгига салбий та'сир кўрсатган, ва уларнинг ўз болаларини мактабдан чиқариб олишга уринишларини туғдирган эди. Аммо повесть авторининг Холмурод образини очинидаги бу имкониятлардан тўла фойдаланмаганилиги орқасида образнинг тўлалигига пугур етган.

Қишлоқда илғор фикр ва ма'рифат симболи булиш керак бўлган, коммунистик ахлоқ нормалари асосида тарбияланган Холмурод шахсий ҳаётда ниҳоятда қолоқ тушунчали бўлиб қолган. Бу ҳолат унинг Гулсумга бўлган мешчанларча севгисида жуда яққол кўришади. Холмурод Гулсумни ақли, шужоати ва мустаҳ-

кам продася учун эмас, балки фақат зоҳирий гўзаллиги учунгина севиб қолади.

Ўзининг келажакдаги ҳаёт йўлдоши ҳақида бундай феодал ва мешчан қарашлари даражасида қотиб қолиш замонамиз ёшлари учун характерли бўлмаганидек, Холмурод образига ҳам қуюқ доғ туширган.

Собиқ қорол, актив жамоатчи, кейинчалик, „Олтин қадам“ колхозига раис бўлган Абдурасул, бизнинг фикримизча, асарнинг бош қаҳрамони бўлиши керак эди. Лекин асардаги бу марказий образнинг босиб утган ҳаёт йўли жонли воқиялар орқали тасвирланмай, авторнинг қуруқ нақлидангина англашилади. Нагижада собиқ қоролнинг колхоз раиси даражасигача кўтарилиши ёритилмай қолди ва образнинг шаклланиши обстрактлашади. Холбуки „бадий ҳақиқат шарҳ ва изоҳлар ёрдами билан эмас, балки ўзи учун ўзи гапириши керак“ (Салтиков-Шчедрин).

Асардаги бошқа ижобий образлар (Ойимхон, Мелиполвон, Сотволди, Давлатёр, Юсуфали ота, Алимқул, Гулсум, Ойпошша ва бошқалар)ни тасвирлашда ҳам авторнинг улар устида жиддий ишламаганлиги сезилиб туради. Бунинг устига повестьдаги ижобий қаҳрамонлар фикран заиф ва маъновий жиҳатдан ўта даражада қашшоқ бўлиб қолганлар.

Гарчанд асарда салбий образлар (А'лохўжа, Мадамингов, Зокирқассоб) бир қадар тўлароқ ва жонлироқ ишланган бўлсалар ҳам, уларнинг тақдири нотўғри ҳал қилинган, Назруллақори ва Тожибой образлари эса, тугалланмаган.

(Адабий асарда қаҳрамонларнинг характерлари бадий тил ва композиция ёрдамида очилади.) Лекин Парда Турсун ўз повестининг тили устида жиддий ишламаганлиги натижасида асарнинг тили гализ ва оғир, персонажлар тили эса, индивидуаллаштирилмаган. Асарда кўпинча воқиялар тасвирланмайди, балки уларни автор зерикарли тил билан баён қилади (Давлатёр томонидан Ойпошшанинг ўғирланиши, Худойқулнинг ўлдирилиши ва бошқалар).

Повестьда персонажларнинг кўпайиб кетиши орқасида содир бўлган фикрий тарқоқлик ва воқияларнинг боғланмаслиги, ортиқча ва ноўрин деталалар киритабериш асар композициясининг пухта ишланмаганлигини кўрсатади.

Бунинг устига „Ҳақ йўл“ни тугалланган асар деб ҳам бўлмайдди, чунки колхоз тузумининг тарқоқ деҳқон хўжалигидан афзаллиги исботланмаган, воқиа фақат колхоз тузилиши билан чегараланиб қолган — ҳақ йўл очилмаган: гарчи асарда ҳақ йўлга қадам қўйилган бўлса-да, бу йўлда учраган қийинчиликлар ва шу йўл билан борганда деҳқонларнинг қандай ҳаётга эришишлари мумкинлиги тасвирланмаган.

Повестининг тугалланмаганлиги ҳам асар композициясининг пухта ишланмаганлигига шохиддир.

Хуллас, „Ҳақ йўл“ повестида партия раҳбарлигини бузиб кўрсатиш, коллективлаштириш даврининг узига хос қийинчиликларини очиб бермаслик ва типик воқияларни типик шароит-

ларда ифодаламаслиги блан ёзучи Парда Турсун дун'ёдаги энг илгор ва энг демократик адабиёт — совет адабиётининг методи бўлиши социалистик реализм принципларига амал қилмаган.

Биз юқоридагилар блан ёзучи Парда Турсуннинг талавтини инкор этмоқчи эмасмиз. Шунингдек у бадий жиҳатдан бутунлай яроқсиз, ғоявий жиҳатдан тамомила ёт фикрларни онгли равишда адабиётга олиб киручи асар ёзган ҳам демоқчи эмасмиз. Аксинча, бизнинг қарашимизча, повестда анчагина жонли тасвирланган табиат манзаралари, айрим персонажларнинг портретлари бор; автор малум воқваларни ўқучига анчагина усталик блан етказишга муваффақ ҳам бўлган. Бу кўрсатадики, агар ёзучи Парда Турсун ўз асарининг материалларини чуқур ўрганса, унинг устида қунт блан ишласа ва ижодий мушоҳида қилса, замонамиз китобхонларининг талабларига жавоб бераоладиган асарлар ёзиши мумкин. Шунинг учун ўқучи ўз ёзучисидан ғоявий ўткур ва бадий жиҳатдан юксам савияда туручи асарлар яратишни талаб қилишга ҳақли.

III

Ўзбек совет адабиётининг пешқадам ёзучиларидан бири бўлган Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор“ романи (биринчи китоб)¹ социалистик қишлоғимиз ҳаётини акс этдиришга бағишланган энг йирик асардир.

Ёзучи Абдулла Қаҳҳор ўзининг „Қўшчинор“ романида ўзбек деҳқонининг сифат жиҳатдан янги инсонга айланишида коллектив ҳаётнинг кишилар онгини коммунистик руҳда қайта тарбияловчилик родини кўрсатишни асосий мақсад қилиб олган. Кўришиб туриптики, романнинг темаси актуаль ва ҳаётийдир.

Кишиларимизда янгича руҳ ва меҳнатга социалистик мувосабатни тарбиялашнинг энг муҳим омиларидан бири бўлган социалистик мусобақанинг зўр қудратини ифодалашга катта ўрин бериш блан ёзучи Абдулла Қаҳҳор ўз романида жуда катта ижобий проблемани ҳал қилишга жур'ат қилган. Дарҳақиқат, „Мусобақанинг энг гўзал томони шуки, у одамларнинг меҳнатга қарашларини бутунлай ўзгартиради, чунки мусобақа ўтмушда хўрлик ва оғир юк деб ҳисобланган меҳнатни шараф ишига, донгдорлик ишига, мардлик ва қаҳрамонлик ишига айлантиради“. (И. Сталин)².

Ўзбек совет адабиётида биринчи ўлароқ, социалистик мусобақанинг бу улуг тарбиявий родини ёзучи Фафур Гулом ўзининг „Тирилган мурда“ ҳикояси ва „Кўкан“ поэмаларида тасвирлаган эди. Лекин ҳануз шу масалаларни ўзида атрофлича акс этдирган йирикроқ асар йўқ эди. Шунинг учун ҳам, буни „Қўшчинор“нинг муҳим мақсадларидан бири қилиб олинисини романнинг фазилатларидан бири ҳисобламоқ зарур.

¹ Абдулла Қаҳҳор. „Қўшчинор“ (роман). Тошкент, 1947, тираж 10150.

² И. Сталин. Ленинизм масалалари, Тошкент, 1938, бет 648.

Автор ўз романида колхоз ҳаётининг бошланғич даврларида қатор қийинчиликларга дўч келинган деган фикрни илғари сурган. Ёзучининг маслағи тўғри ва ўривли, чунки, бу типдаги асарда мана шу қийинчиликларни, албатта очиб бериш зарур.

„Қўшчинор“ романи блан танишар экан, унинг катта бадий таланти соҳиби томонидан ёзилганлиги ҳарқандай ўқучининг кўзига ҳам яққол ташланади.

„Қўшчинор“ романининг фазилатларидан бири унда персонажларнинг портрети ва психологиясининг моҳирлик блан тасвирланганлигидир. Ихчам ва сермазмун жумлаларда тасвирланган персонажларнинг бу характеристикаларида автор максимал даражада қисқаликка ҳаракат қилгани учун ортиқча тафсилотларга ҳасис бўлса-да, унинг персонажлари бир-бирига ўхшамаган ва индивидуал хусусиятлари блан ўзаро фарқ қилучи жонли кишиларни гавдалантирадilar. Ёзучининг усталлиги яна шунда ҳам кўринадики, у ўзининг у ёки бу қаҳрамони блан ўқучини биринчи мартаба таништираётганида-ёқ, уларни зоҳирий портрети орқали ма'навийтларини ҳам малум даражада очиб кўяди. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин:

„Ўрмонжон, Қурбон ота айтканидек, йигит эмас, қирқ бешларга бориб қолган, ўрта бўйли, қопқора, қотма, кичкина қутичага солинган каттакон қулфга ўхшаш соқол мўйлабига оқ аралаган бир киши эди. Унинг оёғида чоряқсумон бризент этик, эғнида тиззасигача ямоқ тушган кулранг галифе шим, жигаранг қисқа кўйлак, белида кашта тикилган сариқ белбоғ. Жияғи ёғ босиб кетган тор чуст нусха дўппи бошининг учида худди омонат тургандай. Гапни, худди ёд олгандай тез ва бир қиёмда гапиради. Унинг туруш-турмушини кўриб, Сидиқжоннинг бироз кайфи ўзгарди“ (бет 32).

Болтабой бостирмага кириб келди. У ўрта бўйли, хушқомат, лўлига ўхшаш қоп-қора ҳам бениҳоят қора кўринган соқоли ўзига жуда ярашган бир одам бўлиб, табиатан хушчақчақ ва ҳазилкаш бўлса керак, хотинига тегишди:

— Энди нос олиб келадиган, айтмасдан ўзи билиб олиб келадиган хотин ҳам олар эканмиз-да... (бет 67).

“ У (Зиёдахон) истараси хила иссиқ нари борса, 25 ёшлардаги ўрта бўйли бир жувон бўлиб, эғнидаги тўқ қизил кўйлаги, унинг устидан кийиб олган қора жилеткаси, бошидаги тўқ яшил рўмоли қорачадан келган юзини бўғиброқ қўйган бўлса ҳам, ўзига хўб ярашган, унга шулардан бошқа ранг, бошқача кийим ярашмайдигандай кўринар эди“ (бет 60).

Мазкур тасвирлар блан танишган ўқучининг кўз ўнгида содда, камтар ва ғайратли Ўрмонжоннинг, меҳнат жараёнида чиниққан, шарқ офтобиде қорайган, хушчақчақ Болтабойнинг, ўзбек кишлоғининг оддий ишчан қизларидан бўлган Зиёдахоннинг китобхоннинг ҳурматига сазовор бўладиган даражадаги ёқимли қиёфалари блан бир қаторда, қўлини совуқ сувга урмаган, танноз ва жирканч характерли, муштумзўр қизи Шарофатнинг, ҳилагар эзма ва

очкўз руҳоний Маҳсумнинг ниҳоят даражада жонли образлари ва уларнинг психологияси гавдаланади.

Бундан ташқари, романда Сидиқжон, Канизак ва Қурбон ота каби қаҳрамонларининг психологик кечинмаларини чуқур ва таъсирли қилиб тасвирланиши асарнинг севибли ўқилишини таъминлаган сабаблардан биридир.

„Қўшчинор“ романининг тили лексик жиҳатдан жуда бой. Авторнинг халқимиз жонли тилининг хазинасидаги бойликлардан ижодий равишда жуда кенг фойдаланганлигини қуйидаги бирпеча мисолдан ҳам онглаш мумкин:

— „Қазисан, қартасан, ахир аслингга тортасан!— деди кампир ошборни қулфлаётиб. — Энди жир битдида! Битта кўйлак иккита бўлди! Увада, ислиқи тўн, чилвир белбоғнинг хумориси тутгандир!..

...— Узи тўймаганнинг салқити қорин оғритади, онажон, сиздан ордию бизга жир битдимиз! — деди“ (бет 3).

Ёки:

„... Эшакни яйдоқ миниб бўлмайдди — йиқилади киши. Сизнинг одамсан деганингиз — менга тўқим урганингиз...—...

—... Ер сизники деганимиз сизга тўқим урганимиз бўладими ҳали?

— Йўқ, тўқим уриб қўйиб, тўқим сеники деганингиз бўлади“ (бет 2).

Ёки:

„— Рост, ўғлим! бир нима жонига тегмаган, суяк суягидан ўтиб кетмаган, жуда катта бир нарсадан умиди бўлмаган одам бу хилда меҳнат қилмайди. Яхши, йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб суғорасан (бет 33).

Абдулла Қаҳҳор халқ мақолларидан ҳартомонлама фойдаланиш билан бирга ўзи ҳам ихчам ва чуқур мазмунли иборалар яратади. Мана бирпеча мисол:

— „Ўғлим, жон ўғлим, — деди ҳўплаган чойини „қулт“ этиб ютиб, — нега бундоқ қилдинг? Шайтонга ҳай бер, болам.. Боланг туфайли ҳарқанча оғирчиликни бўлса, устингга ол. Бу қарз, болангдан қайтади.

— Мен аввал қарзимни узиб, кейин қарз бермоқчиман...

...— Йўқ, болам, мен сендан у дун'ёю бу дун'ё розиман... Мен тераквинг учудаги офтобдай гап: ҳозир борман, бир пасдан кейин йўқ... Менга қараб иш қилма, ўғлингга қараб иш қил.. Агар менинг кўзимда тегирмоннинг турмини айлантириш билан уйинг яхши бўлса айлантир, вой десам беимон кетай!“ (б т 19).

Ёки:

— „Биз хотин олдиғу сўфи саҳархез бўлди“ дегандек, кетмон кишининг иқболини баланд қиладиган замон келганда самоварнинг жумрагини бураб ўтирипман“ (бет 31).

Ёки:

„... қишдан одамлар суроби тортилиб, отлар арагани кўрса куладиган ва бошқа жонворлар думидан кўтарилмаса, туролмайдиган бўлиб чиқди“ (бет 47) ва бошқалар.

„Қўшчинор“ романида ёзучи Абдулла Қаҳҳор томонидан эришилган ютуқлар асосан, мана шулардан иборат.

Партиявийлик ва ғоявийлик социалистик реализмнинг, бадиий реализмнинг энг изчил ва энг олий формасига айланган омиллардир. Шунинг учун адабий асарнинг қиммати фақат теманинг актуаллиги, айрим проблемаларни акс этдиришга ҳаракат қилинганлиги ва унинг бадиий фазилатлари блангина ўлчанмайди, балки фақат коммунистик, ғоявийлик ва партиявий принципаллик блан юксад бадиий форма уйғун бўлган асаргина замонимиз китобхонининг талабларига жавоб бериши мумкин.

Агар „Қўшчинор“ романини шу мезон блан ўлчанса, унинг жиддий камчиликлардан холи эмаслигини кўзга ташланади.

Биз юқорида ёзучининг колхоз ҳаётининг дастлабки даврларидаги қийинчиликларни тасвирлашга ҳаракат қилганлигини таъкидлаган эдик. Лекин автор бу масалага ўз асарида катта ўрин берган бўлса-да, шу қийинчиликларнинг туб моҳиятини тўғри кўрсатиб бераолмаган. Унинг талқинида, Капсанчилар қишлоғи ва ундаги „Қўшчинор“ колхозида учраган қийинчиликлар фақатгина географик шароит ва табиий стихия натижасида туғилган бўлиб қолади, чунки давр учун типик бўлган кураш — ўлиб боручи реакцион синф блан юксалаётган прогрессив синф, эски тузум намобнадалари блан янги тузум вакиллари орасидаги ҳаёт-мамонт кураши асарда бутунлай тасвирланмаган. Бунинг устига колхозчилар онгидаги хусусий мулкчилик сарқитларидан келиб чиқадиган турли қийинчиликлар ҳам авторнинг диққат марказидан четда қолган.

Коммунистлар партиясининг доимий раҳбарлигисиз на қишлоқни социалистик асосда қайтадан қуриш ишини, на синфий курашда деҳқонларимизнинг ғалабасини ва на колхозлар базасидаги қийинчиликларни энгишни тасаввур қилиш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун романдаги раҳбар партия ходимлари (Аҳмедов ва райвжроком раиси)нинг пассив ва схематик образлар даражасида тасвирланиши орқасида юқоридаги жиддий камчиликлар содир бўлган. Романда четдан келган Ўрмонжондан бошқа капсанчилар орасидан чиққан бирорта партия аъзосининг бўлмаслиги, колхоздаги ягона коммунист Ўрмонжон ва райком секретари Аҳмедовнинг ҳам икир-чикир ишлар блан ўралашиб қолиши кишини ажаблантиради.

Демак, совет воқе'лигини тасвирлашда коммунистлар партиясининг жамиятимиз ҳаётидаги раҳбарлик ролини тўғри кўрсатиб бермаслик натижасида социалистик реализмининг энг муҳим принципларидан чекиниш ва турмуш ҳақиқатини бузиб беришни романинг энг жиддий хатоси ҳисобламоқ зарур.

Адабий асарнинг жони ва қони образлардир. Шунинг учун воқналарни ҳоққоний ва ҳартомонлама ёритиш учун образларни тўғри талқин қилиш, пухта ва атрофлича ишлаш талаб қилинади. Бу жиҳатдан қараганда ҳам романдаги образларни ишлашдй ўл қуйиб бўлмайдиган нуқсонлар бор.

Асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири бўлмиш Ўрмонжон образини олайлик. Ўрмонжон — „Қўшчинор“ колхозининг раиси, қамтар, тадбирли ва кишиларга ғамхўр шахс. Автор томонидан Ўрмонжоннинг ижобий хислатларини ҳаддан ташқари бўртдириб юборилиши натижасида коллективнинг ролига етарли баҳо берилмайди, ҳатто колхоздаги меҳнат интизомини қўпол равишда бузучиларга ёки жамоат мулкани талон-тарож қилган жиноятчи Тожибой каби кишиларга бўлган муносабатни белгилашда ҳам унинг колхоз правленияси аъзолари билан маслаҳатлашганини ёки колхозчиларнинг умумий мажлисида муҳокамага қўйганини кўрмаймиз. Асинча у барча масалаларни колхознинг раҳбари эмас, хўжайини сифатида бир ўзи ҳал қилади: Зокир оталар зверосида социалистик мусобақа принциплари қўпол равишда бузилганда ҳам, омборчи Тожибойнинг ўғирликлари фош бўлганда ҳам, Сидиқжоннинг ноўрин ҳаракатларидан хабар топганида ҳам, Ўрмонжон ё ўз тадбирини колхозчилардан сир тутати ёки бу масалаларга бепарволик билан қарайди, уларни „ранжитиб қўймаслик“ка, ошно-оғайничилик муносабатларини „узиб юбормасликка“ тиришади. Ҳақиқатда эса, коммунист колхоз раисига бундай ҳусусиятларни суниий равишда ёпиштирилиши турмушни қўпол тарзда бузиб бериш бўлиши билан бирга Ўрмонжон образининг типик қаҳрамон даражасига кўтарилишига халақит берган.

Демак, Ўрмонжон образи орқали янги ҳаётнинг илғор курашчиси, колхозда партия раҳбарлигининг ифодаси даражасига кўтарилган тип яратилмаган.

Сўнги батрак Сидиқжоннинг колхозчига айланиш жараёни „Қўшчинор“ романининг (энг марказий масаласидир). Абдулла Қаҳҳор Сидиқжон образи орқали колхоз тузумининг тарбиявий аҳамиятини очиб бермоқчи бўлган. Лекин бу маслакни намойиш қилиш учун асарнинг бош қаҳрамони қилиб берилган Сидиқжон образи объект бўлаоладими? Албатта, йўқ, чунки у колхозчилик ҳаракатида асосий куч бўлган синфнинг типик вакили эмас.

Сидиқжон — гарчи илгари камбағал деҳқон бўлса-да, сўнроқ колхозчилик ҳаракати тўлқуни бошланган вақтда ёт таъсирга берилиши орқасида ундан четда қолган ва фақат юзаки мулоҳазалар билангина колхозга киришга қарор берган, шундан сўнг ҳам жуда кўп иккиланган ва доим тараддудланучи беқарор, енгил табиатли шахс.¹

Демак, Сидиқжон романининг бош қаҳрамони эмас, балки асосий қаҳрамон даражасигача кўтарилиши шарт бўлган Ўрмонжонни тўлдиручи ва уни очуви энг муҳим ёрдамчи образлардан бири бўлиши керак эди.

Романининг бошқа персонажлари ҳам ҳаддан ташқари статик ва схематик равишда тасвирланган. Уларнинг онги асарнинг бошидан-оқ, шаклланган равишда берилган, роман қаҳрамонларининг характери ва тафаккури воқиялар давомида динамик равиш-

¹ Бу ҳақда ўр. А. Алимухаммедовнинг „Қизил Ўзбекистон“ газетасининг шу йил 1-август (№ 152) 783 даги мақоласида гўхталингани учун биз бу масаланинг тафсилотига киришиб ўлтирмадик.

да ўсиб бормайди. Бундан ташқари улар ҳаддан ташқари ма'навий қашшоқ. Ижобий персонажларнинг тилида тез-тез учраб турадиган қўйидагига ўхшаш парнографик сўзлар бунинг фақат хусусий далилларидандир:

— Энди бўлмайди, — деди (Тиллабобо), — энди сира ҳам бўлмайди. Бошқа хотин олиб бер. Бу фар блан мени ора очиқ қилиб қуй...

— Ким фар?... Илгари фармиди, ё сизнинг қўлингизга келгандан кейин фар бўлдими? Агар илгари шундай бўлса, нега олдингиз? Қўлингизга келгандан кейин шундай бўлган бўлса айб ўзингизда: эғломансиз! (бет 36).

Ёки Зиёдахоннинг Сидиқжонга уятсизларча айтган сўзларини олайлик:

— "... Мана, хотинингизни қўйибсиз, энди уни ҳамма улоқ қилса бўлаверадими? Уйингизга, бир бўйни йўгон кириб кетсаю ўғлингиз эшикда йиғлаб ўтирса... хўп чиройлик бўлар". (бет 64).

Ижобий образларнинг бу қадар ма'новий қашшоқлиги хароба ҳолда тасвирланган колхоз қишлоғи фонида ўқучининг кўз ўнгида яна ҳам аянч манзарани ҳосил қилади. Балки автор, „Қишлоқ халқининг кўпчилиги худди шундай тилда гаплашадилар-ку! Ба'зи шаддот аёллар худди шундай дейишлари мумкин-ку! Ахир, биринчи даврларда мана шундай хароб қишлоқлар ҳам бор эдику! Бундан ҳолларни мен кўплаб кўрганман, —“ деб э'тироз билдириши мумкин. Тўғри, бундай ҳолларни автор кўзатган бўлиши мумкин. Лекин ҳаётимиз учун характерли бўлмаган айрим фактларни тўғридан-тўғри натурадан айнан кўчириб олиб, уни типиклаштириб юбориш бадий адабиётимизнинг методига ҳилоф ишдир, чунки социалистик реализм турмуш фактлари орасидан совет воқи'лиги учун характерлиларини, кишиларимизнинг онги, ахлоқи ва ҳаётидаги, гарчи куртак ҳолида бўлса-да, маданий ва ўсиб бораётган янгича муносабатнигина ифодалаш ва унинг порлоқ истиқболни кўрсатишни талаб қилади.

Эпик турдаги асарларда, айниқса, унинг энг катта жанри бўлган романда сюжетнинг ихчам берилиши, ҳикоянинг қизиқарли бўлиши ва воқиаларнинг изчиллигини та'минлаш учун асар композициясининг пухта ишланган бўлиши шарт. „Қўшчинор“ романида эса, унинг айрим боблари ўртасида муносабат жуда кучсиз. Романнинг айрим боблари йирик асарнинг узвий бир қисмидан кўра, мустақил новеллаларга кўпроқ ўхшайдилар, фақат Сидиқжон блан боғлиқ бўлган воқалар бу мустақил ҳикоячаларни бир чизиққа бўшгина боғлайди. Шу нарса характерлики, Абдулла Қаҳҳорнинг олдинги икки йирик асари („Сароб“ романи ва „Олтин юлдуз“ повести) ҳам композицион жиҳатдан пишиқ ишланмаган эди. Демак, „Қўшчинор“нинг „Сароб“ романи ва „Олтин юлдуз“ повестларидагидек композицион тарқоқлиги ҳали адибнинг роман техникасини эгаллаб етмаганлигидан дарак беради.

Хулос, ёзучи Абдулла Қаҳҳорнинг „Қўшчинор“ романининг

биринчи китоби ўзининг ҳозирги ҳолида замонамиз китобхонининг талабларига мутлақо жавоб бераолмайди.

Ўзбек адабиётининг сўнги йиллардаги янгиликлари ичида шоир Ойбекнинг „Қизлар“ достони¹ айрича ўрин тутади. „Қизлар“ ўзбек совет поэзиясининг йирик намоёндаларидан бири бўлмиш Ойбекнинг биринчи достони эмас. Унинг буида бир неча йил муқаддам ёзилган „Дилбар давр қизи“, „Ўч“, „Темирчи Жўра кофир“, „Бахтигул ва Соғиндиқ“ достонлари ўша замонларда-ёқ китобхонаримизга манзур бўлган ва шоирнинг поэтик қувватини намоён қилган эдилар. Гарчи Ойбек сўнгиги вақтларда, асосан, проза жанрида ишлаётган бўлса ҳам унинг „Наввий“ романи устида ишлаши, уруш даврида ёзилган айрим шеърлари ва, ниҳоят, „Қизлар“ достони шоирнинг ўз қофияси билан хайрлашмаганидан дарак беради. Сўнги асар эса, Ойбекнинг поэтик талантининг янада такомиллашганини яққол кўрсатади.

„Қизлар“ достони Ватанимиз ўз бошидан оғир кунларни кечираётган бир чоғда — Улуғ Ватан уруши йилларида колхозларимизнинг асосий кучига айланиб қолган Совет хотин-қизларининг юксак меҳнат пафоси ва чексиз ватанпарварлик ҳисларини таянч қилуши асардир.

Пахтадан юқори ҳосил олиш ҳақида Ўзбек халқининг ўртоқ Сталин олдида қилган қасамёдига ўз овозларини қўшган беш колхозчи қиз — Назмихон, Олтиной, Дилбар, Ойжамол ва Гулшанлар ўзларига алоҳида звено тузиб, ҳар гектардан 100 центнердан ҳосил олишга ваъда берадилар. Иш процессида учраган барча қийинчиликларга сабр ва матонат билан бардош берган бу қизлар зўр садоқат ва қаҳрамонларча меҳнат қилишлари натижасида ўз вадаларини бажаришга муваффақ бўладилар. „Қизлар“ достонининг асосий сюжет чизиғи мана шундай содда ва самимий. Шунга қарамасдан, унда қалб поэзияси сезилиб туради. Халқимизнинг ватанпарварлик руҳи, коммунистлар партиясига садоқати, меҳнатга муҳаббати ва манфур душманга нисбатан ўтли нафрати тип даражасига кўтарилиб етган бешалоқ қизларнинг образида ўзининг тўла ва жонли ифодасини топган.

Поэмада қизлар звеносининг бир йиллик ҳаёти фаслларга мослаб бўлинган 15 бобда тасвирланган. Қизларнинг баҳорги экин кампаниясидаги иштироки ҳам, пахта экиш ва уни воёга етказишдаги қаҳрамонларча меҳнати ҳам, ариқ қазиш ишларидаги жонбозлиги ҳам, армиядаги жангчиларимиз силаларининг хўжаликларига берган амалий ёрдамлари ҳам, колхоз даласидаги буғдойни йиғиб олишда қатнашганликлари ҳам, шаҳар меҳнаткашларининг колхозларга берган ёрдами ҳам, фронтга юборган совгалари ва жангчиларга бўлган меҳру муҳаббатлари ҳам ва, ниҳоят, маданий дам олиш чоғида уларнинг китоб ўқишлари ҳам авторнинг диққат марказида туради ва воқиалар изчиллик билан бир-бирига уланиб, бир-бирини тўлдириб, такомиллашиб боради. Кичиккина бир дostonда шунчалик кўп масалаларнинг қамраб олиниши

¹ Ойбек „Қизлар“ (достон), Тошкент, 1947, тиражи 10150.

соддагина сюжет чизибга эга бўлган бу асарнинг композициясини ихчам ва пухта қилиб ишлашда шоирнинг катта муваффақият қозонганлигини кўрсатади. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, „Қизлар“ достони шу темада ёзилган бошқа асарлардан фарқли ўларақ, уларда эʼтибордан четда қолдирилган, лекин берилиши шарт бўлган айрим муҳим масалаларни — колхоздаги меҳнат турларига бир бутунликда қараш ва шаҳар блан қишлоқнинг муносабатини тўғри ёритиш блан ҳам у асарлардан юқори туради.

Достондаги қаҳрамонлар — романтик хислатларга эга бўлган алоҳида шахслар эмас, балки социалистик қишлоқ меҳнат армиясининг энг оддий вакиллари дир. Шунга кўра, уларнинг портретлари ҳам жуда содда:

Беш қиз тикар, — ҳарбирининг ҳам
Ўз ёши бор, завқ, қилиғи бор.
Энг етуғи Назмихон опам —
Ингичка қош, бўтакўз, бўйдор...
Маслаҳатгўй ғамхўр ва туйғун...

(бет 7)

Ёки:

Энг кичиги — жажжи қиз Гулшан.
Ажаб ўйчан ўн тўрт ёшида
Опа қизлар севар кўнгулдан
Ҳам лахтада, ҳам сув бошида,
Ҳам хирмонда жиддий, чайир у,
Болаларча самимий, шўх, қув...

(бет 8)

Юқоридаги мисраʼлар, шунингдек „Қадим қизи“ Олтиной, „Артист“ Дилбар ва „Полвон қиз“ Ойжамолларнинг портретлари авторнинг уларнинг ҳарбиридаги индивидуал хусусиятни жуда жонли қилиб тасвирлаб берганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам миллионлаб колхозчиларимиз учун типик бўлган бу образлар ўқучининг кўзи ўнгида реал кишилардай гавдаланадилар ва унинг хотярасида сақланиб қоладилар.

Шоир табиат манзараларини жуда образли ва жозибали тасвирлаш блан бирга улардан дoston қаҳрамонларининг характерини очиш учун усталик блан фойдаланган. Бунини қуйидаги биргина мисол ҳам яққол кўрсатаолади:

Кўм-кўк, гулдор кўйлакли сатанг —
Қуёш қизин ўтди сеп ёйиб.
Гилосларга лабдан бериб ранг,
Тут шиннисин наҳорда тотиб.
Кўк чой талаб ёз қизир ҳамон,
Ҳар кун ошар қуёш ғайрати.
Урик — олтин; олма бети — қон,

Чеҳраларда гулхоннинг тапти,
Дарахт қўйни, жилдираган сув,
Ҳар жонлининг қидиргани бу!..

Сочлар чамбар, енглар шимариқ,
Юзларида тинмас шўр булоқ.
Оёқларда эркакча чориқ —
Дам ўтмасдан лаблари қоқроқ.
Яхна кўк чой!

Бормисан қумғон!
Ҳар қултуми жонга қўшар жон.

(бет 28)

Шоир Ойбек фольклор ва классик адабиётимизни чуқур ўрганиш орқасида ўзбек совет поэзиясига янги строфик форма киритди. Унинг строфаси таркиб бандни эслатиб, унда икки тўртлик чатишган қофияда берилиб, сўнгги байт жуфт қофия блан тугайди. Бундан ташқари, асарнинг вазни, қофия ва тууроқлари устида пухта ишланганлиги дostonнинг бадий қимматини яна ҳам оширган.

Давр руҳини ўзида асосан тўғри акс этдирган ва юксак бадий савияда турган бу „Қизлар“ дostonида, афсуски, баъзи нуқсонлар ҳам учрайди.

Асарнинг VIII-бобида райком секретарининг „бешалоқ“ қизлар звеноси пахта даласини сайр қилиб кетганини истисно қилганда, уларни қаҳрамонларча меҳнатга илҳомлантирган ва рағбатлантирган мамлакатимиз ҳаётида етакчи куч бўлган коммунистлар партиясининг раҳбарлик родини тасвирлашга асардан ўрин ажратилмаган: оғир ва мас'улиятли вазифанинг барча машаққатларига фидокорона меҳнатлари блан бардош бераётган звено а'золарига колхоз партия ташкилотининг на раҳбарлиги ва на ёрдами кўрсатилмаганлиги ғайри табиийдир.

Шоир Ойбекнинг „Қизлар“ поэмасида социалистик қишлоғимизнинг маданий ҳаётини тўлалиги блан кўрмаймиз. Дostonнинг қаҳрамонлари социалистик қишлоғимиз учун характерли бўлган электрлаштирилган ва радиолаштирилган янги данғиллама уйларда эмас, балки феодализм даври учун типик бўлган кўримсиз уйларда яшайдилар.

Шу қишлоқда қора уйчада
Ўтиради — сирдош ва иноқ —
Бозиллаган пастак танчада
Дугоналар — бешта қизалоқ.

(бет 3)

Лекин, юқоридаги нуқсонларидан қат'и назар, лауреат шоиримиз Ойбекнинг „Қизлар“ дostonи ўзбек совет адабиётининг ютигидир.

Социалистик қишлоқ темасида ёзилган йирик асарлар таҳли-
лини тугатиш учун, ниҳоят, шоир Мирмуҳсин ва М. Бобоевлар то-
монидан шу темада яратилган поэмаларни кўздан кечиришимиз
шарт¹.

Шоир сифатида шаклланиб келаётган ёш шоирларимиз ижо-
дида ҳам сўнгги йилларда жиддий бурялиш рўй берди: улар
кичик ше'рий формалардан йирик поэтик асарлар—поэмалар
ёзишга кўчдилар, бунинг натижасида Мирмуҳсиннинг „Уста Ғиёс“
ва „Яшил қишлоқ“, Асқад Мухторнинг „Пўлат қуючи“, М. Бо-
боевнинг „Боғбон“ ва Рамз Бобожоннинг „Қадрдон дўстлар“
поэмалари майдонга чиқди. Ўзларининг бу асарларида ёш шоир-
ларимиз актуал темалардаги воқиялар орқали замонамиз киши-
ларининг образларини яратиб беришга ҳаракат қиладилар.

Жумладан, шоир Мирмуҳсиннинг „Уста Ғиёс“ поэмаси² Улуғ
Ватан уруши даври ва шонли ғалабамиздан сўнгги биринчи кун-
лардаги колхоз ҳаётини акс этдиришга бағишланган. Уста Ғиёс
образида автор йигитлар фронтга кетгач қишлоқда асосий куч-
лардан бирига айланган чолларнинг фидокорона меҳнатини кўрсат-
тишга интилади. Уста Ғиёс колхоз тузиш ишларида актив қат-
нашган, қийинчиликларга қарши кураш йилларида колхозни муста-
тақкамлаш учун жонбозлик кўрсатган, совет тузуми туфайлиги-
на орқасига офтоб текканлигини англаганидан совет халқи Ва-
танимизнинг озодлиги учун ҳаёт-мамот кураши олиб бораётган
кунларида ўзининг чексиз ватанпарварлик руҳини тўла намён
қилган оддий совет деҳқонларининг биридир. Автор Улуғ Ватан
уруши йилларидаги вазиятда колхозчиларимизнинг сиёсий онги-
нинг янада ўстанлиги орқасида уларнинг аничилиги оддий кол-
хозчи даражасидан коллективнинг жонкуяр раҳбарига айланган-
лигини жуда тўғри пайқаган ва бу актуал темани ўқучига содда
формада етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Мирмуҳсиннинг иккинчи поэмаси „Яшил қишлоқ“³да эса,
тамомла янги ва актуал бир тема—асрлар давомида қақраб ёт-
ган чўлларни ўз иродасига бўйсундириб, унда янги қишлоқлар,
пахта далалари яратган совет халқининг ижодий қудрати тас-
вирланади.

М. Бобоевнинг „Боғбон“⁴ поэмасининг темаси ҳам ўзига хос ва
зарурийдир. Унда пахтачилик ва шунинг билан бир қаторда Ўзбеки-
стон шароитида катта аҳамиятга эга бўлган боғдорчиликни ривож-
лантириш масаласи қўйилган.

„Уста Ғиёс“, „Яшил қишлоқ“ ва „Боғбон“ Мирмуҳсин ва
М. Бобоевнинг дostonчилик соҳасидаги тўнгич асарлари бўлишига
қарамай, шоирларимизнинг бадиий маҳорат савияси ҳақида ма-
лум тасаввур бераоладилар.

¹ Рамз Бобожоннинг „Қадрдон дўстлар“ поэмаси („Шарқ юлдузи“, 1948
№ 6) ҳали тўла босилмагани учун биз унга тўхтамаймиз.

² Мирмуҳсин „Уста Ғиёс“ (поэма). Тошкент, 1947, тиражи 5000.

³ Мирмуҳсин „Яшил қишлоқ“, Тошкент, 1948, тиражи 3000.

⁴ М. Бобоев „Боғбон“, Тошкент, 1948, тиражи 3030.

Маълумки адабий асарда образларни фақат типиклашдиришгина етмайди, балки ишонarli ва жонли бўлишлари учун уларнинг ташқи қиёфаси, характери ва тилидаги индивидуал хусусиятларини ҳам кўрсата билиш зарур. Мирмуҳсиннинг поэмаларидаги Уста Ғиёс, Аппон чол ва Умурзоқларнинг, М. Бобоев дostonидаги Собиржон, Умрихон ва Жўраҳон опалар образларининг анчагина жонли ишлавангликлари бу жиҳатдан шоирларимизнинг бир мунча муваффақият қозонганликларини кўрсатади. Усталик блан тасвирланган табиат манзаралари аса, қаҳрамонларнинг характериини очишга ёрдам беради.

Бу асарларнинг, айниқса „Уста Ғиёс“ поэмасининг, фазила-ларидан бири шундаки, уларда халқнинг жонли тилида ва биринчи галда, ҳикматли сўзлар ҳам мақоллардан усталик блан тўғри ва ўринли равишда фойдаланилган.

Юқорйдагилар Мирмуҳсин ва М. Бобоевнинг дostonчилик соҳасидаги тўнғич асарларида-ёқ, бирмунча муваффақият қозонганликлари ва келажакда ғоявий ўткир ва бадний пухта асарлар яратишлари мумкинлигидан далолат беради. Лекин бу ёш ўртоқларимизнинг ҳали турмушни атрофлича ўрганиб етмаганликлари орқасида айрим фактларни чуқур мушоҳида қилиб, улардан тўғри сиёсий хулосалар чиқаришдаги тажрибасизликлари ва бундан ташқари уларнинг шу типдаги йирик асарларнинг техникасини етарли даражада пухта ўзлаштириб улгурмаганликлари натижа-сида бў поэмаларда талай жиддий камчиликларга йўл қўйилган.

Ҳар уч дostonнинг ҳам энг йирик камчиликларидан бири ша-ҳар аҳолисининг колхозларга меҳнат процессида берган ёрдам-ларини акс этдирмаслик орқасида қишлоқдаги қийинчиликларни ғайри табиий равишда бўртдириб кўрсатишдадир.

Бундан ташқари, мазкур дostonларда коллектив блан шахс ўртасидаги муносабат етарли даражада тўла ва тўғри ифодалан-маган. Натижада, поэмаларнинг асосий қаҳрамонлари Уста Ғиёс, Умурзоқ, Собиржон, Умрихон ва Жўраҳон опадан ташқари кол-хознинг бошқа жонкуяр а'золари кўринмайди, аксинча, дангаса (Мирюнус, Апон ота) сабрсиз (Ашур, Турди ва Норчол), жамоат мулкига в'тиборсиз қаровчи (Болтабой) ва, ҳатто, унга хиёнат қилучи (Нишонбой) кишиларга, поэмаларда катта ўрин берилган. Аслида аса, авторлар айрим шахсларнинг ролига ҳаддан ташқари ортиқ баҳо бериш орқасида уларни ўз коллективининг мадади-дан маҳрум якка кишилар даражасига тушириб қўйиш блан ҳа-қиқатга хилоф иш қилганлар. Бундан ташқари „Уста Ғиёс“ поэма-сида шахсий истак асосида ташкил топадиган оилани жамоат асосида қурилган колхозга қарама-қарши қўйиш блан ҳам катта хато қилинган. Биз бу ўринда поэманинг „Ичкуёв“ бобини кўзда тутамиз, чунки агар Уста Ғиёснинг „тадбири“ бўлмаганда, Зеби-нинг колхоз а'зоси бўлиши унинг эркин равишда турмуш қури-шига мони'лик қилган бўлар эди.

Бу поэмаларнинг йирик нуқсонларидан яна бири уларда совет кишиларининг бой ма'навий ҳаётини тўлалиги блан акс этди-риб берилмаганлигидир. Холбуки, „Бизнинг вазифамиз совет

одамининг барча яхши туйғу ва яхши сифатларини саралаб олиш совет одамининг истиқболини унга очиқ кўрсатиш блан бирга, уларнинг қандай ёмон сифатлардан йироқ бўлмоқлари кераклигини кўрсатишимиз, ўтган, кечаги кунги эскиликларнинг, совет кишиларининг илгари қадам босишларига тўсқинлик қиладиган эскиликларни қаттиқ танқид қилишимиз керак“ (А. Жданов). Социалистик реализм совет кишиларини ана шундай тасвирлашни талаб қилади.

Достонлардаги қаҳрамонлар меҳнатга муносабатлари ва ватанга муҳаббатлари жиҳатидан янги кишилар, лекин уларнинг онглари турмушдан беҳад даражада орқада, биз аллақачонлар босиб ўтган этапларда судралиб юрадилар. Бу нарсани достонларда биздаги янги оила, кишиларга ғамхўрлик, маданий муомала ва турмушимизни тамомила янгича қиёфасини тўла акс этмаганлигида кўрамиз: „Уста Ғиёс“ поэмасида Зебининг турмуш қуришдаги „изми“ колхозда деб қаралиши ва „Боғбон“ поэмасида эса, Даврон отанинг ўз қизи Умрихоннинг оила қуриши ҳақидаги сўзларида шу янги оила туфайли ўзининг иккисининг (қизи Умрихон ва кўёни Собиржон) топган молига кўмилиши тўғрисидаги мулоҳазалари янги совет оиласининг характери ва унга муносабатни нотўғри ифодалайдилар.

Шоирларимиз Мирмуҳсин ва М. Бобоевлардан ўқучи ўз асарларида совет кишиларининг янгича маданий муомалаларини акс этдирмасликларидан ташқари, ҳатто, дастонларнинг асосий қаҳрамонларини ҳам дағал ва қолоқ кишилар қилиб тасвирлаганликлари учун қаттиқ гинахонлик қилишга ҳақлидирлар. „Уста Ғиёс“ поэмасида колхоз райси стахановчи қиз Зеби ҳақида „Кўнгил берган экан қизталоқ“ деса, „Яшил қишлоқ“да асарнинг бош қаҳрамони Умурзоқ бир колхозчига „Лайлак боқибмизми совлат учун, така бўлгин, сутинг бўлсин, ука!“ дейди; Боғбон поэмасида эса, бир колхозчи „Менга нима? Боғинг блан бригадир бўлган...“ деб сўкинади. Бундан ташқари бу асарларда қишлоқдаги кишилар бир-бирларини номлари блан эмас, балки Ориф-лайлак, Соли-пучяқ, Мамарасул чўтур („Уста Ғиёс“), Нормат-тажанг, Букир Хол, Вали чапани („Яшил қишлоқ“), Юнуспир, Ойша пучуқ („Боғбон“) каби масхараловчи лақаблар блан атайдилар. Бунинг устига, доққиювусдан қолган керосин лампаларни ёқиб эски тепдаги уйларда яшовчи „Уста Ғиёс“ поэмасининг қаҳрамонлари нос тупуришдан бошқа нарсани билмайдилар. Ҳолбуки, бу кишилар Уста Ғиёсдек колхознинг жонкуяри оғриб қолганида ундан бирор мартаба ҳам хабар олишга ярамаганлар (Қаранг булар одамгарчилик ҳисларидан қанчалик узоқда!).

Балки Мирмуҳсин ва М. Бобоев бир оғиздан: „Ахир, қишлоқларда бўлганмиз, унда кишилар худди ана шундай сўкишиб гапиришадилар, бир-бирларини худди ана шундай лақаблар блан чақиришадилар“ дея э’тироз билдиришлари ва, ҳатто, далиллар кўрсатишлари ҳам мумкин. Агар шоирларимиз мана шундай мулоҳазалар асосида қишлоғимиздаги ҳаётни юқоридагидай тасвирлаган бўлсалар, катта хато қилиптилар, чунки ўсиб келаётган ва

ҳаётимиз учун характерли бўлган янгилликларни пайқамай, ҳарқандай воқиа ва ҳодисаларни тўғридан тўғри натурадан айнан кўчириб олиш илғор адабиётимизнинг методи бўлмиш социалистик реализмнинг принципларига хилофдир.

Бу икки шоирнинг поэмаларида энг яққол кўзга ташланадиган нарса уларнинг ўз асарларининг формаси устида қунт блан ишламаганликларидир. Бу нарса дostonларда тасвирланган воқиалар ўртасида мустаҳкам алоқанинг йўқлигида ҳам, мисра'ларни равон, ўйноқчи вазинда чизабилмасликда ҳам кўринади.

Кўрсатилган поэмаларда пухта ишланган айрим парчалар бўлишига қарамай, уларни шу асарларда жуда катта ўринни ишғол қилган ва бадний жиҳатдан жуда заиф ишланган қуйидаги каби мисра'лар босиб кетадилар:

Борки... сен блан мен қочиб кетдик. — 10
Шунинг блан колхоз тамомми? — 9
Йўқ, Ашурвой! Эҳтимол учгандирсан — 11
Иғвосига бирор ёмоннинг. — 9

(„Уста Ғиёс“, бет 31)

Еки:

Йўлни кесиб ўтган ариқлар кўп, — 10
Шоҳ босилган букур кўприклар. — 9
Қанча ариқ бўлса ютарди чўл — 10
Қанча семирмасян қонмас тупроқлар — 11

(„Яшил қишлоқ“, бет 40)

Еки:

Ншонбой безрайиб турарди пастда — 11
Собир нарвонидан тушди индамай. — 11
— „Омборчи эдинг? Иш пачава... — 9
Тер тўк — 2
Бўлмаса! — 3

(„Борбон“, бет 41)

Бу дostonларда қофия ва туроқларнинг ҳам нақадар бўш ишланганлиги юқоридаги мисра'ларнинг ўзиданоқ кўриниб турибди. Бундан ташқари кўрсатилган дostonлардаги кўп мисра'ларда ше'рий руҳининг йўқлиги орқасида улар поэзиядан кўра ёмон прозага кўпроқ яқин тўрадилар:

— Севга нима! Аравакаш ҳам —
Жавобгар ҳам Болтабой экан:
Ё, раислик да'во қиласанми!
Етар дейман битта каттакон!
Подадан ҳам бизда қуйчивон кўп.
Ўҳ-хў, буни(нг) дўқини қара!
Ҳа, червоининг куйибтими? Мунча!

Колхозники бу от-арава!
Раис келди. Чанг этигини —
Тап-тап урди:
— Ўзи нима гап?..
— Тинчлик,
Фақат тўриқ ботибди..
Шунга шунча шовқинми, ажаб?..
Ия, жонивор, бизнинг тўриқми?..

(„Уста Ғиёс“, бет 12—14)

Ёки:

Кўрдингиз-ку, олтин-олтин, Украина ери!..
Мен комбайн ҳайдар эдим, Ун қиз ортимдан —
Чувиллашиб, донни йиғиб улгураолмасди.
Аmmo менинг Мариямчи, ҳайрон қоласан,
Худди йиғит; чаққон эди, ишлаб толмасди.
Оқшом бўлса, қишлоғимиз, худди байрамдай,
Тус оларди. Қўлтиқлашиб чиқардик боққа.

(„Борбон“, бет 13)

Шу нарса ачинарлики, шоир Мирмуҳсин ўзининг иккинчи поэмаси „Яшил қишлоқ“ да биринчи поэмаси бўлган „Уста Ғиёс“ га нисбатан ҳам бадий жиҳатдан бирмунча орқага кетган.

Юқорида кўрсатилган камчиликларга қарамай, „Уста Ғиёс“, „Яшил қишлоқ“ ва „Борбон“ поэмалари ёш шоирларимиз Мирмуҳсин ва М. Бобоевларнинг ижоди ўсаётганини, уларда актуал темаларни ишлашга ҳавас зўрлигини ва, агар бу шоирларимиз ўзларининг назарий билимларини тинмай ошириб борсалар бадий малакаларини борган сари такомиллаштирсалар ҳам турмушни янада чуқур ўргансалар, келажакда китобхонимизнинг талабларига ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан тўла жавоб бера оладиган адабий асарлар яратаолишлари мумкинлигини кўрсатади.

VI

Биз социалистик қишлоқ темасига оид ўзбек совет адабиётида сўнгги йилларда пайдо бўлган йирик прозаик ва поэтик асарларни кўздан кечириб чиқдик. Бу қисқача обзор қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

Партиямиз Марказий Комитетининг мафкура масалаларига оид қатор тарихий қарорларидан сўнг ўзбек совет адабиётида жиддий бурилиш ясалди. Ёзучиларимиз ижодий маҳоратларини ҳаётимизнинг актуал проблемаларини ҳам социалистик жамиятимиз кишиларини яратишга томон бурдилар ва анчагина муваффақиятларга эришдилар. Лекин ҳозирги этапда адабиётимиз ҳали қатор жиддий нуқсонларга эга. Кўлгина асарларимизда ҳали партиянинг раҳбарлик роли етарли даражада акс этдирилмаган, хал-

қимиз босиб ўтган сийфий кураш жараёни тўғри ёритилмаган, совет кишиларининг янги қиёфаси, уларнинг ма'навий бойлиги тегишлича ифодаланмаган, ба'зи асарлар сиёсий ва бадий жиҳатдан совет китобхонининг юксак талабларига жавоб бераолмайди.

Шу нарса қувонарлики, партиямиз Марказий Комитетининг тарихий қарорларидан сўнг ўтган икки йил ичида ўзбек адабий танқидчилигининг савияси анча кўтарилди. Шароф Рашидовнинг „Янги ижодий интилишнинг тўнғич меваси“ („Шарқ юлдузи“, 1947, № 8), А. Алимўхаммедовнинг „Уста Ғиёс“ поэмаси ҳақида ба'зибир мулоҳазалар“ („Шарқ юлдузи“, 1948, № 1) ва „Қўшчинор“ романи ҳақида“ („Қизил Ўзбекистон“, 1948 йил, 1 август № 152 (7083), Абдулла Олимжон ва Ёнғин Мирзаларнинг „Қизлар“ („Қизил Ўзбекистон“, 1948-йил, 3-март № 45 (6976) мақолалари ва Ўзбекистон Совет Ёзучилари Союзига уюштирилган қатор диспутлар фикримизнинг далилидирлар.

Демак, Ўзбек совет адабиёти ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан борган сари юқори поғонага кўтарилмоқда. Унда ғоявий ўткур ва бадий юксак асарлар яратишга қодир бўлган таланти ёзувчилар отряди бор. Бу ёзувчиларимизнинг галдаги муқаддас бурчи совет китобхонларининг ўсган талабларига тўлиқ жавоб берадиган асарлар яратиб беришдадир.

МАУНИДАРИЖА

Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советидан	3
Андрей Александрович Жданов	4
Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумидан	7
Катта жудалик	9
Шайхзода. Сўяғи йўл. Ше'р	11
Миртемир. Мунв... Ше'р	12
М. Бобоев. Алвидо', жонажон Андрей Александрович. Ше'р	13
Мирмуҳсин } У мангу барҳаёт. Ше'р	15
Асқад Мухтор }	
Ж. Шарифий. Хоразм. Достон :	16
В. Авдеев. Подалар йўлларда. Повесть	15
	93
	95
Холид Расул. ҳақиқат. Ше'р	98
П. Мўмин. Сувчи. Ше'р	100

ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИРЛАРИ

Йўлмирза. Чўлнинг чекиниши. Ше'р	141
Аббос Дабил. Ёз. Ше'р	104
С. Қосимов } Социалистик қишлоқ темасидаги йирик асарлар	06
С. Азимов }	
Ҳ. Убайдуллаев }	

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Ойбек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшин Увғун*, *Абдулла Қаҳҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий Сами' Абдуллаев*.

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 8

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Қзыл Узбекистан“ и „Правда Востока“

Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Босишга руҳсат этилди 3-ИХ-1948 й. Р 06405. Қоғоз формати 60х92/16. Босма ливтв 8. 1 яражи 6000. Нашр. №863. Баҳоси 5 сўм.

Тошкент „Қизил Узбекистан“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмахонаси; Заказ № 913